



Н. Г. МОШКОВА

МУЗЕЙ ОТКРЫТ НЕБОМ
A MUSEUM IN THE SKY

КОВРЫ
народов
Средней Азии



ИСКУССТВО
БАКТРИИ

Ф. КАРОМАТОВ
ЎЗБЕК
ХАЛҚИ
МУЗИКА
МЕРОСИ



Танец
Жукаррам
Тургунбаев

Жукаррам
Тургунбаевнинг



ЎЗБЕКСКИ
ТАНЦ
5
ИСАХА...

1998

Ўзбекистон



**Санъатшунослик
илмий-тадқиқот
институти тасвирий
санъат ҳамда
санъат тарихи
бўлимлари илмий
ходимлари.**



сентябрь-октябрь

Ижтимоий-сиёсий,
илмий-оммабоп ва
бадий безакли журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:
Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

*Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Асқар МАҲКАМ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Жасур РАСУЛТОЕВ,
Маъпура НАБИЕВА
(масъул котиб),
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
Деҳқонбой ҲУСАНОВ.*


Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.

УШБУ СОНДА

| | |
|---|----|
| Тилаб МАҲМУДОВ. Мустақиллик ва миллий мафкура..... | 3 |
| Кўчқор ХОНАЗАРОВ. Илмий-таҳлилий фикрлаш намунаси..... | 7 |
| Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА. Муттасил даъват..... | 8 |
| Гулноза РЎЗМАТОВА. Миллий ўзликни англаш..... | 10 |
| Элмира АБДУҲАМИДОВА. Озод мамлакатнинг озод авлоди..... | 11 |
| Сайёра ШОДИЕВА. Қалби санъатга ошуфта халқим!..... | 12 |
| Оқилхон ИБРОҲИМОВ. Юксак илм маскани..... | 14 |
| Мовлуда ЮСУПОВА. Марказий Осиёда ягона..... | 15 |
| Файзулла М.КАРОМАТЛИ. Санъатшунослик ривожига Фанлар Академиясининг ҳиссаси..... | 16 |
| Муҳсин ҚОДИРОВ. Давр билан ҳамқадам..... | 17 |
| Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ. Истиқлол истиқболлари..... | 18 |
| Рустамбек АБДУЛЛАЕВ. Эллар ва элатлар мусиқаси..... | 18 |
| Элдор МУХТОРОВ. Театрда кечаётган жараён..... | 19 |
| Баҳодир ТУРҒУНОВ. Асрлар қаърига сингиб..... | 20 |
| Искандар АЗИМОВ. Меъморий обидалар мажмуаси..... | 21 |
| Ханжара АБУЛҚОСИМОВА. Кино давр ва фан кўзгусида..... | 21 |
| Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ. Сирли истеъдод соҳиблари..... | 22 |
| Марфуа ҲАМИДОВА. Маданиятшунослик истиқболлари..... | 23 |
| Камола ОҚИЛОВА. Заргар Дилором..... | 25 |
| Нодира СОАТОВА. Тафаккур чироғи..... | 27 |
| Ибодат РАЖАБОВА. Эшиқларда туғилди оят. (Шеърин туркум)..... | 29 |
| Шойим БЎТАЕВ. Аёл дилимни тушунса..... | 32 |
| Нўмон РАҲИМЖОНОВ. Мунаққид эстетикаси..... | 34 |
| Матёқуб ҚЎШЖОНОВ. Яхшидан ёруғлик..... | 36 |
| Асқар МАҲКАМ. Фақат буюқларгина хомуш бўладилар..... | 38 |
| Шамсия ХУДОЙНАЗАРОВА. "Биза давлат эди азобингиз ҳам..." (Шеърлар)..... | 39 |
| Маъпура НАБИЕВА. Бўёқларда янграган кўшиқ (Мусаввир Темур Саъдуллаев билан мулоқот)..... | 40 |
| Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА. "Шарқона, миллий спектакль бўлсайди..." (Республика кўғирчоқ театри актрисаси Кароматхон Исомова билан суҳбат)..... | 42 |
| Муҳаммаджон ЖАКБАРОВ. Ҳадисларда маънавий комиллик..... | 44 |
| Абдуҳад ЖЎРАҲОНОВ. Фалак Огаҳийни эшитадими?..... | 45 |
| Омон МУХТОР. Майдон. (Романдан парча)..... | 46 |
| Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ. Инсон – "нури худо"..... | 51 |
| Нажмиддин НИЗОМИДДИНОВ. Навоийга эргашган ҳиндистонлик шоирлар..... | 52 |
| Нусратулло Атоулло ўғли ЖУМАХЎЖА. Машраб ҳамма замонда исендир..... | 54 |
| Жалолиддин РУМИЙ. Маснавий (Давоми)..... | 56 |
| Илҳом ЗОЙИР. Ҳарифлар (Ҳажвия)..... | 63 |

Муқованинг биринчи бетиди:

*Ўзбекистон Бадий Академиясининг
Санъатшунослик институти ходимлари
асарларидан намуналар.*



Республикамиз
Президенти
Ислом
КАРИМОВ
"Тафаккур"
журнали бош
муҳаррири билан
бўлган
мулоқотда
миллатимиз
тақдири ва
мафкура
хусусида
ўзининг
долзарб
фикрларини
билдирди.

- ♦ Миллий мафкура миллатни бирлаштирувчи байроқдир
- ♦ Энг даҳшатлиси — фикр қарамлиги, тафаккур қулиги
- ♦ Мафкурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади
- ♦ Маънавиятимиз қўлимизда енгилмас кучга айлансин

- ♦ Мафкура полигонлари ядро полигонларидан кучлидир
- ♦ Мафкура ўтмиш ва келажак ўртасидаги кўприқдир
- ♦ Миллатнинг, халқнинг ҳамжиҳатлиги тараққиётнинг гаровидир
- Онгли турмуш — жамият ҳаётининг бош мезони

- ♦ Мақсадимиз — эркин шахсни тарбиялаш
- ♦ Кучли давлатдан кучли жамият сари
- ♦ Жаҳолат — маърифатнинг кушандаси
- ♦ Жаҳонга ўз сўзимизни айтайлик

Юртимизнинг хавфсизлиги — сиёсатимизнинг бош йўналиши

- ♦ Энг олий мақсадим — халқимнинг омонлиги

МУСТАҚИЛЛИК ВА МИЛЛИЙ МАФКУРА

Бугунги кунда ғояни, фикрни тақик билан, маъмурий чоралар билан енгиб бўлмайди. Ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин.

Ислоҳ КАРИМОВ.

Ўзбекистон мустақиллигига 7 йил бўлди. Бу даврда халқимиз асрларга тенг воқеаларни бошидан кечирди, озодлик ва мустақилликнинг чўнг илдишлари ҳар бир юракдан чуқур ўрни эгаллади. Энг асосийси – давлатнинг инсонга, инсоннинг жамиятга бўлган муносабати ўзгарди.

Бу ўзгаришлар асосини Ўзбекистонда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий воқеалар, одамларнинг онги, дунёқарашида содир бўлаётган жараёнлар белгилайди.

Инсон ҳаётини фақат тирикчилик ташвиши-ю қоринға ми белгиламайди. Инсон учун моддий эҳтиёждан кўра кўпроқ тафаккурни қамраган, руҳийни банд этган, маънавийни белгилувчи шундай ғоялар, фикрлар, идеаллар, орзу-ниятлар борки, улар ҳар бир юракни тўлқинлантириб-тўлқинлантириб жамият деб аталмиш борлик уммонини ташкил этади ва уни истиқбол сари чорлайди. Бу ғоялар, идеаллар, фикрлар, қарашлар кўпинча битта сўз билан «мафкура» деб аталади ҳамда муайян жамият, миллат ва мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий-маънавий қиёфасини ифода этади.

Инсоният тарихида хали бирон жамият ёки давлат асосий ғоялар тизими, яъни мафкурасига эга бўлмасдан

таракқий этмаган ёки ўз фаолиятини олиб бормаган. Ўз таракқийёт дастури ва оммани бирлаштирувчи изчил ғояларини ишлаб чиқмаган жамият ёки давлатда мафкурарий бўшлиқ пайдо бўлади, асосий йўналиш бағрида туғиладиган қарашлар ҳар хиллигига асосланадиган демократик тамойиллар эмас, бу бўшлиқни шошилинч тўлдирришга ҳаракат қилувчи, жамият ва давлатнинг асосий ғояси ҳисобланишга даъво этувчи ўткинчи қарашлар, қайфиятлар шаклланиши мумкин.

«Мафкура бўлмаса, – дейди Ислоҳ Каримов «Тафаккур» журнали муҳбири саволларига берган жавобида, – одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррар. Иккинчидан, қаердаки мафкурарий бўшлиқ вужудга келса, ўша ерда бегона мафкура ҳукмронлик қилиши ҳам тайин».

Мафкура наники жамият ва давлат, миллат ва мамлакат ҳаётини, истиқбол йўлини ёритувчи нур, ҳатто алоҳида шахс қалбини, вужудини ҳаракатлантирувчи кучдир. Мафкурасиз одамнинг одамлиги шубҳалидир. Халқимиз ўз қарашига, мустақил фикр-мулоҳазаларига, халқ, Ватан ва давлат манфаатлари нуқтаи назаридан тафаккур юритишга қодир бўлмаган одамларга нисбатан «тутуруқсиз одам» деган ифо-

рани ишлатади.

Алоҳида шахс дунёқараши билан жамият ва давлат мафкураси ўртасида доимий бирлик ва муштараклик бўлмаслиги мумкин. Жамият ва давлат мафкураси - муайян мамлакат осмонидаги қуёш янглиғ барчага баравар нур сочади. Бу нурни қалбига жо айлаган, ё жо айламаган кишилар бўлиши табиий. Гап бу нурнинг қанчалик халқ, жамият ва давлат учун аҳамиятли эканлигини тушуниб етишда. Уни соддалик билан қабул қилувчилар ҳам бор, унга кўр-кўрона эргашувчилар ҳам топилади, уни инкор этиб, ичдан емиришга ҳаракат қилувчилар ҳам учрайди, аммо инсонпарварлик ва ватанпарварлик ғоялари билан суғорилган мафкурарий нур атрофига тўпланувчи аксарият халқ уни тўғри тушунади ва уни жамият, давлат миқёсида мустаҳкамланишига умидвор бўлади. Бу ўринда биз айрим «мафкурашунос»ларни, маддоҳлик йўли билан ўзини кўрсатишга ва бошқалардан кўра томоғи йиртилгунча авж пардада бақирришга ҳаракат қиладиган, замон чархпалагининг шилта паррақларини кўзда тутатганимиз йўқ. Бундай шахслар ҳар доим санокли бўлиб, варрак сингари шамолга қараб ҳар ёнга «шоҳ ташлаб» туришини кўрганмиз.

Гап миллат, жамият ва давлат тақдирини белгиловчи мафкуравий ғояларга сидкидилдан эътиқод ва ҳалол муносабат устида борар экан, аксарият халқ оммаси жамият ва давлатнинг бош ғоясини, асосий тараққиёт тамойилини тўғри тушунишини ва ўз навбатида, тўғри тушунтиришга муҳтожлигини таъкидламоқ жоиз. Чунки Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «табиатда ҳам, жамиятда ҳам вакуум-бўшлиқ бўлиши мумкин бўлмаганидек, мафкура соҳасида ҳам бўшлиқ вужудга келишига асло йўл қўйиб бўлмайди».

Мисол тарзида айрим вилоятларда ва шаҳарларда уя қуришга ҳаракат қилган ваҳхобийларни олиш мумкин. Уларни худди мана шу ўтиш даврида пайдо бўлиб қоладиган «мафкуравий бўшлиқ»нинг меваси деса бўлади. Дин ва диний маросимлар, ислом таълимоти ва ахлоқий-фалсафий ғояларга кенг йўл очилиши, одамларнинг виждон ва имон эркинлиги кафолатланиши муносабати билан айрим диний экстремизм йўлига кириб олган кимсалар миясида ўз дунёқарашларини умум-жамият миқёсида тарқатишга, мустақиллик идеалларини диний эътиқодга бўйсундиришга ва натижада фуқароларнинг демократик йўлдан бориб, адолатли жамият қуриш ниятларини тушовлаб ташламоқ ниятларини ошқор этди. Мустақиллик мафкурасига зид бўлган диний экстремистик ғоялар пировардида жинойишларни содир этишгача олиб келди. Тарихдан маълумки, аввал тўплар отилиб, сўнгра ғоялар жанги бўлмаган. Аксинча, аввал миялар қизиган, тафаккур етилган, маълум дунёқараш шаклланиб, мафкуравий курашлар майдонга чиққан. Мафкуравий зиддият натижаси тўплар гумбураши, аёллар фарёди, кекса-юёшнинг иссиқ қони тўкилишига олиб келган. Йигирма асрдан буён одамларнинг дарё бўлиб оққан кўз ёшлари-ю юрак қонлари етмасмиди XXI аср бўсағасида! Йигирма асрдан буён одамларнинг бир-бирларига қўлларини бигиз қилиб ирк, миллат, жинс ва ирс ажратишлари етмасмиди янги минг йиллик остонасида! Яхшими, ёмонми мафкуравий бўҳрон даставвал ёшларни ўз домига тортади. Ёшларсиз ҳар қандай мафкура, дунёқараш, ғоялар бир қадам ҳам силжмай қолади. Ғояларни кучайтирувчи, тўлдирувчи ва уларга қалб берувчи ёшлардир. Шунинг учун барча замонларда жамият ва давлат, ўз олдига маълум мақсад қўйган гуруҳ, жамоа, оқим, мазҳаб ва сенталар биринчи навбатда ёшларнинг онгини эгаллашга ҳаракат қилади.

Ёшлар тез эгилувчан, ишонувчан ва

орқага қарамай олдинга шиддат билан интилувчан бўладилар. Уларни алдаш ҳам, авраш ҳам осон. Уларнинг ана шундай табиатларида ўз ниятлари куртакларини ўстирувчи «катта»лар бўлади. Шунинг учун маълум мафкура ғояларини эгаллаш ё эгалламаслик, уларга эътиқод ё ишончсизлик ёшларни ўраб олган мафкуравий муҳитга боғлиқ. «Асосий мақсад, – дейди Президентимиз, – инсон, авваламбор ёшлар қалбини эгаллаш, муайян мамлакат ёки минтақадаги бирор миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезгитуйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш. Фикр қарамлиги, тафаккур қуллиги эса ҳар қандай иқтисодий ёки сиёсий қарамликдан ҳам кўра даҳшатлидир».

Фикр тиниқлиги, тафаккур теранлиги ва дунёқарашнинг кенглигига эришиш учун наинки жамият ва мамлакат миқёсида, балки ҳар бир инсон онги ва ҳаётида миллат ҳамда Ватан манфаати, истикболини белгиловчи ғоялар, қарашлар ва тамойилларга ишонч ва эътиқод туйғуларини вояга етказмоқ зарур.

Дарҳақиқат, қачонки жамиятда мафкуравий бўшлиқ пайдо бўла бошласа, албатта, унинг ўрнини қандайдир ва қайсидир дунёқараш ё мафкуравий ғоялар эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Ана шунинг учун биз мустақиллик ва эркинлик, миллий-маънавий кадрларимизга содиқлик ғояларини миллий мафкурамизнинг асосий негизи сифатида халқимиз онгига сингдириб боришимиз даркор.

Жаҳондаги турли сиёсий, диний, миллий мазҳаб ва оқимлар ўртасидаги кураш XX асрда ниҳоятда чуқурлашиб ва нозиклашиб кетган экан, мафкуралар ўртасидаги жанг кўзга кўринмас тарзда устамонлик билан олиб борилаётган экан, Ислом Қаримов таъбири билан айтганда «бугунги замонда мафкура полигонлари ядро полигонларига нисбатан ҳам кўпроқ кучга эга. Энг қизиғи, шу билан бирга, кишини доимо оғоҳ бўлишга ундовчи томони шундаки, агар ҳарбий, иқтисодий, сиёсий тазйик бўлса, буни сезиш, кўриш, олдини олиш мумкин, аммо мафкуравий тазйик, унинг таъсири ва оқибатларини тезда илғаб этиш ниҳоятда қийин».

Бинобарин, қаерда маънавий-тарбиявий ҳамда маданий тараққиётга эътибор сусайса, информация оламида глобаллашув жараёни кечаётган ҳозирги пайтда инсон руҳияти ва онги ўз ҳолига ташлаб қўйилса унинг ишқибозлари қўпаяди, содир бўлаётган мафкуравий кемтикликни шошилгинч

тўлдиришга интилувчи кучлар ҳаракатга тушади. Ана шундай бир вазиятда ҳар бир жамият, ҳар бир мамлакат, давлат ва миллат аниқ ва изчил мафкуравий ғоялар тизимига, ўз миллий-маънавий кадрларига асосида шаклланган дунёқарашга эга бўлиши ва уни мустаҳкам ирода билан ҳаётга татбиқ этиши зарур.

Мафкуравий ниятлар жуда нозик ва устамонлик билан амалга оширилади. Сир эмаски, баъзан беозоргина бўлиб туюлган мусиқа, оддийгина мультфильм «ёки реклама лавҳаси орқали ҳам маълум бир мафкуравий мақсадлар ва интилишлар ифодаланади». Шунинг учун телевидение орқали айрим чет эл беҳаё фильмлари, шафқатсизлик ва зўравонлик, қотиллик ҳамда ваҳшийлик сингари сифатларни тарғиб этувчи фильмларни, телесериалларни кўриб, ёшларимиз тақдирига қайғурган томошабинлар ўз ташвиш ва норозиликларини изҳор этиб таҳририятларга хат йўллайдилар. Улар бундай фильмлар, ҳақиқатан, миллий-маънавий табиатимиз, қиёфамиз, ахлоқ-одоб ва тарбиямизга мос эмаслигини қуюнчаклик билан таъкидлайдилар.

Шу билан бирга, миллий-маънавий фазилатларимиз, ўзбекона ахлоқ-одатимиз, гўзалликка қарашларимиз ҳақида гап кетганда, уни доимий, қотиб қолган ва ўзгармас нарса тарзида тушунмаслик керак. Юртбошимиз айтганидай, агар аср бошидаги ҳаёт ва тафаккур тарзи билан бугунги кунни қиёсласак ер билан осмонча фарқ бўлганидай, халқимиз ва одамларимизнинг жаҳон маданиятини идрок этиш салоҳиятларида ҳам ана шундай катта ўзгаришлар юз берган. Одамларнинг ахлоқ-одоб ва эстетик тушунчаларида, хатто туйғулар йўналишида ҳам ижтимоийлашув ва маданийлашув жараёни содир бўлган. Бу нарса ер планетасидаги одамларни информация алмашуви ва маданий-маънавий мулоқотларидаги муштараклик, ўзаро таъсир жараёнларини тезлаштириб юборган.

XX асрда бирор халқ, бирор давлат ёки шахс томонидан олға сурилган ғояларни тушуниб етмайдиган халқ, давлат ва шахс қолмади. Ғояларнинг эркин парвоз этиш хусусият ва имкониятлари кенгайди. Фақат қим қандай ғояларга қулоқ тутати, қим қандай ғояларни асос қилиб олади – гап шунда. Фикрни, ғояни маҳв этиб ёки қопга солиб оморга тиқиб ёки тақиб этиб бўлмайди. Фикр ё қабул қилинади, ё қабул қилинмайди, ғоя ё давом эттирилади, ё инкор этилади. Мафкуравий аҳамият касб этувчи, инсон дунёқарашини белгиловчи ғоялар зиддиятида келишувчилик бўлмайди.

Чунки «ғояга қарши фақат ғоя, фикр-га қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан баҳсга киришиш, олишиш мумкин».

Президентимизнинг бу мулоҳазаларида теран маъно бор. Ғояга қарши, албатта, ғоя билан, фикрга қарши фақат фикр билан жавоб берилади. Сенга маъқул бўлмаган бирор ғояни илғари сурган одам бошига калтак билан урилмайди, унга мантиқан жавоб қайтарилади. Соғлом одамнинг соғлом ғояси учун маъв этилиши жаҳон демократияси андозаларида номақбул хатти-ҳаракат ҳисобланади. Мафқуравий жиҳатдан ожиз жамият турли ғоялар туғилишидан чўчийди. Ўз йўли ва мафқурасига эга давлат, мамлакат ва жамият фикрлар ҳар хиллигини маънавий тараққиёт кафолати деб тушунади. Шунинг учун турли ғоялар, фикрлар, қарашларга миллат, давлат ва муайян жамият нуқтаи назарини ифодаловчи ғояларни қарши қўйиш лозим бўлса, жаҳолат қаршисида маърифат нурунинг деразалари очилмоқда. Бу фикр шарқ фалсафасининг мантиқий давоми, маънавий тақомилемизнинг шу бугунги кундаги янги замонавий ва фалсафий талқинидир: жаҳолатга қарши жаҳолат билан жавоб бермаслик ақлий ва маънавий камолот белгисидир.

Ҳар бир одамнинг ўз ҳаёт тарзи билан боғлиқ мақсад ва орзулари бўлганидай, миллат ва давлатнинг ҳам муайян давр билан боғлиқ мақсад ва идеаллари мавжуд. Мақсад ва идеал сари интилиш миллат ва мамлакатнинг, албатта, шу бугунги ҳаёти ва ниятидан юксакроқ маънавий манзил сари юрмоғидир. Мақсад ва ниятлар аниқ ва равшан бўлган, истиқбол байроғи ҳам ёркинроқ хилпираб туради, мақсад ва идеаллар аниқ бўлмаса, истиқбол байроғи булутлар соясида кўринмай қолади. Ана шу истиқбол байроғи томон ишонч ва қатъият билан олға юриш, мақсадларни босқичма-босқич амалга ошириш нурли келажак бўстониға олиб боради.

Жамият мафқураси четдан киритилмайди, «ижара»га олинмайди. У мазкур миллат ва мамлакат босиб ўтган тарихий йўл, «одамларнинг минг йиллар давомида шаклланган дунёқараш ва менталитетига асосланган, айни вақтда шу халқ, шу миллатнинг келажакини кўзлаган ва унинг дунёдаги ўрнини аниқ-равшан белгилаб беришга хизмат қиладиган, кечаги ва эртанги кун ўртасида ўзига хос кўприк бўлишга қодир ғояни» ифодалайди.

Жамиятнинг мафқураси, яъни унинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ғоялари бутун мамлакат, миллатни

ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланади. Бу кучнинг соғломлиги ва умумжамият миқёсида аҳамиятли ва зарурлиги унинг яшовчанлигини, бутун халқ қалби ва онгини эгаллаб олишини белгилайди.

Тарихда бирор жамиятда инсон манфаатларига зид тарзда туғилиб, шу жамият бағрига сингиб кетган ғоя ёки дунёқараш бўлмаган. Инсоният жамияти ғояларга ҳам ҳомиладор, ҳам доя бўлади. Инсон манфаатларини кўзлаган ғоялар яшовчан, инсонийликка бегоналари эса таназулга учрайди. Жамият эса халқ, элат ва миллатлар юрагида, онгида шаклланган ғояларни инсонпарварлик мулки сифатида жамлайди, маълум дунёқараш тарзида ўз тараққиёт дастурига назарий-амалий тус беради. Шу тариқа жамият ва давлат мафқураси миллат дунёқараш тарзида шаклланиб жуда катта ғоявий-маънавий куч касб этади.

Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, агар жамият тараққиётининг бутун тарихий, миллий ва умумбашарий жиҳатлари эътиборга олинмай, маълум бир ғоя ёки мафқура асосий дунёқараш ва ақида тарзида қабул қилинса, мамлакат ва халқнинг тарихий, ижтимоий ва маънавий тажрибасига суянилмаса коммунистик мафқура тақдирига хос вазиятга тушиб қолиш мумкин.

Мафқура ёки дунёқарашни одамлар онгига ва жамият ҳаётига мажбуран сингдириб бўлмайди. У тарихан ва катта маънавий жараён натижасида аста-секин шакллантириб борилади ва бутун жамият орқали уни мустаҳкамлаш, ҳар бир шахс дунёқарашига айлантиришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун «истиклолга эришган кунимиздан бошлаб миллий мафқура, Ўзбекистон жамиятининг миллий ғоясини яратиш масаласи долзарб бўлиб келмоқда». Миллий мафқура, гарчи асрлар мобайнида халқ ва мамлакат бағрида етилиб, пишиб келган бўлса-да, турли тарихий бўҳронлар таъсирида ўз моҳияти ва мазмунини ошқора намоён эта билмаган бўлса-да, тақдир тақозоси билан турли мафқуравий қарашлар ва ғоялар таъсирини бошидан кечиргани сабабли уни филтрлаш учун тарихий тозариш, бутун халқ ва мамлакатни бир силкитиб олиш лозим бўлади. Бу силкитиш мустақиллик туфайли содир бўлди. Мустақиллик мамлакатимиз дарвозаларини, халқимиз нигоҳини ёруғ жаҳонга очди. Мамлакат миқёсида ҳадиксирамадан, чўчимасдан, ялпизланмасдан ўзлигимизни, ўзбекона яшаш ва тафаккур тарзимизни намоён этиш имконияти яратилди. Халқнинг

маънавий булоқлари кўзи очилди, шарқона кадрлар об-ҳаёти шарқираб мамлакат бағрига синга бошлади.

Мустақилликнинг бундай ҳаётбахш нурлари ҳали мустақиллик ғояларининг одамлар қалбида тўла-тўқис шаклланганидан далолат эмас эди. Эски тузум, эски мафқура қолдирган маънавий мерос ҳамон кучли, унинг асоратидан қутулиш учун мафқуравий бўшлиқни тўлдириш ва уни янги-янги ғоялар, қарашлар, қайфиятлар билан ўзгартириш лозим эди. «Шунинг учун ҳам, менинг фикримча, – дейди Ислом Каримов, – мафқурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажак, бутун тақдири учун қайгурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим».

Президентимиз бу ўринда «жамоатчиликнинг илғор дунёқараш ва тафаккурига асосланиш лозим», дейиши бежиз эмас. Чунки илғор дунёқараш аввало илғор тафаккур юритувчилар онгида шаклланиб, сўнгра умумхалқ миқёсида тарқалади. Илғор дунёқараш ва теран тафаккур сохиблари наинки шу бугунги ижтимоий-сиёсий ва маданий тараққиёт тамойилларини, балки ўтмиш маънавий меросимиз ва алломалар қолдирган илғор ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-маънавий ғояларни ҳам ўзлаштирган ҳолда янги дунёқараш, янги мафқуранинг асосий тамойилларини ишлаб чиқишга бурчлидир. Бинобарин, мустақиллик даври миллий мафқураимиз асосий йўналишларини ишлаб чиқиш жараёнида Форобийнинг «Фозил одамлар шаҳри», Амир Темурнинг «Темур тузуклари» ва қўплаб олим, шоир ҳамда тарихчиларнинг мамлакатни идора қилиш ва жамият юзини инсон манфаатлари томон буриш ҳақидаги ғояларига асосланмай иложимиз йўқ эди.

Ана шу маънода Президентимиз «миллий мафқура хусусида бош қотираётган олимларимиз, маънавият ва маърифат соҳаси ходимларига ер юзида инсоният ва давлатчилик пайдо бўлганидан буён шаклланган жамиятнинг ривожланиш қонуниятларини теран ўрганиш, кишилик тарихининг юксалиш ва таназул даврларини, тараққиётни ана шу инкирозлардан омон сақлаб қолувчи ижтимоий-маънавий омилларни ҳар томонлама тадқиқ этган ҳолда бирон хулосага келишни тавсия» этади.

«Миллий мафқура зўр», «мустақиллик яхши», «биз шу йўлдан борамиз, ўзлигимизни топамиз ва намоён этамиз» ва ҳоказо ва ҳоказо сўзларни

такрорлайверган билан миллий мафкурунинг мазмуни ва моҳияти очилмайди. И.А. Каримов бу мураккаб, айни чоғда, жиддий масалани ҳар томонлама тадқиқ этишни тавсия этади. Фалсафий мулоҳаза сафсата сўкишдан қанчалик фарқ қилса, мафкурабозлик ҳам ҳақиқий миллий дунёқараш, чинакам мустақиллик ғояларидан шунчалик фарқ қилади. Миллий мафкурунинг, мустақиллик дунёқарашининг асосий тамойилларини бугунги ижтимоий-сиёсий вазифаларимиз ва истиқбол режаларимиз асосида ишлаб чиқмоқ ва шакллантирмоқ зарур.

Миллий мафкура яратиш зарур экан, у мустақиллик ғояларини ўзида мужассам этар экан, бир савол туғилади. Бу мафкура кимнинг қарашларини ўзида акс эттиради ва кимнинг манфаатларига хизмат қилади. Миллий мафкура, аввалги замонлардагидай бирор синф, гуруҳ ёки тоифаларнинг қарашлари ва манфаатини ифода қилади, ҳимоя қилади ёки мамлакат ва халқнинг умуммиллий истиқболлини белгилайди – гап ана шунда!

Мафкуруни бирор синф ва гуруҳнинг манфаатлари билан боғлаб қўйиш, у ҳар қандай илғор ният ва идеаллар билан пардозланмасин, пировард натижада шу синф ёки гуруҳнинг жамиятда ҳукмрон бўлишини тан олиш демакдир. Қайсики жамият бирор синф ёки гуруҳни ҳукмрон санаса, албатта, бу жамиятда эзувчилар ва эзилувчилар, гапирувчилар ва чурқ этмай эшитувчилар, ақл ўргатувчилар ва итоатқўйлар пайдо бўлади, жамият ўз-ўзидан бўлиниб, маънавий парчаланиб кетади. Мафкурада яққоқимлик, фикрлар ҳар хиллигини тушовлаш ва тафаккур манқуртлиги юзага келади. Бундай жамият йўналишини истиқбол эмас, инқироз кутади.

Шунинг учун миллий мафкура тамойилларини ишлаб чиқишда, беозоргина кўринадиган «мамлакат, миллат манфаатларини» кўзда тутиш тушунчаси ҳар доимо тўғри бўла бермайди. «Олий ирқ» мафкураси бормиди? Бор эди! Мамлакат, миллат манфаатларини кўзлаган эдимиз? Ҳа, кўзлаган эди. Олий ирққа мансуб миллат ҳукмрон, мамлакати бой-бадавлат бўлиши керак, деган ғояни етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган немис халқи онгига синдиришга ҳаракат қилинган эди. «Катта оға»нинг мафкуравий қарашлари ҳам қизил империя ҳудудида ягона тилга эга бўлиш ва ўз мамлақати ва миллати манфаатларини назарда тутган эдимиз? Худди шундай! Нима бўлди? Бундай мафкуралар яшай

олмади. XX аср бундай ғайриинсоний мафкураларни ҳам туғдирди, ҳам ўзи уларнинг гўркови бўлди.

Шунингдек, миллий мафкура миллатчилик ғоялари билан ҳам бойиб кетолмайди. Агар ҳақиқий миллат мафкураси умумбашарий демократик ғоялар сари етакласа, миллатчилик миллат ва мамлакатни орқага тортади. Миллатчилик миллий манфаат, миллий мафкура ва миллий гуруҳнинг тескариси, пировардида унинг кушандасига айланади. XX аср бунга ҳам етарли ва ачинарли мисолларни мерос қолдирмоқда. Хўш, миллий мафкурунинг моҳияти, мазмуни, йўналишини қандай тасаввур этиш керак? Президентимиз бунга қуйидагича жавоб беради: «Содда қилиб айтганда, жамиятимизнинг мафкураси шу жамиятнинг таянчи бўлмиш оддий инсон ва унинг манфаатларини ифода этиши, халқимизнинг беҳатар, тинч-омон, фаровон, бадавлат турмушга эришиши учун қучғайрат манбаи бўлиши лозим».

Бу, умуман, миллий мафкура ҳақидаги янги гап. Ижтимоий-фалсафий фикр тарихида миллий мафкура бўйича билдирилган назарий янгилик.

XX асрда миллий масала миллатлар эркинлиги ва ҳоказо масалалар бўйича кўп ёзилган эди. Бирок улар, асосан, ҳукмрон мафкурага бўйсунувчи, қоғозда баландпарвоз баён этилиб, ҳаётда амалга ошмаган сиёсатбозлик намуналари сифатидаги пуч ғоялар тарзида сўниб қолди.

Ислом Каримовнинг миллий мафкура ҳақидаги назарий мулоҳазаларининг бошқа халқлар миллий тараққиётлари учун ҳам методологик аҳамияти катта. Президентимиз қарашларида фақат мамлакатимизда яшаб-яшнаётган миллий мафкурагина эмас, балки, бошқалар ҳам ўрганса, кулоқ тутса арзийдиган ижтимоий-фалсафий ғоялар устуворлик қилади. Бинобарин, ҳар бир мамлакат миллий мафкураси шу мамлакатда истиқомат қилувчи оддий инсонлар манфаатларини ифода этсагина, ўз мустақиллигини бошқа мамлакат ва миллатлар билан тинч-тотув яшаш принциплари орқали амалга оширсагина бундай мафкура, ғоя ва дунёқарашнинг истиқболли порлоқ бўлади. Миллий мафкурунинг Ислом Каримов белгилаб берган назарий-методологик асослари теран ва кенг:

- биринчидан, миллий мафкура ўзлигимизни, муқаддас анъаналаримизни англаш туйғуларини, халқимизнинг кўп асрлар давомида шаклланган азиз орзуларини, жамиятимиз олдига бугун қўйилган олий

мақсад ва вазифаларни қамраб олиши назарда тутилган;

- иккинчидан, жамиятимизда бугун мавжуд бўлган хилма-хил фикрлар ва ғоялар, эркин қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гуруҳларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг эътиқоди ва дунёқарашидан қатъи назар, уларнинг барчасини ягона миллий байроқ атрофида бирлаштирадиган, халқимиз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, эл-юртимизни энг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя-мафкура бўлиши кераклиги уқтирилади;

- учинчидан, миллий мафкурамиз ҳар қандай миллатчилик ва шунга ўхшаган унсурлардан, бошқа элат ва халқларни менсимаслик, уларни камситиш кайфияти ва қарашларидан мутлақо холи бўлиб, қўшни давлат ва халқлар, умуман, жаҳон ҳамжамиятида, халқаро майдонда ўзимизга муносиб ҳурмат ва иззат қозонишда пойдевор ва раҳнамо бўлиши кўрсатилади;

- тўртинчидан, миллий ғоя биринчи навбатда ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамлилик фазилатларини пайванд қилишдек олижаноб ишлари-мизда мададкор бўлиши айтилади;

- бешинчидан, у Ватанимизнинг шонли ўтмиш ва буюк келажагини узвий боғлаб туришга, ўзимизни қутлуғ аждодларимиз боқий меросининг муносиб ворислари деб ҳис қилиш, шу билан бирга, жаҳон ва замоннинг умумбашарий ютуқларига эришмоққа йўл очиб берадиган ва шу мақсадларга муттасил даъват қиладиган ғоя бўлиши таъкидланади.

Миллий мафкура, мустақиллик ғояларини ўзига байроқ айлаган дунёқараш, ана шу тариқа, миллат ва мамлакатни ҳамжиҳатликка чорловчи маънавий кадриятга айланади ва одамларда миллий ифтихор туйғуларини кучайтиради.

Миллий мафкура, мустақиллик ғояси ва эркин дунёқарашнинг ижтимоий-фалсафий ва маънавий моҳияти ана шулардан ташкил топади.

Давоми келгуси сонда.



Давлатни, жамиятни бошқариш илму фанга асослаши лозимлиги ҳаммамиз учун аён нарса. Аммо, шу масъулиятли ишни бажарувчилар, ижро этувчилар бу қоидага одатда риоя қилмайдилар, чунки улар ўз ихтиёрларига берилган ҳоқимият ва имкониятлардан оқилона фойдалана олмайдилар, ўз шахсий манфаатлари ва кўнгул тамойилларига имтиёз берадилар. Бундай чекинишлар қандай фожиаларга олиб келиши мумкинлигини, айниқса, кейинги 6-7 йил давомида кўплаб кўрдик.

Илмий-таҳлилий фикрлашгина давлатнинг, жамиятнинг тараққиёт қонунлари ва тамойиллари асосида уларнинг мақсад-муддаоларини белгилаб, бу мақсад-муддаоларга етишиш йўллари аниқлаб беради. Ана шунинг ёрқин мисолини давлатимиз Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Тафаккур» журналича босилган суҳбати мисолича кўриб турибмиз.

Мен илмий тадқиқотчи ва файласуф олимман. Ҳар бир давлатдаги вазиятни ўрганишда, ўз мутахассислигимдан ташқари ҳаётий тажрибамга суянаман, чунки бу ҳаётий тажрибам жуда катта даврни қамраб олади. Давлат раҳбари ёки жамият дарғасининг фаолияти билан танишар эканман, биринчи навбатда, бу фаолиятнинг илмий асосланганлик даражасига эътибор бераман. Масалача шу нуқтаи назардан ёндошсак, айтишим керакки, Ислоҳ Каримовнинг ҳар бир асари, суҳбати, интервьюси ҳамма вақт диққатимизни жалб этади. Илмийлик ва изчиллик - мана бизни Ислоҳ Каримов фаолиятида мафтун этадиган нарса. Ҳаммамизга маълумки, эски тузум синиб, тарих саҳнидан кетиши билан ўтган истибод давлатининг турли бурчакларида қай даражада саросима, бузғунчилик ва бошбошдоқлик ҳўкм сура бошлади. Шундай мураккаб вазиятда фақат Ўзбекистон биринчи қадамлариданоқ мақсади, орзу-умиди ва танлаган йўли аниқ эканлигини намойиш қилди. Чунки бу қадамлар олдинданоқ илмий жиҳатдан асосланиб, зарур муҳим қадамлар кўйилган эди. Ана шу боисдан етти йилдирки, мустақил Ўзбекистон ўзида барқарорлик ва тинчликни таъмин этиб келмоқда.

Бу эса жамиятимизда, давлатимизда йил сайин, ой сайин ва кун сайин янги, келажакдаги буюк Ўзбекистоннинг юзага келиши учун зарур пойдеворни, асосни яратмоқда. Давлатимизнинг ана шу янги сифат ҳолатига ўтиши яқинлашиб келатганини кўзда тутиб, Ислоҳ Каримов ўз суҳбатида биринчи марта «портлаш эффекти» деган иборани ишлатди.

Лекин, бу «портлаш» баъзи Фарб

назариётчилари олға сурган вайроналик, синдириш ва хароба ҳолича келтириш каби тушунчалардан узоқ. Бу «портлаш» аста-секин, оқилона ва илмий асосда тайёрланган бўлиб, тинч, барқарор ҳаётнинг янги сифатга ўтишини билдиради.

Мана бу ерда биз Ислоҳ Каримов жаҳон тафаккур амалиётига киритган назарий янгилиги тўғрисида икки оғиз сўз айтмасдан иложимиз йўқ. Инсоният тафаккури тарихида биринчи бўлиб, Ислоҳ Каримов Шарқ мутафаккирлари томонидан асрлар давомида қайта-қайта айтиб келинган, жамият тараққиёти инқилобий катаклизмлар орқали эмас, балки аста-секин, тадрижий равишда амалга ошиши керак, деган қонун-қоидаларни тиклади ва Ўзбекистон мисолича бу қонун-қоида тўғри эканлигини намойиш қилди. У Шарқ халқларига, жумладан ўзбек халқига ҳалокатли инқилобийлик ёт, номуносиб тамойил эканлигини кўрсатди. Бу билан у жамият тараққиёти қонунларини бойитди, яқин ўтмишга маҳлиёлик даври кечиб бўлганини, мустақил Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси мустақил фикр юритишга ўрганиши лозимлигини яна бир бор таъкидлади, истибод даври талаблари тарзида фикр юритиш энг катта душманамиз эканлигига диққат-эътиборни қаратди. Ана шу асосда шаклланадиган билим ва тафаккур бизнинг енгилмас кучимиздир, деди.

Ислоҳ Каримов ўз суҳбатида Ўзбекистон тараққиётининг ҳар жиҳатдан асосланган ва чуқур ҳамда мустаҳкам пойдеворга эга янги дастурини олға сурди. Суҳбатнинг ҳар бир жумласи алоҳида таҳлил ва ўрганишга сазовор, десам муболаға бўлмайди. Лекин, суҳбатнинг уч жиҳати эътибор бермасдан илож йўқ. У ҳам бўлса, миллиатимизнинг, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, истибод даври миямизга жойлаган, ҳаёт тарзимизга айлантирган фикр қарамлиги ва тафаккур қўллигидан қутилиш ва ёш авлодни тарбиялашдир.

Бу вазифаларни амалга ошириш ўзимизга, ўзимизнинг меҳнатимиз, уюшқоқлигимиз, ғайрат-шижоатимиз ва ташаббускорлигимизга боғлиқ, чунки зарур шарт-шароитлар юртимизда муҳайё - халқнинг омон-эсонлиги, элимизнинг барқарорлиги, ижодий фаолият учун муҳитнинг мавжудлиги. Президент Ислоҳ Каримов айтганидек, «бугун энди ёруғ кунларга етганимиздан гурурланиб, янги-янги марралар сари қадам кўяётганимиз учун фахрланиб ишлаш ва яшашга асосимиз бор».

ИЛМИЙ- ТАҲЛИЛИЙ ФИКРЛАШ НАМУНАСИ

Кўчқор ХОНАЗАРОВ,
фалсафа фанлари доктори,
профессор



Халима ХУДОЙБЕРДИЕВА,
Ўзбекистон халқ шоири

МУТТАСИЛ ДАЪВАТ

Халқнинг миллий мафкураси, мақсад-муддаоси бир кунда, бир-данига яратилмайди деган гап тўғри. Менинг назаримда бизнинг халқ сифатида босиб ўтган машаққатли йўлларимиз, 37-йилгача ва ундан кейинги қатаронлар, Сибирь авахталарида қон қусган «халқ душманлари» миз, 50-йиллардаги қама-қама-ю, 87-йиллардаги «пахта иши» қирғин-баротлари... каби юракларимизга қизиб турган бир парча чўғдай босилган ва ҳеч қачон унутилмайдиган нуқталар... Булардан келиб чиқиб масалага бизнинг қарашларимиз, илоҳий онг, тушунчаларимиз бизнинг бугунги, эртанги ҳаёт тарзимиз, муддаоларимизни шулар белгилаб беради.

Халқнинг хотира юки, миллий мустақиллиги жангтоҳларида қолган қурбонлар руҳи бизни енгил фикрлаш, қўйилган масалаларга юзаки ёндошиш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Чунки, миллий озодлик бизга осон келгани йўқ.

Шу маънода Президентимиз Ислам Каримов «Тафаккур» журнали саволларига берган жавобларида бобокалонимиз Абдулла Авлонийнинг тарбия хусусидаги фикрини жуда ўринли келтирганлар деб ўйлайман.

Ҳақиқатан ҳам «Тарбия биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот - ҳалокат, ё саодат - ё фалокат масаласидир».

Биз енгилроқ яшаб ўтгани-мизда, елкаларимизни истибдод камчисининг излари ҳамон ачиштирмаётганида эди, фикрий ёндошувлар бошқачароқ кечиши мумкинмиди... Бизни ўтмишимиз – ўша азоблари аччиқ, аммо ҳулосалари аниқ ўтмишимиз бир-биримизга яқинлаштиради. Ўтмишимизда азоблар ичра бўлса-да гуркираб ўтган улуғларимиз, буюқларимиз яқинлаштиради, бирлаштиради бизни.

Мен бир ҳолатга каттик ишонаман. Томирларимизда оқаётган қон азалийдир. Оқаётган қоннинг қудрати азалийдир. Ер юзиде ўзбек миллатидан бир гўдақ қолганида ҳам бу муқаддас, қураш-

чан қон яшашда давом этади, ўз қудратини нималарга қодирлигини намойиш этишда давом этади.

Иншооллоҳ, бизнинг мафкуравий чирокларимиз ёнади. Ёнганда ҳам чароғонлиги бутун миллатнинг, ҳар бир инсон руҳиятининг хилват қунжақларигача ёритиб ёнади.

Сабаб?

Сабаб, ишонч шундаки, такрор бўлса-да айтамыз, биз ўша ўтмиши дунёни ларзага солган қавмлардан тарқалган авлодлармиз. Бузилмаган қон ўз яратувчанлик салоҳиятини сақлаб қолмоғи ва пайти келганда кўкламги дарёлардай кўтарилмоғи, ўзининг бетимсол қудратини жаҳонга кўз-кўз этмоғига менда зарра гумон йўқ. Қондаги бундай учқунларни элнинг салоҳиятли ижодкорларининг сатрларида илғаб қоласан. Сирожиддин Саййид миллий озодликкача бўлган манзарани мана бундай чизади:

*Жувонмарг арслонлар, ёш кетган шерлар
Миллий озодликка етмаган эрлар.*

*Миллий озодликка етмаган замин –
Кимлар ташиб кетди миллий маҳзанинг?*

*Келармикан бунга порлоқ каллалар
Озод бўлармикан тутқун далалар.*

*Шаҳидлар кўзидай очиқ ногирон –
Миллий озодликка етмаган осмон...*

Ўсиб келаётган миллат фарзандлари яратилаётган миллий мафкурамизнинг замин-заминида миллий мустақиллигимизнинг ёруғ майдонларига чиққунимизча қандай қора қунлар, қора чангалзорлардан ўтганимизни кўриб туришлари керак, тушуниб туришлари керак.

Шунда миллат болалари бугунги қурилаётган эркин жамиятимиз биносининг пойдевори аччиқ терлар билан бирга қонлар, шонлар, кўз ёшлар қоришмасидан қорилганини, абад нурамадан бўлиб қорилганини чуқур тушуниб улғаядилар. Шунда интервьюда айтилганидай бизнинг халқ сифатида «бир байроқ остида» жинс-

лашинимиз тезлашади. Фаоллашади.

«Мақсад дегани халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ, — дейди йўлбошчимиз Ислон Абдуганиевич саволларга берган жавобларида. — Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, қудратини ўзида мужассамлаштирадиган улўф кучдир».

Ёзувчилар, менинг назаримда, мана шу бош устимиздаги муқаддас байроқ атрофига халқни қалбан жипслаштириш учун хизмат қиладиган маънавият қўшинларидир. Маънавият машиналарини олдинга силжитувчи прогрессив кучлардир.

Пурҳикмат бобокалонимиз Сулаймон Боқирғонийда шундай сатрларга дуч келдим:

*Қалбнинг қайноқ қозонидан
Қизгин қонлар сочгайман —
Икки дунё асрорини
Бир сўз ила очгайман.*

Мана шундай «икки дунё асрорини бир сўз ила очмоғига» имони комил бўлган маънавият чироклари бўлгани учун ҳам ўтмишимиз довуғи ҳали-ҳануз дунёни тутиб келаяпти.

Улар ўзларининг фикрий салоҳиятлари қандай улўф ишларга кодирлигини яхши билганлар.

Шу сабабли биз ҳам бугун интервьюда айтилган қуйидаги яхши ниятларга дилдан ишонаяпмиз, дилдан қўшиляяпмиз.

«Тўққизинчи - ўн бешинчи асрларда маърифатли дунё Бухорийлар, Фарғонийлар, Хоразмийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Улўфбекларни қанчалик иззат-икром қилган бўлса, йигирма биринчи асрда биз халқимиз, миллатимизга нисбатан ана шундай эҳтиромни қайтадан қўлга киритишимиз керак. Ўша даврда улўф аждодларимиз асос солган ва оламга донг таратган илмий мактабларни замонавий шаклда қайтадан тиклашимиз, дунё бизни эъ-

тироф этиши, эҳтиром этишига лойиқ бўлишимиз керак».

Бу катта, ниҳоятда баланд орзулар осонлик билан амалга оширилишини тушунаемиз.

Тарбияни, таълимни ислох қилиш... Бу катта мақсадлар, бу буюк товларга чиқиш учун менинг назаримда ҳар биримиз ишни ўзимиздан, ўз қўнғимизни ислох қилишдан бошламоғимиз керакка ўхшайди. Биз бугун ўшандай кенг қамровли, катта курашга ҳозирлик қўраяпмизми? Иштиёқ билан қилган ҳаракатларимиз боис ҳар куни бир қадар ўсаяпмиз, янги-на-япмизми? Тўғри. Ҳамма соҳани кузатганимизда катта-кичик муаммолар қуюнига дуч келаяпмиз.

Биргина мисол. Жаҳон матбуот органлари орасида телевидениенинг мавқеи қанчалик баландлаб кетганлиги сир эмас. Телевидение, кино экранлари орқали юртимизга дунё цивилизацияси шитоб билан кириб келаятиганини фақат қувватлаш керак, аммо қаредадир меъёр сақланиши керакми деб ўйлайман. «От-от», «Ўлдир-ўлдир» кинолар тўфони шундай бостириб келаяптики бу киноларни катта ёшдагилардан тортиб ҳали тили чиқмаган гўдакларгача телеэкран қаршисида михланиб ўтириб қўради. Қолбуки, Чингиз Айтматовнинг фикрича қўғирчоқ автомат ўйнаётган боланинг қўнғилида ҳам отишга, ўлдиришга мойиллик уйғонаркан...

Биз юқорида кураш осон кечмаслиги ҳақида фикр юритдик. Биз унинг дуч келажак бўронларига жавоб бера оламизми? Қалбимиз, онгимизда ўзгариш, тикланиш жараёнлари кечаяптими?

Тоб беришимизга ишонгим келади. Сабаби биз аввало қаноатли, сабр-тоқатли халқимиз. Бизнинг бу хислатимизнинг илдизи Яссавий пиримизга бориб тақалади.

*Бешак билинг бу дунё барча элдан ўтаро,
Ишонмагил молингга, бир кун қўлдан
кетаро.*

Муаммолар қуюнидан ўзаро низолар, тўқнашувлар билан эмас бир-бирига пешвоз юриш, бир-бирининг дилини, тилини топиш орқали чиқилишини халқимиз чуқур тушунади. Мамлакатимизда мўътадил ҳаво, осойишта ҳаётни мен шу тушуниш, кенг феъллик оқибати деб биламан.

Интервьюда мен «муттасил даъват» деган жумлани учратдим. Бу менинг қўнғимга «мангу даъват»дай урилди. Топилма жумладай мени сергаклантирди у.

Ҳақиқатан ҳам даъватлар мана шундай муттасил, асосли бўлгандагина халқни оёққа турғизади. Уни юқорида таъкидлаганимиздай бир байроқ остида жипслаштиради. Бу жипслашиш, бирлашиш эса, иншооллох, уни халқ сифатида кўкрагини кўтаргай, юксалтиргай!

ҲАР ЭЛГА БИР БАЙРОҚ КЕРАК

Ҳар элга бир байроқ керак, хилшираган Қўллар керак кўтармоққа, чидасалар Гарчанд мен бир девордирман зах, нураган Яраб бергум агар байроқ қадасалар.

Елкамгами, юрагимга, курагимга Махкам қаданг, кўтараман жоним билан. Шамол бўлгум, хоин шамол тиниб қолса Ғубор инса юважакман қоним билан.

Она элим, Сенга жоним, умрим ато Кетарканман, айланаркан чархи Даввор. Битта девор кетди дегин, кетгунча то Байроғимни елкасида тутган девор.

Халқ ўз мафқураси, байроғини зич туриб кўкрагида, жони билан кўтарар экан шаксиз, Унинг келажаги буюк бўлади.



Туронда моддий ва маънавий маданият бунёд этган ажодларимизнинг мерослари бизнинг бебаҳо бойлигимиздир. Тарихий обидаларда, илмий асарларда, ёзма ва оғзаки бадий асарларда диний ва ахлоқий қадриятларга сайқал берганлар ақлий салоҳият пешволаридир. Уларнинг ҳаётини моддий жиҳатдан таъминлаган, тил ва ёзув берган, ижодини рағбатлантириб, маънавий буюртма, асосларига ғоя, бадий кахрамонларига қиёфа берган, асарларини асрлар оша авайлаб сақлаб келган Турон халқидир.

Шунингдек, Туроннинг қадим тарихига назар ташласак, у ерда хунармандчилик ва бошқарув меҳнати шаклланди. Бу меҳнат турлари ватанпарварлик руҳиятини кучайтирди, ижодий изланишларга замин яратди. Бирлашиб яшаш, бошқариш ва ўзини мудофаа қилиш - ҳарбий санъатнинг шаклланишига имкон берди. Ижтимоий тартиб-қоидаларини муқаддас ҳисоблаб, ҳимоя қилиш ва амалга ошириш орномус иши бўлиб қолди. Улар ўз замондошларини инсонсеварликка даъват этдилар. «Ўзингга эп қўрмаган нарсани бировга ҳам раво қўрма», деган қоида асосида яшаб, яхши, эзгу ишларда ўрнак кўрсатиш ва ишонч қозонишни адолат нишони деб билдилар. Бошқаларда нафрат туғдирувчи хатти-ҳаракатлардан ўзини тийиш, уларнинг турмуш тарзи қоида-си бўлди. Умуминсоний фазилатларга қизиқиш тобора ортиб борган. Ипак йўлида диёримиз тутган ўрин, обидаларимиз ва маънавий ёдгорликларимиз, жаҳоннинг цивилизациялашган халқлари билан ҳамкорлик маънавий ва маданий алоқаларимизни кенгайтирган.

Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги маънавий ҳаётимизда катта бурилиш бўлди. Зеро бу мустақиллик инсоният тарихий тараққиётининг илк босқичларидан ижтимоий-иқтисодий, сиёсий, маданий ривожланишнинг ҳозирги босқичларига қадар етиб келган халқимиз тақдирда янги истиқболлар очди. Бироқ инсоният маданий ва маънавий тараққиётининг шундай бир юксак даврлари ҳам борки, улар ўзининг тарихий аҳамияти жиҳатидан бир неча асрлар ва минг йилларга тенг келади. Ана шу улкан тарихий босқичларининг бирини биз Марказий Осиё халқларининг, жумладан Ўзбекистоннинг ҳозирги тарихидан яққол кўришимиз мумкин.

Марказий Осиё азалдан илм-фан ва маданиятнинг қадимий марказларидан бири бўлиб келган. Бу ўлка олимлари, етук мутафаккирлари жаҳон илм-фани

ва маданиятини ўз кашфиётлари ва ўлмас илмий асарлари билан бойитдилар, унинг бир неча асрлик тараққиётига жуда катта хисса қўшдилар. «Асрлар мобайнида, - дейди Президентимиз И.А.Каримов, - халқимизнинг юксак маданият, маънавият, адолатпарварлик каби эзгу фазилатлари Шарқ фалсафаси ва ислом дини таълимоти билан узвий равишда ривожланди. Ва ўз навбатида бу фалсафий-ахлоқий таълимотлар ҳам халқимиз даҳосидан баҳра олиб бойиб борди».

Узоқ вақт давом этган қаттиқ мафкуравий тазйиққа қарамай, Ўзбекистон халқи авлоддан-авлодга ўтиб келган ўз тарихий ва маданий қадриятларини ҳамда ўзига хос анъаналарини сақлаб қолишга муваффақ бўлди.

Мустақиллик, аввало, боқимандлик, тобеллик ва қарамликдан озодликдир. Озодлик эса, ўзбошимчалик эмас, анланган заруратдир. Бу зарурат иқтисодий, ижтимоий, сиёсий,



ҳуқуқий ва маънавий жиҳатдан ўз кадр-қимматини белгилаётган, ўз «мен»ини англаган ўзбек халқининг ҳаётий эҳтиёжидир. Мустақиллик тарки дунё қилиб, узлатга чекиниб, ўз ишига филоф бандаси сингари кун кечиришни эмас, балки жаҳон цивилизацияси каторида ўз миллий-маънавий қадриятларини, илғор турмуш тарзи қоидаларини тиклашни тақозо этади.

Мустақиллик анланган зарурат экан, демак, у маънавиятдан бошланади. Шу жумладан, Президентимизнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» номли асарида шундай дейилади: «Бирон-бир жамият маънавий имкониятларини, одамлар онгида маънавий ва ахлоқий қадриятларни ривожлантир-

май ҳамда мустаҳкамламай туриб ўз истиқболини тасаввур эта олмайди».

Ҳозир маънавият ҳақида таърифлар кўп:

маънавият - бу тарихий онг; маънавият - кишиларнинг руҳий фаолияти; маънавият - ахлоқ, нафосат ва назарий қадриятлар мажмуидан иборатдир; маънавият - ҳақиқат, ҳиммат ва гўзалликлар қиёмидир; маънавият - инсоннинг жамики ахлоқий қадриятлари мажмуаси; маънавият - инсоннинг хис-туйғулари дунёсидир ва ҳоқазо.

Маънавиятга берилган юқоридаги сифатларни тасдиқлаган ҳолда ва уларни жамлаб қуйидагича умумий таъриф бериш мумкин: маънавият - инсон руҳий оламининг бепоён, чексиз оламга муносабати, инсоний фазилатларни ҳосил қилиш ва кашф этишдир. У мураккаб, кўпқиррали қадриятдир.

Шундай экан, жамият тараққиётини, халқимиз ва миллатимиз истиқболини ва куч-қудратини маънавиятдан айрича тасаввур этиш мумкин эмас.

Маънавият юксак даражада ривожланган миллатгина порлоқ истиқбол, ҳақиқий мустақиллик учун курашга ўзида куч ва қудрат топа олади.

Мустақил Ўзбекистон дастлабки одимларини ташлаётган келажаги буюк давлатдир. У қайси йўлдан бориши мумкин, деган саволга Ўзбекистон Президенти Иллом Каримов «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» номли рисолисида равшан жавоб беради: «Халқнинг маънавий руҳини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш Ўзбекистонда давлат ва жамиятнинг энг муҳим вазифасидир. Маънавият шундай қимматбаҳо меваки, у бизнинг қадимий ва навкирон халқимиз қалбида бутун инсониятнинг улкан оиласида ўз мустақиллигини тушуниб етиш ва озодликни севиш туйғуси билан биргаликда етилган маънавият инсонга она сути, ота намунаси, ажодлар ўғити билан бирга сингади. Маънавият инсонга ҳаводек, сувдек зарур».

Шундай экан, маънавий қадриятларни тиклаш, маънавий покланиш, миллий ўзликни англаш, халқнинг маънавий сарчашмаларига, унинг илдиэларига қайтишдан иборат узвий, табиий жараёндр. Бинобарин, маънавият етуқлиги мустақиллик ва бунёдкорлик манбаидир.

*Гулноза РЎЗМАТОВА,
ТошДУ мударриси.*

Бугунги кунда миллий онгининг уйғониши ва шаклланиши, миллий ўзлигини англаш муҳим муаммолардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Ижтимоий ҳаёт ва жамиятнинг турли жабҳаларида бўлаётган ўзгаришлар шубҳасиз, кишилар онгида акс этади. Жамиятда кечаётган ўзгаришларни халқ тўғри баҳолай олиши ва бу ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этмоғи учун, энг аввало, миллий онг уйғониши, миллий ўзлигини англаш нималиги ҳақида равшан тасаввурга эга бўлмоқ зарур.

Одат сифатида сақланиб, такрорланиб келаётган анъаналаримиз жонли тарихимиз, миллий қиёфамиз, маънавий илди-зимиздир. Улуғ тарихимиз яралишига сабаб бўлган бобокалонларимизнинг Ватан, миллат учун кўрсатган жасоратлари, ор-номус ва инсонпарварлик, меҳнатсеварлик борасидаги ўрнакли кечмишлари таҳсинга сазовордир. Масалан, «Овасто» ҳаёт манбаи бўлмиш тўрт мавжудлик - сув, тупроқ, ҳаво, оловни эъзозлаш масаласини кўтарган. Ва озодлик масаласи ҳам минг йил илгари шу муқаддас китобда шарафланган. Мозорлар шаҳардан ташқари олиб чиқилган ва улар обод, салқин боғларга айланган. Ҳозир ўша муқаддас анъаналаримизга қайтаётганимиз кишини қувонтиради.

«Овасто»да барча жониворлар, жумладан, ҳайвонлар, қушларга ҳам мурувват кўрсатиш мадҳ этилади. Ахир уларга эътиборсизлик оқибатида кейинги юз йиллар ичида минглаб жониворларнинг турлари йўқолиб кетди. «Овасто» инсон боласини доимо эзгуликка чорлаб келган ва бу ҳам бизга ўрناк бўларли хислатдир. Мазкур муқаддас китобда 5000 га яқин доривор ўсимликлардан дори тайёрлаш ва истеъмол қилиш

айтилади.

Миллатимизнинг бизгача сақланиб келаётган анъаналари ҳеч қачон эзгулик, инсонпарварлик чегарасидан чиқмаган. У ҳеч қачон одамларни ноинсоний йўл тутишга, яъни нашавандликка, ароқхўрликка, ножўя ишларни бажаришга ундамаган, аксинча, булардан ҳазар қилишга чорлаган.

Инсон доимо гўзалликка интилиб келган ва гўзаллик яратиш халқимизнинг ажойиб маънавий мероси ҳисобланади.

Инсон ўзининг ақли-фаросати, дили билан барча жонзотнинг тож-сарварига айланган. У диди, фаросати билан



тозаликни нотозаликдан, ҳаромни ҳалолдан, тубанликни юксакликдан фарқлай олади.

Ҳозиргача ақли кишилар, жумладан, миллий ўзлигини тушунган кишилар ҳеч қачон остонада кўришмайдилар. Бундай қараганда, оддий ҳол. Лекин аслида оддий ҳол эмас... Чунки кексалар остонада доим отабоболари ва бибиларимизнинг руҳлари туради, деган ақида билан яшайдилар. Демак, отабоболарнинг руҳларига ҳурмат илгари ҳам муқаддас бўлган ва

ҳозир ҳам муқаддас бўлиб қолади. Ёшларнинг кексалар олдини кесиб ўтмаслиги, давраларига кириб гапга суқилмаслик, шаробхўрлик қилмаслик, ёши улуғларни мазақ қилмаслик, уларга қўл кўтармаслик, қизларимизнинг ифбатларини асраш... буларнинг ҳаммаси инсонни гўзалликка чорлаш, келажакни ҳам эзгулик билан таъминлаш учун мурасага чақирувчи миллий анъаналаримиздир.

Меҳмонлар учун янги уй қурилаётганда алоҳида «меҳмонхона» деб хона ажратилиши, оҳорли кўрпа-тўшаклар билан безатилиши, янги сочиқлар қўйилиши, меҳмонлар ташриф буюрганларида бутун хонадон аъзолари хизматда бўлишлари, қайта-қайта таомлар тайёрланиши, меҳмондорчиликдан сўнг уй эгаларининг шаънига дуо, тилаклар айтиш улуғ бир инсоний маданият ва маърифатдан сабоқ берувчи анъаналардир.

Тўйларимизда куёв навкарларнинг келиши, келинни кийинтириш, лапарлар айтиш, келин узатиб борилгандан сўнг, куёв эшиги олдида ёнаётган гулхан атрофида айлантирилиши, куёвнинг чимилдиққа келинни кўтариб кириши, аёлларимизнинг «ёр-ёр»лари ёки йигитларнинг келин йўлини тўсиб «суюнчи» олишлари... буларнинг ҳаммаси инсон умри, ҳаётининг бетакрор безакларидир.

Шундай экан, миллий қадриятларимиз, динимиз, тилимиз, урф-одатларимизнинг туб маъносини, моҳиятини тўғри англаб, уларни озод мамлакатнинг озод авлодига тўғри сингдиришимиз керак.

Элмира АБДУҲАМИДОВА.



ҚАДБИ
САЎБАМТА
ОШУФТА
ЖААҚИМ!



Энг ёш иштирокчи Элмурод Тожиев.

1998 йилнинг Президентимиз томонидан «Оила йили» деб эълон қилиниши оилаларга бўлган диққат ва эътиборни янада ошириб юборди. Шу муносабат билан Жиззах шаҳрида оилавий ансамблларнинг Республика кўрик-танлови ўтказилди. Республикада кўплаб оилавий ансамбллар санъат шинавандаларининг меҳрига сазовор бўлиб келмоқда. Ушбу IV республика кўрик-танлови Жиззах шаҳрида Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги билан биргаликда ташкил этилди.

Танловни ўтказишдан асосий мақсад ҳам ўзбек халқининг қадимий урф-одатлари, маросимлари ва анъаналарини қайта тиклаш, ҳар бир вилоятнинг ўзига хос маросимларини намойиш этиш, республикадаги оилавий ансамблларнинг янги дастурлари билан халқимизни яқиндан таништириш, улар санъатини кенг тарғиб қилиш ва жойлардаги иқтидорли ижрочиларни излаб топиш, уларнинг ижодини янада юқори босқичга кўтариш эди.

Жиззахга қилган сафаримиз жуда мароқли ўтди. Кўхна ва навқирон шаҳарга йўл оларканмиз, воҳага яқинлашганимиз сари кўм-кўк табиат манзаралари, ҳали ҳам кўклам нафаси уфуриб турган, гул-чечакларга бурканган далалар, узокдан виқор билан кўриниб турган салобатли тоғлар бизга олам-олам завқ бағишлади. Шаҳарнинг кейинги йилларда таниб бўлмас даражада янада кўркамлашуви бизни ҳайратга солди.

Уч кун давом этган кўрик-танлов барчамизда илиқ ва унутилмас таассурот қолдирди.

Санъаткорона безатилган театрнинг томоша залида ўтириб ҳар бир вилоятнинг чиқишини алоҳида диққат ва эътибор билан кузатарканмиз, халқимиз

санъатнинг ҳақиқий шайдоси эканлигини, куй-қўшиққа иштиёқи ва меҳри ниҳоятда баландлигини қалбан ҳис қилдик. Қадим Бухорою кўхна Хоразмдан тортиб, гўзал Фарғонаю Андижонгача, алломалар етиштирган макон Самарқанддан тортиб Навоийгача, чўл бағрида бўстон яратган Жиззаху Сирдарёдан тортиб гуллар шаҳри Намангангача, ҳатто, узок Қорақалпоғистондан не-не довонларни ошиб келган ҳар бир оилавий дастанинг чиқишлари кўнгилларга олам-олам завқ бағишлади. Сурхон ва Қашқар диёридан Алпомишдек али коматлари билан сахнага кўрк бағишлаган оилавий дасталар Алпомиш ва Барчиной сиймосини шундай маҳорат билан ижро этишдики, гўё Алпомиш узок манзиллардан етиб келиб бизнинг каршимизда куйлаётгандай бўлди. Сурхондарёлик Файзиевларнинг оилавий «Файз» дастаси тайёрлаб келган театрлаштирилган томоша дастури Сурхон воҳасига хос ҳунармандчилик ва миллий урф-одатларни маҳорат билан кўрсатди. Қашқадарёнинг Яққабоб туманидан Исоқовлар ҳамда Самарқанд вилоятидан Сирожидиновлар оилавий дастасининг Алпомиш дostonининг улур тўйига бағишлаб ижро этган кўшиқ ва термалари, сермазмун ижролари хаёлимизни узок ўтмишларга етаклагандай бўлди. Айниқса, Жиззах вилояти Дўстлик туманидан Ваққосовлар оилавий ансамбли тайёрлаган «Отамизнинг етмиш ёшлик тўйига» деб номланган театрлаштирилган томоша оилавий тотувлик ва ҳамжихатликни, бахтни тараннум этиб, ҳаммани ахилликка чорлади. Бунда оилавий дастурнинг ҳар бир иштирокчилари ўзларининг жозибали овози, куй-қўшиқлари билан фаол иштирок этишди. Танловда олий ўринга сазовор бўлган Фарғона вилояти, Қўқон шаҳридан кел-



Олий ўринга сазовор бўлган Шерқўзиевлар оилавий дастасининг яккахон хонандаси Намунахон Шерқўзиева.

ган Шерқўзиевларнинг оилавий сулоласи ўзларининг юксак диди, сахна маданияти ва ижрочиликдаги маҳоратлари билан барча иштирокчиларни мафтун қилди. Ансамблнинг якка қизи Намунахон Шерқўзиева ўз санъати билан ёрқин юлдуздек кўзга ташланиб турди.

Хуллас, ҳакамлар хайъатининг муҳокамасидан сўнг Фарғона вилояти Кўкон шаҳар Ҳамза номли Ўзбек давлат мусикали театри қошидаги Шерқўзиевлар оилавий ансамбли олий ўринга тавсия этилди ва республика «Наврўз» хайрия жамғармаси ҳамда Маданият ишлари вазирлиги ҳамкорлигида олинган «Тико» автомашинаси билан тақдирланди. Жиззах вилояти Дўстлик туманидан Ваққосовлар оилавий ансамбли ва Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани «Қалдирғоч» номли Исоқовлар оилавий ансамбли биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди. Андижон вилояти Пахтаобод тумани маданият уйи қошидаги Юсуповлар

оилавий ансамбли, Самарқанд вилояти Темирйўл туманидаги Гуломовлар оилавий ансамбли ва Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани маданият уйи Бекжон Тожиевлар оилавий ансамбли иккинчи ўринни, Сурхондарё вилояти Музробод тумани «Файз» номли Файзиевлар оилавий ансамбли, Сирдарё вилояти Сирдарё шаҳар маданият уйида фаолият юритувчи Худойбердиевлар оилавий ансамбли ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Нукус тумани Тўлагановлар оилавий ансамбли учинчи ўринга мушарраф бўлишди.

Ундан ташқари танловда ўзларининг алоҳида ижро дастурлари билан катнашган оммавий ва якка иштирокчилар ҳам хайъат аъзолари томонидан таъсис этилган рағбатлантирувчи совринлар ва дипломлар билан тақдирланди.

«Энг жозибали овоз соҳиби» учун Наманган вилояти Учқўрғон тумани Турсуновлар оилавий ансамблидан Зулхумор Турсунова, «Энг маҳоратли ижро-

чи» учун Андижон вилояти Пахтаобод тумани Юнусқори Юсупов номли Юсуповлар оилавий ансамблидан Илғоржон Юсупов, «Энг фаол иштирокчи учун» Жиззах вилояти Галлаорол тумани Ўталовлар оилавий ансамблидан Хусанбой Ўталов, «Энг ёш ижрочи учун» мукофотиغا эса Хоразм вилояти Ҳазорасп тумани Овшар қишлоғилик Тожиевлар оилавий ансамблидан 9 ёшли Элмурод Тожиевлар рағбатлантирувчи соврин ва диплом билан тақдирландилар.

Айниқса, ёш ижрочи Элмурод Тожиевнинг ўзига хос қилиб дадаси томонидан ясалган торда «Алпомиш», «Ошиқ Фариб ва Шохсанам» дostonларидан ус-тозларига хос бўлган хатти-хара-катлар билан қўшиқ куйлаши барчани хайратга солди.

Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги Холхўжаевлар, Навоий вилояти Қизилтепа туманидаги Бобоқуловлар, Бухоро вилояти Бухоро шаҳридаги «Жамбул» Воҳидовлар дастаси, Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги Турсуновлар, Самарқанд вилояти Тойлоқ туманидаги Сирожиддиновлар оилавий ансамбллари кўрик-танловнинг учинчи даражали дипломлари билан тақдирландилар.


Кўрик-танловни ташкил этишда Жиззах вилояти ҳокимлиги, Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази ва унинг раҳбари Дехқонбой Хусановнинг ҳамда республикада хизмат кўрсатган маданият ходими Ўткир Тохировнинг ташаббуси ва хизматлари алоҳида қайд этилди.

Сайёра ШОДИЕВА,
«Гулистон» журнали
махсус мухбири.

ЮКСАК

ИЛМ

МАСКАНИ



Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти 1928 йили Самарқанд шаҳрида очилган эди. Миллий мусиқа билан боғлиқ анъаналарни атрофлича ўрганиш ва, энг аввало, бу соҳада етук мутахассисларни тайёрлаб бериш масаласи институт олдига қўйилган бирламчи вазифалардан эди. (Институтнинг номи ҳам шунга мувофиқ «Мусиқа ва хореография институти» деб номланган эди). Шу мақсадда бу даргоҳга Ота Жамол Носир, Ҳожи Абдулазиз Расулов, Домла Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов, Ҳожи Абдурахмон Умаров, Аҳмаджон Умрзоқов, Матюсуф Харратов каби санъатимиз даргалари институт аспирантларига мусиқадан сабоқ берувчи устозлар сифатида таклиф этилган эдилар. Бу ишларни ташкил этишда маданият нозирлари Абдурауф Фитрат ва институт раҳбари Н.Н.Мироновларнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак.

Институт олдига қўйилган дастлабки вазифа қай даражада бажарилганлиги ҳақида бир қадар бўлса-да тасаввурга эга бўлиш учун (институтнинг) илк битирувчилари қаторида М.Ашрафий, Т.Содиқов, Ш.Рамазонов каби келгусида таниқли мусиқа мутахассислари етишиб чиққанлигини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак.

Ўтган 70 йил мобайнида институтнинг фаолияти деярли барча мавжуд санъат турларини тадқиқ этиш эвазига кенгайди ва шу давр ичида ҳақли равишда «Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти» мақомига эришди.

Бинобарин, ҳозирда институтнинг илмий фаолияти мусиқанинг анъанавий, замонавий ва эстрада жанрлари билан бир қаторда меъморлик, театр, хореография, кино, телевидение, тасвирий ва амалий санъат турларини қамраб олади. Шу билан бирга, санъат тарихини археологик қазишмалар жараёнида топилган ашёвий далил-

лар асосида тадқиқ этувчи қадимшунос-санъатшунос олимлар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Институт эришган барча илмий натижаларни бирма-бир санаб ўтишнинг иложи йўқ, албатта. (Бу ҳақда катта ҳажмли махсус луғат нашрга тайёрланди).

Фақат айрим маълумотларни муҳтасар ҳолда келтириш мумкин:

- ҳозирда институтнинг ноёб фонохазинасида махсус валикларга ва магнит тасмаларига қарийб 100 йил давомида ёзиб олинган халқимизнинг нодир мусиқа ижодиёти намуналари сақланиб келинмоқда;

- институт кўргазма-коллекциясида археологик қазилмалар жараёнида топилган ўтмишга тааллуқли ёдгорликлар мавжуд;

- институт олимлари томонидан фақат мустақиллик йилларининг ўзидаёқ 20 дан зиёд илмий монография ва тўпламлар нашр этилган ҳамда бундан-да кўпроқ қисми институт кутубхонасида қўлёзма ҳолида сақланади.

Бугунги кунда институтда 6 академик, 18 фан доктори, 40 га яқин фан номзоди санъатшунослик илмининг долзарб мавзуларида илмий-тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Шунингдек, институтда ихтисослашган кенгаш санъатшунослик ва маданиятшунослик бўйича юқори малакали олимлар тайёрлашда фаолият кўрсатиб турибди.

Яқин келажакка йўлланган мақсадимиз - Ватанимиз тарихининг энг муҳим қисмларидан бўлган санъат тарихини яратишда, демакки, миллий қадриятларимиз, маънавий бойлигимиз қайта тикланиб, ҳаққоний баҳога эга бўлишида ўзимизнинг муносиб ҳиссамизни қўшишдир.

Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
Санъатшунослик илмий-тадқиқот
институти директори.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА



Бадий маданиятнинг барча қирралари: амалий ва тасвирий санъат, меъморчилик ва санъат тарихи, мусиқа, кино, театр, хореография, цирк, телевидение, маданиятшунослик ва санъат социологиясини мукамал ўрганиб келаётган илмий даргоҳ - Санъатшунослик институти Марказий Осиеда ягонадир.

Шунинг учун ҳам институт юбилейини Марказий Осие санъатшунослиги фанининг 70 йиллик юбилейи деб аташимиз мумкин. Институт минтақада пешқадам бўлиб келмоқда. Таниқли олимлар Г.А.Пугаченкова ва Л.И.Ремпелларнинг «Ўзбекистон санъати тарихи», В.Т.Машкованинг «Ўрта Осие гиламлари», Д.Фахретдинованинг «Ўзбекистоннинг амалий санъати», И.Ражабовнинг «Мақомлар масаласига доир», М.Раҳмонов, М.Қодиров, Ж.Тешабоевларнинг театр ва кино бўйича тадқиқотлари аллақачон халқимиз маънавий мулкига айланган.

Республикамиз мустақилликка эришгач, санъатшуносларимизга Ислох маданиятини мукамал ўрганиш учун кенг йўл очиб берилди.

Сўнгги йилларда институтимизнинг йирик олимлари фундаментал тадқиқотлар яратдилар. Соҳибқирон Амир Темурнинг 660 йиллиги юбилейига бағишланган «Амир Темур - жаҳон тарихида» (1996), Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллиги муносабати билан «Асрлар қаридан таралган зиё» (1998) ҳамда Бухоро ва Хива

шаҳарларининг 2500 йиллик юбилейларига бағишланган «Бухоро - Шарқ дурдонаси», «Хива - қирқгумбазлар шаҳри» номли китоблар шулар жумласидандир.

2000 йилда нишонланган улкан мусаввир Камолидин Беҳзоднинг юбилейига ҳам институтимиз ходимлари бир қатор илмий-оммабоп нашрлар тайёрламоқда.

1981-1998 йиллар мобайнида институтнинг ихтисослашган кенгашида 151 номзодлик ва 11 докторлик диссертациялари ҳимоя қилинди. Институтимиз аспирантурасида Иордания, Япония фуқаролари таҳсил олишган, англиялик олимлар ишлаб келмоқда.

Шунингдек, икки йилда бир марта ўтказиладиган Халқаро илмий анжуман тезисларини чоп этиш ҳам анъанага айланди. Ушбу анжуманнинг биринчиси «Ўзбекистон санъатшунослигида анъана ва новаторлик» номи билан 1995 йилда бўлиб ўтди. 1997 йилда эса «Ўзбекистон санъатшунослиги ривожининг ўзига хослиги» номли Халқаро анжуман ўтказилди. Келажакда институтимизнинг илмий савияси ва халқаро мавқеини ошишига ҳеч шубҳамиз йўқ. Чунки таниқли катта олимларимиз ҳамда иқтидорли ёш тадқиқотчиларнинг илмий режалари бунга яққол далилдир.

*Мовлуда ЮСУПОВА,
институт директорининг
илмий
ишлар бўйича муовини.*

Файзулла М.КАРОМАТЛИ

САНЪАТШУНОСЛИК РИВОЖИДА ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ҲИССАСИ

Маълумки, Санъатшунослик институти ўз фаолиятини 1928 йили Самарқандда мусиқа соҳаси бўйича бошлаганди. Унда домла Фитратнинг бевосита кўмакдошлигида скрипкачи-созанда ва ҳаваскор композитор Н.Миронов раҳбарлигида мусиқа санъатининг йирик намоёндалари Домулла Ҳалим Ибодов, Абдуқодир Исмоилов, Матюсуф Харратов, Хожи Абдулазиз Расулов кабилар жалб этилгандики, худди шу сиймолар иштирокида институтда (аниқроғи «Ўзбекистон мусиқа ва хореография институти» номида юритилувчи даргоҳда) мусиқий мерос кенг тарғиботи ва ўрганилишига алоҳида эътибор қаратилганди. Айни вақтда, мусиқий ихтисосликка ёшларни жалб этиш тадбирлари ҳам кўрилганди. Жумладан, Мухтор Ашрафий, Дони Зокиров, Олимжон Ҳалимов, Мутаваккил Бурҳонов каби атоқли композиторларимизнинг бошланғич мусиқий таълимлари шу институтда бошланганди.

Атоқли хонанда ва созандаларимиз ижросида нотага ёзиб олинган ўзбек мусиқаси намуналари - Н.Мироновнинг «Музыка узбеков» (1929), «Песни Ферганы, Бухары и Хивы» (1931) китоблари нашр этила бошлангани худди В.Успенскийнинг 1923 йили Бухоро маъмурияти ташаббускорлигида бажарган «Шашмақом» ёзуви ҳамда Фитрат ва М.Харратовларнинг миллий мусиқа меросимизга бағишланган муҳим асарлари, йирик мусиқашунос-олим В.Беляевнинг Москвада 1934 йили нашр этилган кенг қамровли «Музыкальные инструменты Узбекистана» тадқиқоти, ўз навбатида, ҳозир жаҳон миқёсида тан олинган мусиқашунослигимиз ривожининг дебочаси бўлганди.

1931 йили институт Тошкентга кўчирилгач, биринчи мусиқий фольклор экспедицияси В.Успенский, Е.Романовская ҳамда уларга ўзбек мусиқаси намоёндаларини

аниқлашда, ашулалар матнларини ёзиб беришда кўмакдош И.Ақбаров, Муҳаммадовалар томонидан Фарғона водийси, Бухоро, Хоразм бўйлаб ўтказилганди. Айни пайтда институт ходимлари Муҳаммад Алиев, М.Четвертаков, Е.Романовская ва бошқалар нотага ёзиб олган айтимлардан иборат икки жилдли «Ўзбек халқ кўшиқлари» тўпламининг нашр этилиши (тузувчилар Е.Романовская, И.Ақбаров, Т., 1939) ҳамда В.Успенский нота ёзувидаги «Гулёр-Шахноз» кабиларнинг мусиқа шинавандаларига тақдим этилиши таҳсинларга сазовор баракали қадамлар эди. Айни вақтда А.Семеновнинг қисқартирилган таржимасида нашр этилган Дарвеш Алининг «Мусиқий рисоласи» (Т., 1946), худди шу таниқли шарқшунос олимнинг институтимизда сақланаётган бошқа кўлёзма таржималари, мусиқий атамалар луфати,

шарқшунос А.Болдырев тўла таржимасидаги Абдурахмон Жомийнинг «Рисолаи мусиқий» кўлёмаси ва унга тегишли изоҳлар (В.Беляев муаллифлигида тайёрланган) нусхаси (1944) ва бошқалар мусиқий шарқшуносликда муҳим кўрсаткичдир.

1943 йилдан институт тадқиқотчилик фаолияти кенг қамров касб этиб, санъатнинг ҳамма турларини қамраб олгани туфайли «Санъатшунослик илмий-тадқиқот институти» номини эгаллади.

Санъатшунослик институти фаолиятидаги жиддий бурилиш ҳам 1957 йил октябрида уни Ўзбекистон Фанлар академияси таркибига ўтганидан кейин содир бўлганди.

Институтимизнинг мана шу «бурилиш» давридан бошлаб тўла оёққа туриб кенг миқёсда тан олина бошланганига, яъни 1957-1964 йиллар давомида мен директор сифатида бевосита шугулланган эканман, шуни қайд этишим керакки, худди шу йиллар давомида институт аста-секин жуда катта илмий-тадқиқий куч сифатида фаолият кўрсата бошлади. Ундаги илмий ходимларнинг сони 80 га етди. Энг муҳими, улар орасидаги санъатшунослик ҳамда архитектура бўйича номзодлар ва докторлар сони тўрттадан 20 га етиб қолди.

Ушбу қисқа ахборот якунида мисол сифатида шуни қайд этиш мумкинки, ҳозирги архитектура, театр ва тасвирий санъат бўйича фан докторлари - йирик тадқиқотчилар Пўлат Зоҳидов, Мухсин Қодиров, Тошпўлат Турсунов, Абдулхай Умаровлар 1958 йилда институтда ташкил этилган аспирантуранинг биринчи қалдирғочлари эдилар.



Муаллифлар гуруҳи. «Мусиқа тарихи тасвирларда» асарини нашриётга топшириш олдидан. 1985 йил.

Муҳсин ҚОДИРОВ,
театр ва хореография бўлими
мудири, санъатишунослик доктори,
профессор, Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган фан арбоби, Халқаро
табиат ва жамият Фанлар
Академиясининг ҳақиқий аъзоси



*Илк аспирантлар — Т.Турсунов,
П.Зоҳидов, М.Қодиров, А.Умаров.*

ДАВР

БИЛАН ҲАМҚАДАМ

Театр ва хореография бўлими институтимизнинг илк илмий уюшмаларидан биридир. Зеро, ташкилий даврида институт Муסיқа ва хореография институти деб аталган. 70 йил ичида бошқа илмий соҳа ва йўналишлар билан бир қаторда театршунослик ҳам фан сифатида шаклланди, катта илмий йўлга чиқиб олди.

Яширишнинг хожати йўқ, дастлабки даврда театр ва рақс масалалари билан А.Л.Троицкая, И.Г.Бахта, М.П.Верхацкий, Я.С.Фельдман, В.П.Дьяченко, Л.А.Авдеева сингари русийзабон олимлар шуғулланишган. Уларнинг меҳнатини камситмоқчи эмасман. Анъанавий санъат, янги ўзбек театри ва саҳнавий рақснинг босиб ўтган йўлларини ўрганишда, манбаларни аниқлаш ва ёзиб олишда, дастлабки тадқиқотлар яратишда уларнинг ҳиссаси катта бўлган. Айниқса, халқ қизиқчиларини ёзиб олишда бош-қош бўлган А.Л.Троицкая ва Фарғона «Катта ўйин»ини ёзиб олган И.Г.Бахтанинг хизматини алоҳида таъкидлаш керак.

Холисанлилло айтганда, институт 1957 йилдан эътиборан том маънодаги илмий-тадқиқот марказига айлана бошлади. Ўша йили институт Ўзбекистон Фанлар Академияси таркибига киритилиб, имконияти кенгайди. Махсус таълим олган ўзбек ёшлари институтга қабул қилинди. Камина ҳам ўша йили таклиф олиб, Шаҳрисабздан етиб келдим. Мендан бироз илгари

Т.Турсунов, мендан кейин Э.Исмоилов, М.Раҳмонов, Т.Баяндиев, С.Абдуллаева каби театршунослар илмий ходим сифатида иш бошладилар. 1958 йили тўрт мутахассис институт қошида очилган аспирантурада таҳсил олиб, тадқиқот ишларини бошлаб юбордик.

60-йиллардан бошлаб институт театршуносларининг китоблари ҳамда мақолалари чоп этилиб, кенг жамоатчиликнинг эътиборини жалб этди.

Театршунослик фани қанот ёза бошлади. Театр танқидчилиги, театр педагогикаси алоҳида йўналишлар шаклини олди. Театршунослик фани ичида рақсшунослик, циркшунослик, мусиқа театри тадқиқоти, коммуниқация воситаларига алоқадор радиотеатр, телевизион театр, шунингдек, оммавий байрамлар ва майдон томошаларини ўрганувчи илмий йўналишлар вужудга келди.

Театр тарихини ўрганиш ҳамisha бўлимнинг диққат-марказида бўлди. М.Раҳмонов, Т.Обидов, Л.Авдеева ва каминанинг саъй-ҳаракати, кўп йиллик меҳнати тўғрисида Ўзбекистон ҳудудида театр, рақс ва цирк санъатлари жуда қадим замонлардан анъанавий шаклларда муттасил яшаб келганлиги исбот қилинди. Айни чоғда ХХ аср ўзбек театр тарихи, миллий театримизнинг таркибий қисмлари ва турлари бўлмиш драматургия, режиссура, актёр санъати, опера, балет, мусиқали драма, комедия санъати,

театр нутқи, саҳна беазаги, театр танқидчилиги масалаларига катта эътибор бериб келинди.

Камина бошқараётган театр ва хореография бўлимида фақат Ўзбекистон учунгина эмас, балки Марказий Осиёнинг бошқа республикалари учун ҳам малакали илмий мутахассислар тайёрланди.

Театр ва хореография бўлимида шу кунларда фан докторлари М.Раҳмонов, Э.Мухторов, М.Тўлаҳўжаева, фан номзодлари Л.Авдеева, Е.Панова, Д.Мусаева, С.Қодирова, П.Тошкенбоев, Д.Раҳматуллаева, О.Ризаев, И.Абдураҳмонов, Н.Қурбонбоевалар турли мавзуларда тадқиқот ишлари олиб бориш билан бирга театр танқидчилиги, ижодий жараёнда ҳам фаол иштирок этмоқдалар. Шу бўлим ва институт аспирантурасида таҳсил олган бир қатор олимлар М.Уйғур номидаги Санъат институти ва А.Қодирий номидаги Маданият институтида ёш мутахассисларни тарбиялаш билан машғул.

Ўзбекистон мустақиллиги келтирган илмий эркинлик, имкониятларидан фойдаланган ҳолда институт театршунослари бундан кейин ҳам эришган ютуқларни мустақамлаб, театр, рақс ва цирк санъатлари тарихи ва назариясини чуқур илмий тадқиқ этишда, юқори малакали илмий кадрларни тарбиялашда юксак марраларни эгаллайдилар, деб ишонаман.

ИСТИҚДОЛ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Тўхтасин ҒОҒУРБЕКОВ,
профессор, санъатшунослик доктори,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
санъат арбоби

Мана 7 йилдирки, она-заминимизда кенг қулоч ёзаётган истиқлол насимлари маънавий насибамизга барака қўшиб, хусусан, биз - нафис санъатларга доир илм ахли тадқиқотларида концептуал бурилиш кашф этмоқда. Индалло қилиб айтганда, мазкур бурилиш аввало мозий кадрларимизга муносабатни тубдан ўзгартираётган бўлса, айни пайтда биз, эндиликда жаҳон ҳамжамиятининг тўла ҳуқуқли аъзолари сифатида, бутун дунё халқлари эришган маданий ютуқларга ўзгача юз тутмоқдамиз.

Шу боис, асрларга татигулик - босиб ўтилган 7 йилнинг ҳар бир йили ўзга соҳалар каби, санъатшунослик илмий тараққиётида тарихий аҳамиятга молик ишлар амалга ошишига замин бўлди. Хусусан бундай жараёни айнан бу йил 70 йиллигини нишонлаётган Марказий Осиёда ягона Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида жипслашган ва деярли ўндан ортик фундаментал йўналишларда изланишлар олиб бораётган олимлар ҳам фаол ишламоқдалар.

Буларнинг аксарияти Яқин ва Ўрта Шарқ минтақасида, қатор Европа, Осиё мамлакатлари ҳамда АҚШда танилган, ўзларининг муқаммал тадқиқотлари, нуфузли форумлардаги теран маърузалари туфайли тан олинганликларини ўзга илм соҳаларининг сохиблари эътироф этишмоқда.

1993-1995 йиллари институт ҳузуридаги Ўзбекистон, Тожикистон, Қозоғистон ва Қирғизистоннинг санъатшунос (фан доктор)ларидан ташкил этилган минтақавий Ихтисослашган Кенгаш ибратли фаолият кўрсатиб, унда наинки яқин ва узоқ МДХ фуқаролари, балки қатор (Яман, Иордания каби) ажнабий мамлакатларнинг олимлари ўз диссертацияларини химоя этишди. Кейинчалик давлатимиз Олий Аттестация Комиссияси (ОАК)нинг тасдиғидан яна уч мартаба ўтган мазкур Кенгашда ҳозирги кунга қадар жами 11 та докторлик ва 33 та номзодлик илмий ишлари ёқланди. Буларнинг қарийб 90 фоизи даставвал тасдиқланган театр, музика, тасвирий ва халқ амалий санъати соҳаларига доир

бўлса, қолганлари бир мартабали химоя тарзида ўтган меъморлик, кино ҳамда маданиятшуносликка оид тадқиқотлардир.

«Санъатшунослик нихоллари» номини олган ёшлар тўплами ва «Ўзбекистон санъатшунослиги муаммолари» номида таниқли олимларимиз тадқиқотлари кетма-кет нашр юзини кўрмоқда.

Жонажон институтнинг бой ўтмиши, ҳозирги куни ва келажаги ҳақида ўйлар эканман, мустақиллик йиллари институт фойсидида энг замонавий электрон соат тағини безаб турган табаррук Хадис кўз олдимга келади: «Илм икки хилдир. Бири қалбдаги илм бўлиб, у фойдалидир. Иккинчиси тилдаги илм бўлиб, у Тангри ҳузурида банд зарарига далил бўлади». Зеро, атиги бир неча сўздан иборат бу ҳақиқат қундалик изланишларимиз, бир-биримизга бўлган муносабату мулоқотларимиз ва, албатта, эртанги режаларимизга руҳий ҳамроҳ бўлишини тилаб қоламан.



Рустамбек АБДУЛЛАЕВ,
«Фольклор ва замонавий музика»
бўлими мудири, санъатшунослик
доктори

ЭЛЛАР ВА ЭЛАТЛАР МУСИҚАСИ


Бизнинг бўлимимиз санъатшунослик институти таркибида энг кекса ва биринчилардан бўлиб ташкил топган бўлимдир. 70 йиллик давр ичида кичик халқ музикаси «кабинет»идан йирик музикашунослик фани масканига айланди. Музикашуносликнинг турли тармоқлари - музикаий фольклоршунослик, музикаий шарқшунослик, назарий ва тарихий музикашунослик, чолғушунослик каби соҳалар бўйича йирик илмий-тадқиқот ишлари олиб борилди. Унинг пойдеворида Н.Миронов, В.Успенский, В.Беляев, Е.Романовская, И.Ақбаров, Т.Визго, Ф.Кароматов, И.Ражабов, Н.Янов-Яновская, К.Олимбоева-Аҳмедова каби йирик музикашунослар туришган.

Институтнинг ўзбек музика меросини ўрганиш бўйича қилган ишлари Н.Мироновнинг «Ўзбеклар музикаси» (Самарқанд, 1929), «Ўзбек ва бошқа Шарқ халқлари музика маданиятига

ахборот» (Самарқанд, 1931), «Фарғона, Бухоро ва Хива кўшиқлари» (Тошкент, 1932) китобларида акс эттирилган бўлиб, уларда ўзбек кўшиқлари ва чолғу куйлари нота ёзувида биринчи мартаба кенг берилиши билан бирга ўзбек музикаси тарихи, унинг йирик намояндалари тўғрисидаги маълумотлар ҳам диққатга сазовордир.

40-йилларнинг иккинчи ярмидан музика "кабинет"и фаолиятига ёш истеъдодли музикашунослар Т.Визго, К.Олимбоева-Аҳмедова, Ф.Кароматов, 50-йиллари М.Аҳмедов, М.Ковбов, 60-йиллари И.Ражабов, Н.Янов-Яновская, С.Воҳидов қабул қилинди. Булар туфайли илмий изланишлар доираси янада кенгайди.

1955 йилдан бошлаб Ф.Кароматов раҳбарлигида республикамиз бўйлаб махсус техника воситалари билан жиҳозланган машина ёрдамида



ТЕАТРДА КЕЧАЁТГАН ЖАРАЁН

Санъатшунослик институтида маданият ва санъат тарихига бағишланган фундаментал изланишлардан ташкари замонавий бадиий ҳаётнинг долзарб масалаларини ўрганиш бўйича ҳам кенг ишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейинги йиллар театр санъатининг асосий аънаналари ривожига табиий таъсирини ўтказди. Тарихий хотира масалаларига кизиқиш кучайди. Халқнинг рухий бойлигига, маданий меросига эътибор ошди. Табиийки, театрда рўй бераётган бундай жараёнлар театршунослик фанининг диккат марказидадир.

Ўзбекистоннинг замонавий театри ранг-баранг ва кўп қиррали хусусиятга эга бўлиб, баъзан уни англаб олиш анча мураккаб. Уткир ва долзарб масалалар ичида режиссурада янги ифода воситаларини излаш муаммоси ажралиб туради. Замонавий театрнинг халқ оғзаки ижоди, этнография, урф-одатлардан фойдаланиш тажрибаси чуқур ўрганилиши керак. Бунда изланишларнинг ижобий ва салбий томонларини аниқлаш лозим. Ҳозирги кунда кўзни камаштирувчи санъат аънаналари сахнага қайтмоқда. Ўзбек халқининг «кулгисевар дунёси» режиссуранинг диккат-марказида турибдики, у ҳам ўрганиш ва хулоса чиқаришни талаб этади.

Ватанимиз тарихининг йирик сиймолари ва тарихий мавзунини сахнада

уйғунлаштириш муаммоси театр тажрибасининг, шунингдек театршунослик фанининг ҳам энг муҳим жиҳатларидан биридир. Театрларимизда бугунги кунда тарихий драма канчалик кенг қўйилмасин хақиқий кашфиёт ва ютуқлар муаммоси кўплай йиғилиб қолган. Ҳатто адабиётимиздаги йирик воқеа А.Ориповнинг «Сохибқирон Темур» фалсафий драмаси ҳам ўзининг тўлиқ сахна ифодасини кутмоқда.

Театр бўлимининг фаолиятида актёрлар ижоди, миллий актёрлик мактаби аънаналари ва унинг янгилигини ўрганиш асосий илмий йўналишлардан биридир.

Кичик ахборотномада замонавий ўзбек театрини ўрганувчилар олдида турган барча муаммоларни тўлиқ айтиб ўтиш кийин: булар - жаҳон классикасини замонавий ўқиш, мусикали драма жанри ривожининг ўткир муаммолари ва замонавий театр ишини тақкил этиш масалалари... Хулосада бир нарсани таъкидлаб ўтмоқчиман. Театр бўлими фақат ўзига хос муаммолардан ташкари бунга ёндош соҳаларни ҳам ўзлаштирмоқда. Театрнинг ижтимоийлиги масалаларини кўтармоқда, замонавий бадиий маданият ривожига ўрни, театр санъатининг бозор иқтисодиётига ўтиш муаммолари...

Хуллас, ишлар камаяётгани йўқ.

Элдор МУХТОРОВ.

фольклор экспедиция ишлари олиб борилди. Натижада мингдан ортиқ халқ дурдоналарини тўплаш, янги-янги жанр ва турларни аниқлаб ёзиб олиш ва кейинчалик улар асосида катта илмий ишлар олиб бориш ҳамда халқимиз мусиқа ижодиётини тўлароқ тарғиб этишга имкон яратилди. Экспедициялар туфайли мавжуд мусиқа чолғулари ҳақидаги тасаввур ҳам кенгайди. Ф.Кароматовнинг «Ўзбек халқ кўшиқлари», «Ўзбек дўмбира мусикаси», «Ўзбек чолғу мусикаси. Мерос», айниқса, 7 томликка мўлжалланган «Ўзбек халқининг мусиқа мероси. XX аср» (1-2 китоблари) экспедиция ёзувлари асосида нашр этилган.

60-йилларнинг охирида кўшни республикалар мусиқа фольклорининг ўзаро алоқаларига бағишланган долзарб масалалар кун тартибига қўйилган эди. Жумладан, Тоғли Помир бўйича уюштирилган экспедициялар натижасида ушбу ҳудуднинг мусиқий ҳаёти, фольклори, халқ театри, рақс санъати ва чолғулари ҳақида жуда бой материаллар тўпланди ва ёзиб олинди. Ушбу материаллар «Помирнинг мусиқа санъати» деган умумий ном билан ёзилган 5 томликка киритилди (муаллифлар - Ф.Кароматов ва Н.Нуржоновлар).

Охирги ўн йиллик ичида бўлимимизнинг илмий изланишлари Марказий Осиё халқларининг мусиқа маданиятидаги муштараклик-

лари масалаларига, жумладан, минтақада ўтмиш давридан XX асргача мавжуд бўлган бой мусиқа чолғулари ва уларнинг тарихига; маросим мусикасининг шаклланиши ва мавжудлиги, уларнинг жанрлари ва турларига бағишланган бўлиб, нашр этилган монографияларда кенг ва атрафлича ёритилди.

Ҳозирги кунда бўлимимиз фонотекасида 1898 йилдан бошлаб фонограф валикларига ёзиб олинган ўзбек аънавий мусиқа намуналари билан бирга жами 1 мм. магнит ленталарида ёзиб олинган ўзбек мусиқа меросининг турли жанрлари ва турлари сақланмоқда. Бу халқимизнинг бебаҳо бойлиги ва хазинаси. Уларда йирик созандаларнинг ижро услулари, таниқли хонандаларнинг овозлари, халқ ижрочилари томонидан экспедиция жараёнида ёзилган намуналар сақланиб, халқимизга нота ёзувлари ва грампластинкалар орқали тарғиб этилмоқда.

Шунингдек, бўлимимизнинг илмий изланишларида замонавий композиторлик ҳаёти муаммолари ҳам, XX асрнинг мусиқа маданияти ислохотлари жуда муҳим ўрин эгалламоқда. 3 томлик «Ўзбек мусикаси тарихи» деб номланган тадқиқотнинг ёзилиши катта аҳамият касб этди ва бу монография ҳозирги кунгача ягона ўқув қўлланма сифатида мусиқа ўқув юртларида қўлланилмоқда.

Мусикашунослик фанининг яна бир соҳаси - мусиқий шарқшунослик шакллари ва ривож топди. Унда ўлка мусиқа тарихини ўрганиш, ўрта аср мусиқа рисолаларини таржима қилиш ва тадқиқ этиш йўлга қўйилди. Абдурахмон Жомийнинг (XV аср) ва Дарвиш Али Чангийнинг (XVII аср) «Рисолаи мусиқий» асарлари таржимаси нашр этилди. Мусиқа маданиятимизнинг тарихини яна кенгроқ ўрганиш ва тарғиб этиш мақсадида 1961 йили мусиқа бўлими қошида И.Ражабов раҳбарлигида янги сектор - «Мусиқа маданияти тарихи» сектори очилди.

Бўлимимизнинг халқаро алоқалари соҳасида ҳам унумли ишлар қилинган ва қилинмоқда. Масалан, Нью-Йоркда чиқадиган «Осиё мусикаси» журналида Ф.Кароматов ва И.Ражабовларнинг мақолалари нашр этилган. 1987 йили Германиянинг Лейпциг шаҳрида нашр этилган «Мусиқа тарихи - тасвирларда» сериясининг «Ўрта Осиё» деб номланган IX китобини тайёрлашда Ф.Кароматов, Т.Визго фаол қатнашдилар.

70 йиллик тарихий даврда «Фольклор ва замонавий мусиқа» бўлими катта ва самарали йўл босиб ўтди. Бўлим мусикашунослик фани ва мусиқа маданиятининг келажакдаги ривожига ўз хиссасини қўшиш учун ижодий куч ва ғайратга тўла.

АСРЛАР ҚАЪРИГА СИНГИБ...

«Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси» бўлими ходимлари таниқли олима, академик Галина Анатольевна Пугаченкова 1960 йилда тузган экспедиция тизимида иш олиб бориб, республикамизнинг жанубий ҳудудларида ер остида қолиб кетган, минг йиллар аввал ривожланган ва тараққий этган шаҳар қолдиқларини, ҳашаматли биноларни, ноёб ашёвий далилларни топмоқдалар.

Бунга мисол тариқасида лойдан ишланган Холчаён ҳайкалларини, Далварзинтепадаги Будда, Бодхисатванинг лой ва ганчдан тайёрланган улкан ҳайкалларини, салкам 36 кг. олтин хазинасини, фил суюгидан тайёрланган қадимий шахмат доналарини, подшоҳ суратлари битилган тангаларни, шакли ва тури беҳисоб кўплаб сопол буюмларни кўрсатиш мумкин.

Ҳозирги кунда, айниқса, ўзлимизни бутун дунёга танитаётган вақтимизда, Буюк ипак йўлининг диёримиздан ўтиб элатларни, халқларни бирлаштириб, ўтмишда савдо-сотикда бошқа юртлардан қолишмаганлигини кўрсатиши гоят аҳамиятлидир. Бу йўл орқали нафақат савдо-сотик, балки маданий алоқалар ҳам ривожланган эди.


Қадимшунослик фанини ривожлантиришда ўзбек олимлари катта иш қилмоқдалар. Масалан, мен бошқараётган Ўзбекистон санъатшунослик экспедициясининг ноёб топилмалари Япониянинг Нара шаҳрида салкам 7 ой мобайнида, Швейцариянинг Цюрих шаҳрида бир ой, Франциянинг пойтахти Парижда икки ой мобайнида намойиш қилинди. Ушбу топилмаларни олиб бориб намойишгоҳга ўз кўлим билан ўрнатдим ва томошабинларнинг завқ билан кўрганларига гувоҳ бўлдим. Бу эса, шубҳасиз, ўзбек қадимшунослик фанининг катта ютуғидир.

Қазишма пайтларида ажойиб ва гаройиб кўплаб ашёвий далилларни учратамиз. Улар ичида бир-биридан гўзал тақинчоқлар, хилма-хил шаклдаги сопол идиш-товоқлар учрайди. Айниқса, сопол идишларнинг жарангдорлиги кишини ҳайратга солади. Баъзи бир уста куллар қадимий касбдошлари ясаган идиш шаклларини ҳозирги кунда қайта тиклаб, кундалик турмушда ишлатишга мўлжалланган идишлар тайёрламоқдалар. Бундай усталар Сурхондарё вилоятининг Денов ва Шеробод туманларида кўп учрайди. Бизнинг узоқ ўтмишимизга, бой маданиятимизга қизиқиш катта. Айниқса япон сайёҳларини юртимиз жанубидаги икки минг йиллар аввал мавжуд бўлган будда дини иншоотлари жуда қизиқтиради. Улар Термизга борганларида, албатта, Айритом, Қоратепа, Фаёзтепа, Зўрмула ва Далварзинтепадаги будда ибодатхоналари ва улардаги ноёб ҳайкал қолдиқларини зўр иштиёқ билан томоша қиладилар. Бу албатта тушунарли, чунки бу дин иншоотлари диёримизнинг жанубий ҳудудларига асримизнинг бошларида кириб келган бўлса, Японияга эса эраимизнинг VI-VII асрларида кириб келган. Баъзи япон олимлари буддавий дин Сурхондарё ерларидан Хитойга, сўнг Курия орқали Японияга кириб келган бўлса ажаб эмас, деб ҳисоблайдилар. Шу боис бўлса керак, мана салкам 10 йилдан бери Санъатшунослик институти олимлари япон қадимшунос олимлари билан шартнома асосида илмий ҳамкорлик ишларини қадимий шаҳарлардан бири бўлмиш Далварзинтепада олиб бормоқдалар.

*Баҳодир ТУРҒУНОВ,
тарих фанлари номзоди.*



Илмий даргоҳ ҳаётидан лавҳа.



МЕЪМОРИЙ ОБИДАЛАР МАЖМУАСИ

Бўлимимиз ходимлари томонидан ўзбек киноси тарихининг барча қирралари, унинг моҳир санъаткорлари ҳаётини ўрганиш бўйича катта ишлар қилинган, қатор мақолалар ёзилган, ҳар бир фильм ҳуеусида ўз вақтида фикр-мулоҳазалар билдирилган. Ходимларимиз телевидение орқали ҳам тез-тез чиқишлар уюштириб туришади. Шунинг ҳам айтиш керакки, улар барча Халқаро Тошкент кинофестивалларининг фаол иштирокчилари ҳисобланишади. Бир сўз билан айтганда, киношунослик санъатшунослик фанининг бир бўлими, бир қисмидир. Институтимизнинг юбилей кунлари мен ана шу бўлимнинг тугилишига «сабабчи» бўлганлар ҳақида эсламоқчи эдим.

50-йилларнинг охири, тўғрироғи, 1959 йилнинг ёз кунларидан берида Ўзбекистон Фанлар академияси Тил ва адабиёт институтининг ўша пайтдаги директори Азиз Қаюмов олдида кинорежиссёр Латиф Файзиев кириб келди. У ўшанда республика Кинематографистлар союзининг Оргкомитет (ташкилий бўлим)ини бошқарди. Кинорежиссёрнинг ташрифидан мақсади институт базасида киношунос мутахассисларни тайёрлашни бошлаш ҳақидаги фикрини раҳбарга айтиш эди. Унинг таклифини диққат билан эшитган Азиз Пулатович масаланинг ниҳоятда долзарблигини тезда англади. Мухими, уларнинг ҳар бири ҳам ўзбек киносининг келажаги учун киношунос мутахассислар жуда зарурлигини билишарди. Бу икки ғайратли инсон тугайли сўздан

Ўзбекистонда шаҳарларнинг тезкор ўсиши ва қурилишнинг ривожланиши натижасида ўзининг тарихий меросидан ажралиб қолиш хавфи туғилди. Шу тариқа республика тарихий ва маданий ёдгорликларни ҳимоя қилиш ҳаракати шакллана бошлади.

1974 йили Ўзбекистонда Санъатшунослик институти қошида биринчи марта «Мажмуа» номли гуруҳ тузилди. Уни меъморлар, археологлар ва санъатшунослар ташкил этишди. Гуруҳга Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг академиги Г.А. Пугаченкова, сўнгра таниқли олим, меъмор Л.Ю. Маньковская раҳбарлик қилдилар. Уларнинг мақсади республикамиз моддий-маданий ёдгорликларини аниқлаш, текшириш, бир тизимга солиш ва улар тўғрисида ягона тўплам тузишдан иборат эди. Бу нарса Ўзбекистоннинг жаҳон маданияти тарихида тутган ўрни ва ролини аниқлашга имкон яратарди.

Илм орқали йиғилган маълумотларни умумлаштириш ва Ўзбекистон маданий ёдгорликларининг тўлиқ мажмуасини нашр этиш вақти келди. Бу нарса Ўзбекистоннинг маданий меросини тўлароқ рўйхатга олиш ва кенг тарғиб этиш имконини беради. Санъатшунослик инс-

титутининг санъат ва меъморчилик тарихи бўлимида республикадаги барча меъморий ёдгорликларнинг илмий паспорт ва ҳисоб карточкалари сақланмоқда. Худди шу ерда нашр этиш мумкин бўлган Ўзбекистон моддий-маданий ёдгорликлари тўғрисидаги қўлёзмаларнинг тўққиз жилди жамланган.

Мажмуалар ҳақидаги материаллар кўплаб докторлик ва номзодлик диссертациялари учун асос бўлган (Г.И.Бобождонова, М.А.Юсупова, И.М.Азимов, Л.Ю.Маньковская ва бошқалар). Улардан, шунингдек, алоҳида нашрларда ҳам фойдаланилган: Хоразм меъморчилиги ёдгорликлари, 1978., Фарғона водийси меъморий ёдгорликлари, 1982., Сурхондарёнинг ўрта аср ёдгорликлари, 1982., Тошкент меъморий ёдгорликлари, 1983., Ранго-ранг Ўзбекистон, 1987 ва бошқалар. Аммо барчаси нашр этилгани йўқ.

Санъатшунослик институти мутахассисларининг кўп йиллик меҳнатлари самарасини доимий ёритиб бориш ноёб қомусий нашр пайдо бўлишига олиб келган бўлур эди.

Искандар АЗИМОВ.

КИНО ДАВР ВА ФАН КЎЗГУСИДА

амалий ишга ўтилди. Шу йилнинг қишидаёқ ёш филологлар - А.Ҳасанов, Ф.Расулов, М.Яҳёев ва мени директор ҳузурига чақирди ва Азиз Пулатович бизларга ихтисослигимизни ўзгартириб, кино соҳасини ўрганиш билан шугулланишни маслаҳат берди. Кўп ўтмай институтда «кинодраматургия» бўлими очилди. Ходимларнинг баракали меҳнати, жонбозликлари тугайли тез орада дастлабки катта иш - «Ўзбек кинодраматургияси очерклари» номли рисола чоп этилди. Бўлимимизни бошқарган Ҳафиз Абдусаматов раҳбарлигида кино соҳаси бўйича З.Нурмухамедова, Э. Амашкевичлар илмий ишларини ҳимоя қилдилар.

Худди шу паллада Санъатшунослик институти директори Ф.М.Қароматов ва унинг ўринбосари А.М. Рибниклар ҳам ўзбек киносининг ривожланиш йўллари жараёнини ўрганиш бўйича «Ўзбекфильм» киностудияси редактори бўлган К.А.Димов ва бўлажак киношунослар Ж.Тешабоев, Ҳ.Акбаровларни бу ишга жалб этишди.

Шуниси характерлики, киношуносликка асос солган кишилар хоҳ бевосита, хоҳ билвосита бўлсин узоқ вақт кино

билан алоқани узмадилар. Азиз Қаюмов узоқ йиллар республика давлат киносини бошқарди, Ҳафиз Абдусаматов маълум вақт институт директори бўлди. Уларнинг ҳар иккиси, шунингдек, Латиф Файзиев ва Александр Рибник доимо киношунослик ривожига гамхўрлик қилдилар. Биз, киношунослар, бундай гамхўрликни ҳеч қачон унутмаймиз. Уларнинг гамхўрликлари тугайли бизнинг кино ҳақидаги китобларимиз чоп этилди.

Институтимизнинг қутлуг тўйи кунлари ўзбек киношунослиги пайдо бўлиши ва ривожланишига меҳнати, тажрибаси, илми билан ҳисса қўшганларнинг барчасини эҳтиром ила ёдга оламиз. Ўзбек киношунослиги Марказий Осиёда ягона бўлиб, бундай юқори даражадаги мутахассислар бирорта қардош республикада топилмайди. Бу мақтаниш эмас, бор ҳақиқат.

*Ханжара АБУЛҚОСИМОВА,
«Кино ва телевидение» бўлимининг
катта илмий ходими.*



Институтнинг «Тасвирий санъат» бўлими ходимлари ўтган 70 йил давомида турли жанрларда ижод қилаётган рассомлар фаолияти билан танишиб чиқиб, уларнинг рухий ва ижтимоий, назарий ва амалий фаолиятини ўрганиб, изланишлар олиб бордилар.

Бу давр ичида республикамызда ранг-баранг тадқиқотлар олиб бораётган, муҳим муаммоларни ифода эта оладиган, маҳорат ва ижодий имкониятлари жиҳатидан ажралиб турадиган хилма-хил услубларга эга рассомлар сафи етишиб чиқди.

Тасвирий санъат - ўзига хос бир олам. Рассомлар эса янада мураккаб ва сирли истеъдод соҳиблари. Шу маънавий оламини тадқиқ қилиш санъатшунослардан талант, чуқур билим, юксак интеллект, маданият талаб қилади. Шу хусусият ва хислатлар бўлимимиз олимлари салоҳиятини белгилайди.

Қисқаси, гўзаллик оламини яратувчи гўзал қалблар ҳолатини тадқиқ қилиш учун унга мос маънавий соф, рухий тоза инсонлар бўлишликни тақозо этади. Бўлимимиз ходимлари Ўзбекистон тасвирий санъати тарихини мустақиллик, тарихимиз, ўтмишимизга янгича ёндошув, шу кун талабларидан келиб чиқиб қайта таҳлил қилиш жараёни устида бош қотирмоқдалар «Ўзбекистон санъати тарихи»ни қадимдан шу кунгача бўлган тараққиёт йўли, «Ўзбекистон рангтасвир санъатининг тасвирий тизимлари» каби фундаментал ишлар якунланиш арафасида. «XX аср рангтасвирида картина муаммоси», «Ўзбек рассомлари дунё бадий

жараёнида» каби кўп йиллик изланишлар дастлабки якунини топди.

Бундан ташқари айрим вилоят рассомлари ижодига композиция масалалари, колорит муаммолари, айрим рассомларнинг ижодий портретлари, Санъат музейи тарихига доир тадқиқотлар олиб борилмоқда. В.Охунов, С.Субхонов, А.Мирзаев ижодига бағишланган монографик изланишларда назарий ва ижодий муаммолар ҳақида баҳс юритилади.

Бадий академиянинг ташкил этилиши республикамыз ижодий ҳаётида катта воқеа бўлди. Шу тизимда ижод қилаётган бўлимимиз ходимлари унинг барча жабҳаларида самарали ва фойдали фаолият кўрсатишмоқда. Республика матбуоти, телевидение ва радио тармоқлари бўйича шу куннинг етилган муаммолари ҳақида ўз фикрларини билдиришмоқда, чиқишлар қилишмоқда. Рассом фаолиятига илгариги даврлардагидай мафкуравий нуқтаи назардан қозилик қилиш, ижодкорга ақл ўргатиш, унга ҳайфсан эълон қилиш эмас, балки унинг қалбини, дардини, ниятини тушунган ҳолда муносабат қилиш, ўқувчига ҳам, рассомнинг ўзига ҳам фойдали бўлиши шубҳасиздир. Саёз мулоҳаза юритиш, ижод ҳақида баландпарвоз гаплар ёки ерга уришдан ҳеч қачон на ижодкор, на ўқувчи ўзига маънавий озуқа олган эмас.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ,
«Тасвирий санъат» бўлими мудири.

СИРЛИ
ИСТЕЪДОД
СОҲИБЛАРИ

Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг таҳсинга сазовор хизматларидан яна бири вилоятлардаги барча ижодкорлар қатори рассомлар ижодини ҳам ўрганиш ва тарғиб этишидир. Ўзбекистон тасвирий санъати ривожига самарали таъсир кўрсатган вилоятлардаги санъат аҳли ижодини ўрганиш Ўзбекистон Бадий академияси ташкил топганидан сўнг янада жадаллашди. Чунончи, институтнинг мазкур Академия тасарруфида бўлиши бундай имкониятларни кенгайтирмоқда. Республиканинг барча вилоятлари, хусусан, Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида яшаб ижод этаётган рассомлар ижоди ҳам изчил ўрганилмоқда. Айниқса, кейинги беш йил давомида институт томонидан уюштирилган илмий-ижодий сафарлар бирмунча яхши натижалар берди. Водийда санъатшунос мутахассисларнинг етишмаслиги муаммосига институт бефарқ қарамади. Биргина Наманган Давлат университети «Бадий

ГАМХҲҲРАМ

графика ва меҳнат» факультети ўқитувчиларидан Ботирали Жабборов, Асқар Акбаров ҳамда Бахтиёр Рўзиновлар Санъатшунослик институтининг аспирант-тадқиқотчилари сифатида ўз диссертациялари устида изланмоқдалар. Дарҳақиқат, ўтган 1996 йилда «Бадий-графика ва меҳнат» факультетининг ташкил топганига 10 йил тўлиши муносабати билан институт раҳбарияти томонидан қирқдан зиёд китоб тақдим этилиши катта совға бўлди. Фарғона водийсида ягона бўлган ушбу факультет ҳаётида Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг ҳиссаси бор. Чунончи қатор йиллар давомида факультет талабаларининг диплом ишла-

ри ҳимояси таниқли санъатшунос олим А.Р.Умаров ва бошқа бир қатор аспирантлар иштирокида ўтиши аҳамиятлидир.

Алоқаларнинг мустақамлиги боис 1995 йилда Наманган, 1996 йилда эса Андижон вилояти рассомлари Тошкентда Рассомлар уюшмасининг кўرғазмалар залида ўз ижодларини намойиш этдилар. Зеро, ижодкорлар меҳнатини қадрлаш, уларни тушуна билиш ва гамхўрлик буюк ижодий ютуқлар гарови эканлиги институт жамоасининг шиорига айланган.

Рустамжон ЭРМАТОВ.



Марфуза ХАМИДОВА



МАДАНИЯТШУНОСЛИК ИСТИҚБОЛИ

Санъатшунослик институтининг маданият-шунослик бўлими турли номлар билан аталиб келинган. Дастлаб «санъат тарихи ва назарияси» сектори бўлиб, унга Л.И. Ремпель раҳбарлик қилган. Кейин «санъат назарияси, социологияси ва уни прогнозлаш», сўнг «Санъат социологияси ва уни прогнозлаш» (мудири А. Сосновская), «Санъат назарияси ва эстетика» (мудири Т.Маҳмудов) деб аталди. 90-йилларда «Социология» бўлимига (мудири Э.Мухторов), 1993 йилга келиб эса маданиятшунослик бўлимига (мудири М.Хамидова) айлантирилди.

Мақбул номни изланиш жараёни бўлим мавжуд бўлган йилларда унинг иш кўлами ва тадқиқотлар доираси кенгайиб борганлигини ҳам акс эттириш билан аҳамиятга моликдир. Бу йиллар силлиққина ўтгани йўқ. Бўлим гоҳ кенгайди, гоҳ қисқарди, унинг илмий ходимлари, раҳбарлари ўзгариб турди. Лекин ўтказиладиган тадқиқотлар нуқтаи назаридан дастурий йўл-йўриқлар ўзгаргани йўқ. Булар - алоҳида соҳа мавзуи доирасидан чиқиб, маданият ҳодисаларини унинг туб омиллари билан боғлиқ ҳолда ва биргаликда, яхлит, умумлаштирувчи мазмун-моҳиятига кўра, хилма-хил илмий-услубий воситалардан фойдаланиб тушунтириб беришга, муаммоларни комплекс таҳлил этиш учун янги назарий чегараларни белгилаб олишга интилишларидан иборат бўлди.

Шу жиҳатдан олганда, 70-йилларнинг охирида, янги сектор ташкил этилган пайтда санъатнинг айрим турлари ва жанрлари тарихи ва назариясини, ижрочилик санъати, умуман, нафис санъат намоён бўлишини ўрганиш жараёнида Санъатшунослик институти тўплаган етарлича ижобий тажриба бор эди. Бу илмий-тадқиқот институтининг назарий ўзаги сифатида махсус илмий бўлинмани тузиш гоёсини ўртага қўйди. Унга ўткир ақл-заковат ва билим соҳиби, Ўрта Осиё санъати назариясининг тамал тошини қўйган Л.И. Ремпель бошчилик қилгани бежиз эмас.

Л.И.Ремпельнинг илмий асарлари бўлғуси бўлимнинг пойдеворини қўйди ва унинг ўзига хос илмий-ижодий истиқболини очиб берди. «Панжара» (Халқ амалий санъати. Тошкент, 1957 йил), «Ўзбекистон меъморчилик нақшлари. Ривожланиши тарихи ва тузилиши назарияси» (Тошкент, 1961 йил), «Ўзбекистон санъати тарихи қадим замонлардан XIX аср ўрталаригача» (ҳаммуаллиф Г.Пугаченкова. Москва, 1965 йил), «Русь санъати ва Шарқ тарихий-маданий ва бадиий муаммо сифатида» (Тошкент, 1969 йил), «Афросиёбнинг ўйма нақши» (ҳаммуаллиф И.Аҳроров. Тошкент, 1971 йил), «Ўрта Осиё санъати ёдгорликлари» (ҳаммуаллиф Г.Пугаченкова. Москва, 1978 йил), «Ўрта Шарқ санъати» (санъат назарияси ва тарихига оид танланган асарлар) (Москва, 1979 йил) ва бошқа асарлари шулар жумласидандир.

Л.И.Ремпель ўзининг кейинги асарлари бўлимиш «Замонлар силсиласи: Ўрта Осиё анъанавий санъатида асрий образлар ва кўчиб юрвчи сюжетлар» (Тошкент, 1987 йил), «Узоқ ва яқин ўтмиш: Бухоро ҳаёти, турмуши ва қурилиш ишлари саҳифалари» (Тошкент, 1982 йил), «Замондошларим» (Тошкент, 1992 йил) кабиларда ўзининг инсоний, ижодий, маънавий қарашларига содиқ эканлигини тасдиқлади.

Унинг асарларида муаллифнинг шахсий дилтортарлиги, сўзнинг маънодорлиги, тафаккурининг жонлилиги, теранлиги, кенглиги ўз аксини топган.

Л.И.Ремпельнинг шогирдлари ва маслакдошларидан бири фалсафа фанлари доктори, профессор Тилаб Маҳмудовдир. У эстетик-файласуф ва тасвирий санъат соҳасида санъатшунос бўлгани, бадиий қизиқишлари доираси кенглиги учун бўлимга асос солинган кунданок унинг заҳматкашларидан бирига айланди. Т. Маҳмудовнинг «Санъатни эстетик таҳлил этишнинг услубий масаллари» (ҳаммуаллиф А.Петров. Тошкент, 1984 йил), «Ўзбекистон санъатида инсон концепцияси» (Тошкент, 1988 йил), «Эстетика ва маънавий қадриятлар» (Тошкент, 1993 йил) монографияларида бадиий асарларни баҳолаш-

нинг фалсафий мезонлари, мустақиллик шароитида санъатни, жамиятнинг маънавий ҳолатини ўрганишнинг методологик жиҳатлари қараб чиқилган. «Санъаткор истеъдоди ва жамият» (Тошкент, 1971 йил), «Эстетика ва маънавий қадриятлар» (Тошкент, 1993 йил) китобларида ижод қилиш фалсафаси ва психология масалалари ишлаб чиқилган. Бунда муаллиф бадиий қобилият ривожининг тарихий қонуниятларини, санъаткор ва жамият, сиёсат ва маданият каби тушунчаларнинг ўзаро муносабатини тадқиқ этган. «Ўзбекистон рангасвир санъати эстетикаси» (Тошкент, 1983 йил), «Абдулҳақ Абдуллаев» (Тошкент, 1982 йил) монографиялари ва бошқа мақолаларида Т.Маҳмудов замонавий бадиий жараённи яхлит таҳлил этади, унинг тараққиёти йўналишлари ва истиқболларини ечиб беради. Э.Юсупов билан ҳаммуаллифликда ёзилган «Маънавий юксалиш чўққилари сари» (Киев, 1981 йил) асарида у ўзини Ўзбекистон бадиий маданиятининг ажойиб тарғиботчиси сифатида кўрсатди. Олим сифатида илмий қизиқишлар доирасининг кенглиги, даврни ҳис этиш, бадиий-эстетик воқеликдан хабардорлик, баён қилишнинг жўшқинлиги Т.Маҳмудовга хос хусусиятлардир.

«Санъат тарихи ва назарияси» шўъбаси озгина ходимлардан ташкил топган бўлишига қарамай (Л.И.Ремпель, Т.Маҳмудов, Э.Эшонқулов, У.Валиев, кейинроқ А.Сосновская ва бошқалар), кўп ўтмай салмоқли илмий маҳсулот бера бошлади. Э.Эшонқулов «Ижодий жараёнда дунёқарашнинг роли» мавзуида номзодлик диссертациясини ёқлади, А.Сосновская киносанъаткорлар ҳақида китоб ёзди, Н.Зайко Тошкентнинг уруш йилларидаги бадиий ҳаётини, И.Коптелова Ўзбекистондаги ёшлар маданиятини ўрганди. Уларнинг сафига аспирантлар - Ўзбекистон тасвирий санъатининг 1970-1980 йиллардаги аҳволини ўрганган Р.Эргашев, Тошкентнинг оммавий горизонтал коммуникациялари ва филармония концертларини уларнинг социологик мазмуни нуқтаи назаридан тадқиқ этаётган А.Семеркин, Ю.Презумент, ўзбек ёшларининг маънавий эҳтиёжларига мурожаат этган А.Зоитов келиб қўшилдилар. Айрим ходимларни истисно этганда, сектор 90-йилларнинг бошларида санъатнинг эмпирик (амалийлик) социологиясига диққат-эътиборини қаратди. Тошкент бадиий ҳаётини бир неча томондан ўрганишга доир кенг қамровли анкета тайёрланди. У томошабинлар тўғрисида, театр, мусиқа, адабиёт, архитектура, тасвирий санъатга оид қизиқишлар, у ёки бу шакллар, жанрларга бўлган эътибор, ўтмишдаги ва ҳозирдаги бадиий маданиятнинг у ёки бу ҳодисаларига афзаллик

беришлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиши керак эди.

1991 йилдаги янги ижтимоий вазиятга мослашиш даври келди, янгича тафаккур ва таҳлил қилиш усулларини талаб қилган янги дунёқараш шакллана бошлади. Санъат ва томошабин эҳтиёжлари фанни яна қизиқтира бошлади.

Бугунги кунда маданиятшунослик бўлимининг илмий изланишлари доираси кенгайганлиги, уларнинг назарий ва амалий мазмуни чуқурлашгани, алоҳида фанларнинг ҳам, турдош фанларнинг ҳам тажрибаларидан фойдаланиб келаётгани, бошқа фанлар (психология, педагогика, иқтисодиёт, фалсафа, филология кабилар) билан уйғунлашув ҳақида гапириш мумкин. Бўлим ходимларининг кейинги йилларда эълон қилинган ва қўлёзма асарлари бунга далилдир.

Булар жумласига фалсафа фанлари доктори Т.Маҳмудовнинг «Эстетика ва маънавий қадриятлар» монографияси, санъатшунослик доктори М.Ҳамидованин «Ҳалима Носирова», «Миллий музика саҳнаси поэтикаси», санъатшунослик номзоди В. Чуховичнинг «Ёш рассомларнинг жонли дунёси», санъатшунослик номзоди С.Фуломованин «Ёшлар ва 90-йиллар бадиий маданияти», Г. Иброҳимованин «Ўзбекистоннинг ҳозирги босқичдаги маънавий маданияти. Ривожланиш йўналишлари», Т. Йўлдошевнинг «Саҳна томошаси ва уни томошабинлар идрок этиши», Р. Назаровнинг «Ўзбекистоннинг кам сонли миллатлари маданияти», Б. Абдурахимовнинг «Маданият инвестициялаш объекти сифатида» каби илмий асарлари ва мақолалари, шунингдек Ўзбекистондаги бадиий ҳаёт ўзгаришларини таҳлил этишга бағишланган маърузалари, радио ва телевидениедаги чиқишлари киради.

Талай ишлар қилинган бўлса-да, маданиятшунослик бўлими ҳали ўзининг мустақил бўлини сифатидаги ҳуқуқини ҳимоя қилиши, келажак ҳақида ўйлаши керак бўлади. Бунинг учун, афтидан, маданиятшунослик соҳасига зўр бериб, ўз олдида осмон қадар вазифалар қўймаслиги, бўйи етмайдиган баланд дорга осилмаслиги керак.

Бунда эътиборни у ёки бу санъат ҳодисасига тор доирада кириб боришга жамламаслик керак. Негаки, бадиий маданиятнинг турли элементлари ишлаб туриши ва ўзаро таъсир кўрсатиши, ҳар хил санъат турларининг ўзаро таъсири ва бошқа маданий ҳодисалар, мафкура, мифология, этика, эстетика, ахлоқ кабилар билан алоқаси маданиятшунослик муаммолари мажмуининг ўзаги ҳисобланади.

ЗАРГАР ГУЛОРОМ



Заргарлик Гулором Йўлдошевнинг пешонасига ёзилган бўлса ажаб эмас. У Тошкентнинг эски шаҳар қисмида, Заргар маҳалласида тугилди. Унинг кийим-кечак ва зеб-зийнатларга бўлган болаларча қизиқиши Фотима Носирова раҳбарлигидаги рақс тўғараги машғулоти пайтида янада ошди. Тўғарак анъанавий гўзал либослар, безаклар, нафислик ва назокатни ўзида мужассам этган нафосат оламига ошно этди.

Гулором Тошкент тиббиёт институти муваффақиятли битирди, бироқ тақдир тақозоси ўзгача бўлди. Унинг турмуш ўртоғи таниқли миниатюрчи рассом Алишер Йўлдошевнинг дўстлари, ҳамкасблари уларнинг хонадонига тез-тез келиб туриши, рассомлар, халқ ustalари билан мулоқотда бўлиши сабаб бўлди, Гулором бирмунча вақт чинни заводида ишлади. Нозик, нафис идишларга нақш чизди. Кейин гул босилган газламадан миллий либос эскизларини яратиш, сўнгра қадимги заргарлик буюмларини қайта тиклаб асл ҳолига келтириш билан шуғулланди.

Анъанавий зеб-зийнатларни қайта тиклаш билан шуғулланилган беш йил жиддий мактаб бўлди, Гулором Йўлдошева моҳир заргар сифатида шаклланди. Устозлар ҳақида гап кетганда, Гулором заргарлик маҳоратини Фасиҳиддин Дадамухамедовдан ўрганганлигини айтади. Кекса усталар яратган ажойиб санъат намуналарини ўрганиш, изланиш бежиз кетмади, ўзига хос сабоқ мактаби бўлди. Марказий Осиё анъанавий заргарлик буюмларининг гўзаллиги ва шаклларининг бойлиги, уларнинг асрлар оша бизгача етиб келган теран мазмундорлиги Гулоромни анъанавий йўналишда ишлашга ундади.

Заргарлик санъатига бахш этилган 10 йиллик ижодий меҳнати унинг ишлари бадий услубининг ўзига хослиги тўғрисидагина эмас, балки, унинг, умуман, ижодкор шахс сифатида, дунёни ҳис этиши ҳақида муайян хулосалар чиқариш имконини беради.


Гулором Йўлдошева эпчил ва нозик аёл қўллари билан нафис зеб-зийнатлар яратувчи уста заргаргина эмас. У кўпроқ заргарлик буюмлари тайёрлаш жараёнида башариятнинг моҳияти ҳақида файласуфона фикр юритувчи, бутун мавжудотнинг бош асосларини ҳис эта билган мусаввирдир.

— Анъанавий заргарлик безакларида узоқ аждодларимиз ақл-заковати ўз ифодасини топган, дейди Гулором. — Бу дунёнинг яратилиши ибтидоси ҳақида ҳикоя қилувчи тарихдир.

Гулором Йўлдошева XIX-XX асрлар Марказий Осиё заргарлик санъатининг бадий анъаналарига алоҳида эҳтирос билан қарайди ва уларга эргашади.

Зеро, Бухоро, Самарқанд, Хива, Тошкент, Фарғона, Сурхондарёнинг ҳар бирида уларнинг ўзига хос тарзда шаклланган услублари мавжуд. Лекин ҳамма жойда шартли рамзий шакл, ранг, тасвир, нақш тили билан эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги кураш ҳақида ҳикоя қилинади. Композиция, ранг, ўлчам, материалдаги фарқлар ўзгариб туради, бироқ мазмунни ташкил этувчи, асрлар бўйи сайқал топган асос ўзгармайди.

Гулоромнинг ишларидан бири — бу бухороча услубда яратилган «Кубба» зирагидир. Маълумки, Бухоро XIX асрда заргарлик санъатининг йирик марказларидан бири бўлган. Аҳолининг ўрта табақалари учун кўпроқ кумуш, маржон, ферузадан зеб-зийнат буюмлари тайёрланар эди. Г.Йўлдошева материал танлашда шу анъанага риоя этиб, бухоролик усталар қўллаган тарашлаш, босмалаш, болгалаш, зарралаш каби хилма-хил техник усуллардан фойдаланган. «Кубба» сўзи арабча бўлиб, осмон гумбази деган маънони билдиради. Қадимги заргарлардан аксариятнинг асарлари каби «Куббазирак»да оламнинг илоҳий яратилганлиги рамзий ифодаланган ва Гулоромнинг ўзи изоҳ беришича, Коинотнинг — осмоннинг шарқий қисмига бағишланган. Кузатишларга кўра, коинотнинг шарқий қисмида етти бурж ер уфқи




теграсигача пасайганда баҳор келади ва ёзнинг биринчи ярми бошлади. Шу боис «Куббазирақ» баҳор-ёз даврида, ҳаётбахш қувват ошган пайтда зийнатланиш учун мўлжалланган.

Бухороча услубни акс эттирувчи бошқа зирақлар - «Халқай Муҳаммадий» (қадимда уни «арабий» деб аташган) араб савдогарлари билан савдо алоқалари туфайли пайдо бўлган. Уларнинг асосида табиатдаги мавжуд мукамал шакл сифатида доира ётади. Бу ҳам коинотнинг ўзига хос тимсолидир.

Теран рамзий мазмун бухороча услубда яратилган «Уч гуза» мавзусига ҳам хос бўлиб, у шода маржон ва зирақлардан иборат. Маржон бежирим заррачалардан таркиб топган ҳалқачалар билан навбатма-навбат жойлаштирилган митти мунчоқларни ўз ичига олади. Улар ўз навбатида анча йирикроқ мунчоқ билан тутиб турилади. Шоданинг ўртасида куббачалар билан тугайдиган, найчасимон тумор - «бозубанд» жойлашган. Терма таркибига кирувчи зирақлар яси бурама чамбарак билан бириктирилган учта кумуш мунчоқчадан таркиб топган. Саккиз рақами кўринишидаги бурамалардан иборат маржонлар ва оби ҳаётни англагучи бурама чизик унумдорлик рамзидир. Бозубанд ва зирақлар ҳаётни, авлодлар давом этишини ифодаловчи шокилалар «услубий баргчалар» билан безатилган. Шокилалардаги қизил маржонлар кумуш билан бағоят уйғунлашган бўлиб, ҳосилдорлик рамзи бўлиб хизмат қилади. Гулоромнинг яна бир иши - «Ер бедор» зираги Самарқанд заргарлик мактаби услубида яратилган. Бу асар мазмунан энг сирли муаммолардан бири - инсон руҳининг боқийлик касб этичилиги бағишланган. Табиатдаги ҳодисаларнинг тўққиз кунлик, тўққиз ойлик, тўққиз йиллик ривожланиши ва қайтарилиши, бу нарса ижтимоий ҳаётда ҳам акс этиши ҳақидаги қадим замонлардаёқ пайдо бўлган ғоя Гулоромни ушбу зиракни яратишга илҳомлантирган. У ўз асарида боқийлик ғоясини рамзий белгилар орқали ифодалаб бера олган десак хато бўлмайди.

«Қашқар балдоқ» зирагини Гулором Йўлдошева фарғонача услубининг турли кўринишларида яратган. Маълумки, дастлаб бундай зирақларни Фарғона водийсига XVIII асрда кўчиб келган қашқарликлар



олиб кирганлар. «Қашқар балдоқ» зирақлари фақат қашқарликлар заргарлик санъатининг ифодаси бўлиб қолмай, балки буддизм маданиятининг ҳам ифодасидир. Гулором эса ана шу анъанавий мавзуга замон руҳини, янгича дунёқарашни сингдира олган.

Гулором турли заргарлик мактабларига хос услубларни иштиёқ билан ўргангач, ниҳоят Сурхондарёнинг, Тожикистон жанубий туманларининг заргарлик буюмларига жиддий қизиқиб қолди. Уларнинг пойтахт шаҳарларидан анча узоқда жойлашганлиги заргарлик зеб-зийнатларининг қадимий шакл-шамойили сақланиб қолишига имкон берган. Айнан ана шу қадимийлик анъанавий санъатнинг моҳиятини, ибтидоси ва илк гўзаллигини ҳис этишга ёрдам беради.

Сурхондарё услубида «Панжара тумор» термаси яратилган. Унда ўн икки юлдузлар туркуми ёруғлик ва қоронғуликнинг намоён бўлиши бадий ифода этилган.

«Баргак» термаси ҳам сурхондарёча услубда ясалган. Узун мураккаб занжирчада олд қисмида ҳаётни, ҳосилдорликни рамзий ифодаловчи баргчалар осилган. Зирақлар ҳалқаси гулгунча билан безатилган, гардишнинг пастки қисмида ўртача учта баргча осиб қўйилган, уларнинг ёнларига шода каби баргчалар илинган узун мураккаб занжирча осилган. «Баргак» композициясининг замирида Марказий Осиё анъ-

анавий санъатида кенг тарқалган, ўзида сеҳрли маънони мужассам этган «силсила» мавзуи ётади. Безак айна чоғда чиройли, нафис ва жозибадор кўринишга эга.

XIX аср охири XX аср бошларига оид заргарлик мактаблари бадий меросини синчковлик билан ўрганган Гулором Йўлдошева шу даврда бадий ҳунармандчилик таназзулга юз тутганлиги ҳақида санъатшунослик фанида қарор топган нуқтаи назарга қўшилмайди. «Худди шу даврда анъанавий касб-ҳунарларнинг кўпгина турлари ва маркаслари равнақ топди, ўзига хос тарихий-маданий вазият туфайли бадий шакллар янгиланиши содир бўлди. Анъанавий санъатимизнинг қадимги ўзанига, эҳтимол, қандайдир янги усуллар кириб келаётгандир, бироқ унинг аслияти йўқолмайди, илдизлари сақланиб қолади», - дейди Гулором.

У ўз ижодида XIX-XX асрлар Марказий Осиё заргарлик санъатини ўрганиш билангина чекланиб қолаётгани йўқ, чунки бу бой қадимий маданият шаҳарасининг фақат устки қисми эканлигини яхши билади. У Темурийлар даври, эрон, турк ўрта асарлар заргарлик санъати бадий тажрибасини ўрганиб олишга интилмоқда, Шимолий Қора денгиз бўйи қадимги шаҳарларининг заргарлик буюмлари ҳақида материаллар тўпламоқда.

Адабиётлар устида ишлаш Гулоромнинг бадий тафаккурини бойитмоқда, янги ижодий изланишларга ундамоқда. У халқ либосларини ўрганишга катта эътибор беради, зеро зеб-зийнатлар киши либосининг таркибий қисми ҳисобланади. Бадий ҳунармандчиликнинг бошқа турларини ўрганиш эса мушоҳада доирасини кенгайтиради.

Гулором Йўлдошеванинг орзуниятлари катта. Анъанавий заргарлик санъатининг бадий юксак намуналарини тайёрлаш имкониятини берадиган, техникавий юқори даражада жиҳозланган устахона ташкил этиш, юртимиз заргарлик санъати сарчашмаларини ўрганиш учун материаллар тўплаш, ёш заргарлар мактабини ташкил этиш шулар жумласидандир. Биз унинг барча режалари рўёбга чиқишига чин дилдан тилакдошимиз.

Камола ОҚИЛОВА,
санъатшунослик номзоди.

Инсонлар онгига миллий гурур ва истиқлол гояларини сингдирилишида, етук ва баркамол, ҳар томонлама соҳиби илм бўлиб етишишида тафаккур чироғи - китобларнинг ўрни беқиёс даражада юксакдир.

Қадриятларимизга, миллий урф-одатларимизга, унутилмас удумларимизга эътибор кучайган бир пайтда республикамизнинг маънавий-маърифий равнақ топишини кутубхоналарсиз тасаввур этиб бўлмайди, албатта. Шундай ўйлар билан Гафур Гулом номидаги Термиз шаҳар болалар кутубхонасига йўл олдик.

Кутубхона директори Дилором опа Давханова билан кутубхонани кўздан кечирар эканмиз, китоб мутолааси билан машғул болаларни кўриб рости гап, суюндик. Фан-техника юксак ривожланган давримизда ҳар бир хонадонда бўлмаганда биттадан телевизор ва видео болаларимизнинг фикру хаёлини ўғирлаб қўйган бир пайтда сокин гўшада келажагимизнинг эртаси бўлган болаларимиз китоблар олами билан машғул бўлиб ўтиришарди.

Шаҳарда 12 мингдан зиёд болалар бўлса, шундан 8 мингга яқини кутубхонага аъзо бўлишган. Бундан ташқари оилавий китобсеварларнинг кўплиги кишини қувонтирадиган ҳолдир.

Кутубхона ўзининг 152 мингта китоб фондига эга бўлиб, уларнинг асосий қисми ўзбек тилидадир. Дилором опа раҳбарлигида вилоятдаги 20 та болалар кутубхонасига услубий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Кутубхонада болалар китоб ўқишдан ташқари бу ерда фаолият кўрсатаётган «Умид» кўғирчоқ театрига, расм тўгарагига қатнашишлари ҳамда компьютерда турли ўйинлар ўйнашлари мумкин.

Китобсеварликни тарғибот қилиш мақсадида «Янги китоблар», «Маънавият - тараққиёт омили», «Халқаро болалар куни», «Ассалом, Наврўз», «Халқаро китоблар ҳафталиги» ҳамда таниқли ёзувчи ва шоирлар билан ўтказилаётган учрашув, тадбирлар ўзининг яхши самараларини бермоқда.

Кутубхонадаги «Президентимиз асарлари ҳаётга», «Исломи дини ва биз», «Эртақлар оламида», «Миллий урф-одатларимиз», «Ўзбекистон - Ватаниманим», «Буюк келажак сари» ҳамда «Мангу яшил Сурхондарё» сингари китоб кўرғазмалари диққатга сазовордир. Ёшларга кутубхонанинг ўзида хизмат кўрсатиш билан бир қаторда кўчма кутубхоналар ҳам ташкил этилган, улар мактабларда, болалар оромгоҳларида ва соғломлаштириш марказларида бўлишади.

Китобларни қайта ишлаш, бутлаш, сақлаш ва китобхонларга намунали хизмат кўрсатиш бўлим-



ТАФАККУР ЧИРОҒИ

ларида Т.Ридукова, Х.Нажмиддинова, Т.Шайманова, Қ.Алиева сингари маънавият тарғиботчилари сидқидилдан хизмат қилиб келмоқдалар.

Дилором опа билан кутубхоначилик соҳасидаги ютуқ ва муаммолар ҳақида сўзлашганимизда, у киши воҳа кутубхоначиларининг вилоят ва республика кўрик-танловларида фахрли ўринларда иштирок этаётганликларини, Денов, Шўрчи, Ангор ва Музрабод туманлари кутубхоналари ишининг яхши йўлга қўйилганлигини, фаол китобсеварларнинг кўплигини, улар эҳтиёжларини қондириш учун эса кутубхоналар фондида ўзбек тилидаги бадий адабиётларнинг етишмаслигини, кутубхоначилик ишини ҳимоялаш, яхшилаш мақсадида улар ҳақида махсус Низом ва қарорлар яратиш лозимлиги бугунги кунда долзарблигини сўзладилар.

Нодира СОАТОВА.



ШАЁРЛАРИМ ЛАХЗАЛАРИ...

Биз бултур, кеч кузда аввал Бухорои-Шарифда, кейин водий вилоятларида журнал ходимлари «Гулистон» кунлари»ни яъни, журнал ижодкорларининг халқ билан учрашувларини ўтказдик. Қизгин мулоқотлар жараёнида шунга амин бўлдик-ки, бизнинг меҳнаткаш, оқ кўнгил халқимиз аста-секин, кийналиб бўлса-да ўзини тиклаб олаяпти. Тагин бир нарсага ишончимиз комил бўлди-ки, уруғ-аймоғи кўп бизнинг ўзбек халқида халқ кўзида юрган машҳур талантлардан-да истеъдодлироқ инсонларни, ёшларни одамлар орасида ҳамisha топиш мумкин экан.

Бу ҳолга биз қайсидир маънода ҳамма учрашувларда дуч келдик дейиш мумкин. Наманган тиббиёт илмгоҳининг адабиёт фани ўқитувчиси Гулнора Отабоева шундай таассурот қолдирди бизда.

Фарғона университетининг талабаси Наргизахоннинг бугунги матбуотимиз хақидаги чакмоқдай фикрлари ҳаммамизни хайратга солди. Демокчиман-ки, уруғ тушган жой бор-ки ундан ниҳол униб чиқаркан.

Абдуҳолиқ Гиждувоний, Нақшбанд ҳазратларидай мақомати олий валиюллоҳларнинг ўткир нафаси теккан қадим Бухоронинг серҳосил боғлари бугун ҳам тақир эмас...

Улуғ онамиз Нодираи давроннинг хилпираган этакларини ўпган Хўқанди Латифда, кўкрагида шоҳ Машраб, қаландар Машрабнинг шиддатли қадам излари қолган Наманган тупроқларида бугун ҳам олимлар, шоирлар, даҳолар туғилаяпти. Ўсаяпти!

Бухорода биз Ибодат исмли шоирни топдик. Фикрлаш тарзи ҳеч кимни эслатмайди. Адабиётдаги илк қадамларини ўзигагина хос тоза нафас, ўз овози билан бошлаш ҳар қандай ижодкорга ҳам насиб қилавермайдиган камёб ҳодиса. Сатрларига эътибор беринг:

*Гул суги бўлай, тонгда
Қушлар ичиб семирсин.
Озгин қуш билан қишлоқ
Қишдан чиқиши қийин.*

Ёки мана бу сатрлардаги муболаганинг чиройлилигини қаранг:

*Бухорода ариқлар
Тўғон салла, белбоғли.
Келиб ичинг, сувлари
Кийик сугидай ёғли.
Яна қаранг:
Тақдиримни ўйладим
Елкам - ҳовуз, жуда соз.
Шаҳар сув ичган жойда
Қушлар ўқийди намоз.*

Ибодатнинг шеърларини мутолаасидан кейин «гул сугига» айланиб қушларни тўйдирмоққа шайланаётганлигини, хом сут ичавериб безгач, «Қуёш ёғи» ичгини келаётганини ҳис этасиз ва бу ҳолатга табиий деб қарайсиз. Ундан кейин, мен «Елкани - ҳовузлигини» Ибодатдагина учратдим...

Шеърлар мутолааси асносида сиз рангларнинг куюклиги, образлар тифизлиги, теранлигидан хайратга тушасиз.

«Тош кўчани қишлоқни кўришга кетаётгани», «эшиқларни чопон кияётганига», «эшиқларда оятлар туғилаётганига» ишонасиз. Қалъаи Миришқорда «пирлар келиб мажнунтоддан Пайғамбар учун хасса танлаётгани»ни кўриб турсиз... Илк бор «шаҳарнинг яроқлари ёғсиз, майсалари озғин»лигига диққат қиласиз. Илк шаҳарга келган лирик қаҳрамоннинг «қалдирғоч топмай йиғлаётганига» ҳайрон бўлмайсиз...

Тан олиб айтиш керак-ки, бу мутолаа жараёнида биз чархпалакдек айланиб ўтиб бораётганимиз – қундалик тирикчилик ташвишларимиз орасида бир лаҳза ҳуш-ёр тортамыз.

Бир лаҳза дунё кўзимизга бошқачарок, гўзалроқ туюлаётганини сезамиз. Уни янада гўзаллаштиришга, ўзимизни-да гўзаллаштиришга юрагимизда бир иштиёқ уйғонаётганини ҳис этамыз. Шеърнинг, эзгуликнинг асл хизмати шундан иборат эмасми?

Таъсирчан, баркамол шахс, инсон бўлиб етишишимизнинг илк даврлари мана шундай таъсирланишлар, эзгу ишларга тайёргарлик лаҳзаларидан бошланмайдими?

Раҳмат Ибодат!

Бизга шундай муборак лаҳзаларни тақдим этаётганингиз учун миннатдорлик билдирмоқчиман. Демак сизнинг ижодкор сифатидаги йўлингиз, хизматингиз аллақачон бошланган. Йўлингиз беҳатар, қутлуғ келсин.

Иншооллоҳ, бу машаққатли, сурурли йўлда Сизга тоабод оллоҳ ёр, дину тариқатимиз устунлари - пирлар мададкор бўлғай!

Ҳалима ХУДОЙБЕРДИЕВА

ИМОМ БУХОРИЙ АЙТА-ДИЛАРКИМ...

Қушларнинг қўшиғи рангхона бўлди.
Капалак қараши тарона бўлди.
Кўнглимда сут тили ягона бўлди -
Абу Ҳафс Кабирнинг дарсидан кейин.

Кўнғироқ бўғзига тилимни бердим.
«Ёсин» банд-бандига дилимни
бердим.
Гулчангнинг мағзидан руҳимни
тердим -
Абу Ҳафс Кабирнинг дарсидан кейин.

Кафанни унутдим. Косагул керак.
Юракни от қилдим - менга
қул керак.
Меҳробни қучгандим - тугилди
тиргак -
Абу Ҳафс Кабирнинг дарсидан кейин.

Туғларнинг пойида оят бўлгум бор.
Елкамни уругга бераман Баҳор.
Билдимки тоқ эмас... Менга
худо ёр -
Абу Ҳафс Кабирнинг дарсидан кейин.

Лиқолик оятин «Ҳадис»им кийди.
Қирқ чилла тутди-ю -
валиман... Деди:
«Ҳар Куфр бошини Бухоро ейди-
Абу Ҳафс Кабирнинг дарсидан кейин»

СИЗДАН ЖУДО...

Нур ёмғирга миниб кетдим
Деворларни ҳидладим: кўп нам.
Майли, энди мен ҳам қайтаман.

Деразангни маҳкамлаб ётгин-
Уйқунг чуқур бўлар азизам-
Мен сени туш кўриб ётган дам.

Сомон, сувинг бормиди, бергин
Қўл кафтимдан Сариқдон ясаб,
Сўнг Оллоҳга мактуб ёзаман...

ХАЁЛКАШ

Отқулоғи уруғларини
Йиғиб қўйдим, сездингми, баҳор.
Ахир, унга зарур гапим бор.

Қоқиғулнинг меҳмонларини
Чорвоқлардан йиғиб қайтдим
Токчаларда ётқизиб қўйдим:
«Сен томонга кетар кун келса
Хабарчига сира бўлмай зор».

Кўзиқорин талқонларини
Осмон ёмғир билан урган кун-
Машраб тикиб кетган нўстинда
Ялангоёқ кўкка чиқиб
Хайриятки, изингни топдим...

СОДДА

Сизни гулга ишониб кетдим.
Ёстиғи йўқ асаларилар
Кечаси ҳам чорвоқда саргашт...

Қудуқларга оғзимни қўйиб
Пуф, пуф-ф десам, семирмаган ер
Ён бермади менга қилиб қаст.

Йўқ Машрабдан этик сўраб
Ёмғир териб юрган Ибодат
Ҳушингни йиғ томчи ичида
Олтин балиқ уруғ қўйганмас...



БУХОРОЧА РАҚС

Бу - зару бу - зевар
Бу рақси «Кафмол».
Ернинг-ку ҳоли мот,
Кўкдан хабар ол!

Юлдузлар кўз ёши
Қайтонга тўкмши.
Бу сочу этаклар
Ишй - ёр.ўпиши.

Бу «занжири лили»
«Занжири мижгон»
Кафилар зар бўлса,
Остона - осмон.

Енларда кўк ухлар
Енгада ер ухлар.
Белбоғлар кўз қисиб
Сарбандга қарар...

Бу рақси «сийна»- ми?
Қайдасан тўфон.
Бодамзор маст бўлди -
Уйғот Художон.

Бу долнинг тили - кўк,
Тўфнинг тили - кўк.
Белда-ку занг тили,
Ҳайратда тил йўқ!

ХОМ СУТ ИЧГАН ФАРИШТА...

Йўқ ишларга кучин сарф айлар
Арқон билан қоронгуликни
Боғлаб йўлдан олмоқчи бўлар.

Гужумларнинг қорнида ухлаб,
Тонгда бозор борган каби маст:
«Бу қушларнинг шохи»-деб қўлин
Қўшнаё қилиб Худони чорлар.

Ҳамма кулар... Фақат Машраб жим.
У шунда ҳам парвойи палак-
Камалакка ёстиқ керак деб-
Тарвуздайин кўз ёши излар.

АЙРИЛИҚ ЯҚИН

Қамишларнинг белида ухлар
Товусларнинг иоласи каби
Тушларимга кирган оч безгак.

Рўмолимда йиғиб қайтаман
Полизлардан хандалак ҳидин:
«Юрагимга босаман, муздек...»

Кўз ёшимни ўзим йиғаман-
Туз - томчидан таскин излаган
Бир мен эмас дунёда тентак.

Шиор ёзиб, кўзуга илдим:
«Тирпратикан ютасан, билдим
Ямоқиси ўзингдан, юрак...»

СИЗ КЕТДИНГИЗ...

Чақмоқни ушлаб олиб,
Намақобга солиб ичсам
Куймади ичим.

Қуруқликда қайиқ миниб
Отбоқарлик қилиб юрсам
Кўрмади ҳеч ким.

Қайтиб келдим
Буввак чалдим.
Мурч гулини ҳидлаб-ҳидлаб
Ўз соямни қучиб ўлдим-
Ким йиғлар кўнглим?!



БОҒБОН СЎЗИ

Энди Сизни тавоф қилурман
Худони дўст билган уруғлар
Ва Сиз билан кетиб ҳар кун
Камалақдан сут ичган маҳал.

Қўлим нуқул оғиз чиқорар
Фақат гуллар кирар оғзига.
Гулдан тўймас қўл билан яшаш
Билсанг, Худо, дунёда мазза.

Митти боғнинг бошини силаб
Дарахт билан ўпишиганим кун.
Лабим бирдан Фаришта бўлар
Фариштаки, уруғли гужум.

Новдалари туғга ярашиқ
Илдизидан сув ичсанг бўлар.
Уруғики, ўчоқда куймас
Ўчоқларни куйдирар улар!

СИЗДАН ҚАЙТМАЙМАН

Ғамларнинг ёғини сочимга суртдим.
Зўр мисков топдим у тоғларни
тирдим.
Бир олтин сабр топиб, қудуқда
ютдим.

«Сендан қайтмайман».

Рангимни кунларга худойи қилдим.
Кўприклар остида гадойи қилдим
Ҳассамнинг мағз-мағзин бир
ўзим едим

«Сендан қайтмайман».

Бир кун тонг келди, охури баланд,
Исириқ уруғи менга берди қанд.
Минг товба едим у емаганим панд-
Сендан қайтмайман.

Тугмангнинг кўзида хаёлим ухлар,
Мен сенга етмасам - Худо
дарбадар...

Сўнг менга жаноза ўқийди қушлар:
«Фаришта сут бергин
бўларли кафан-
Бу Ундан қайтмаган...»

ҚАЛЪАИ МИРИШКОРДА

Қаттиқ-қаттиқ пишади олма,
Семиз-семиз гуллайди уруғ.
Фариштага уйланиш учун
Маҳаллага боради чортуғ.

Токзорлари эртақдай узун
Гужумлари кўкдан олган даст.
Чорбоғида серпушт дарахтлар
Гоҳ кузда ҳам бўлиб қолар маст.

Равоқларда барқ урар райҳон
Тахмиравон сувлари - мазза.
Пирлар келиб мажнунтолидан
Пайғамбар-чун танлайди ҳасса.

Бошоқларнинг боши кўп оғир
Ялғиз ҳидлаб ухлайди майиш.
Ҳар баҳорда оқ тут емаган
Йигитларга бермайдилар қиз.

От ёлига шинни суртилар
Тақалари - амирий кумуш.
Тўй нони-чун қорган хамирдан
Қўшилар ҳам олар хамиртуруш.

Бир ҳовуздан ҳамма сув ичар
Худо битта - ҳамма олар тан.
Ўта туриб мазор ёнидан
Алпомиш ҳам тушар ғиротдан.



ЧОРБАҚР КЕТАМАН

Бухорий отларни чародан чорлаб
Чирмовиқ сутидан ёлларни ёғлаб,
Тишларин мушк билан артиб,
тақа-чун
Амирий кумушни кутдим ой-ойлаб:
«Чорбақр кетаман».

Гужумга айтдимки, саножингни бер,
Мехробга айтдимки, иложингни бер.
Намозга шай турган асаларилар
Пойига йиқилдим - менга
гулчанг тер-
Чорбақр кетаман.

Тонг пайти Минордан бир
белбоғ сўраб,
Чорминор салласин гулларга ўраб,
Намозжой ковушин артибу - мойлаб
Ишончли ҳамроҳ деб
Чортуғни чорлаб
Чорбақр кетаман.

Оғизларин ланг очиб қаради қулфлар
Ўз йўлини бўшатиб менга берди зар.
Минг ҳовуз додига парво ҳам қилмай
Изимдан сувларин юборди Кавсар
Чорбақр кетаман.

Йўлларда қуштили менга эргашиди.
Пешкўни Чорминор отга мингашиди.
Қирққизлар қирқ кўшиқ
айтиб, куйлашди
- Хизрнинг қўлидан сув ичган
дилбар -
Чорбақр, Чорбақр, Чорбақр!

Синглим,

Бу шаҳарда япроқлар ёғсиз.
Бу шаҳарда майсалар озғин.
Жоним, билсанг, менга ҳам ахир,
Фариштасиз яшаи кўп қийин...

Синглим,

Қишлоқийман сувпарни тутиб
Қақнусларга ошиқ бўлган жон.
Шаҳар келиб қалдирғоч топмай
Кўп йиғладим - бу қандай макон!

Қишлоқда:

Тут фандуқий жойнамоз тўкиб
Тонг далага ичирганда сут,
(Сувялпизнинг гулларин излаб
Мени бунда босади сукут).
Ёмғир ёғса, санаб билмасам
Қушлар учса, излари қани?
Жоним, синглим, кипринларингни
Буввак қилиб чорлагин мени!

Занданийнинг

Қатиғлари қаттиқ бўлдим?
Кўнғироқлар - кўп томоқ оғриқ
Қирққиз айтди: «Бозори гулга
Мени излаб келмиш исириқ».

Синглим,

Қишлоқ қайтай, тошқудуғин най
Омборлари мудом Ҳотам Той
Сенинг нурдай этакларингга
Намозимни ўқиб, сўнг ўлай!

НАРШАХИЙ СЎЗИ

Бухоронинг гулчангин ютиб,
Меҳробига бош эгганим дам.
Туғлар келиб «туғ бўл» дедилар,
Торлиғимда туғилди оҳанг.

Деворларни кучоқлаб ётдим,
Қудуқларга қарадим узоқ.
Бир фандуқий жойнамоз истаб,
Бухорога келганда Ироқ.

У томлардан бу томга учдим,
Эшикларга кийдирдим чопон.
Ҳар сут ичган дарахтлар шайху
Ҳовузларки бўлдилар эшон.

Эшикларда туғилди оят,
Бешикдевор қучганда Байканд.
Оташкада Ёқутда ёнди,
Кўшлардаки, сув ичди минг ранг.

Бугдойзордан туғилди қишлоқ
Воҳакентни севди Зарафшон.
Карманадан Ромтинга қадар
Тазарлар ҳам бўлдилар осмон.

Меъзонларнинг тили осилди
Хунар ризқи, ҳақ гапни ўлчаб,

Бунда ҳеч ким юрмас ёқасиз,
Худосизнинг кокулин тараб.

Сардобалар боши шишиди-ю
Симоб янлиғ отилиб булоқ.
Қамишлар ҳам бурғучи бўлди
Саллаларки бўлганда байроқ.

Жанг ҳам бўлди; туялар кўчди
Ўркачидан оқди ёғсиз қон.
Хуржунларга олтин сиғди-ю
Бухоро-ку, сиғмас ҳеч қачон.

Остоналар ўша-ю, ўша,
Масжидларки, Қуръонга туздон.
Мен ҳаммасини ёздим Бухоро...
Барибир энди «Худо - билимдон».

ЭСКИ ШАҲАР

Қалъалар деворин қаричлаб чиқдим,
Шинаклар эшигин санадим бир-бир.
Мағоқлар ичига худо деб кириб,
Кўрдимки, шамъалар ҳам
қиларкан фикр.

Қалқонлар кўксини силадим узоқ,
Бошини ҳам қилди чарчаган найза.
Жавшанлар енгидан ичига боқсам,
Ногора бир шишиб тортди хомуза.

Тошқўча қишлоқни кўришга кетди
Тошқудуқ этиги ҳали хумдонда.
Намоззжой девори қиблага қараб,
Тиловат бошлади саҳармардонда.

Гумбазлар бошига бошимни қўйдим,
Такбирлар худо деб берганда овоз.
Сочларим тутларга чатишиб кетиб,
Рўмолим минорга бўлди жойнамоз.

МУҲАББАТ

Юрагининг занжири
Кўз ёшларим ютган кун.
Кипригимнинг қонидан
Уруғин топди қуюн.

Телба бўлдим, бир дарвеш
Кашкўлидан ичиб сут
Бир нуф-ф десам остонанг
Япроқмас бўлди ёқут.

Ёқут ўйнар пешонам
Туздон, жавҳар - на ҳожат.
Рухимга Арш чорлови
Кун бермай қўйди фақат...

Уйдан чиқдинг, изларинг
Мусичанинг кўзлари.
Изингни ерда ташлаб
Қандай кетай кўк сари.



ЎХШАТИШ

(Бахшанда опага)

Туркон Хотун, Туркон Хотун
Бухорода Султон Хотун.
Менга керак қуёш ёғи
Топиб бер-чи имкон Хотун.

Бу деворни тиклаш керак.
Арк бошини силаш керак.
Абу Ҳафсни уйғотмасак
Осмонга ким бўлар тиргак?

Дарвозалар қулфи оғрир
Чорминорнинг боши оғир.
Келинг, бирга кўкка чиқиб
Жар солайлик ёғду ёғдир.

Зарафшоннинг бели қани?
Моҳонқўл-ку кетди. Мени
Сувпарилар чорлаб ҳар кеч
Зар сув сўрар: бу - ер ғами.

Мен белбоғни қайга қўйдим.
Шайтон қолиб, руҳни сўйдим.
Гар топмасам қуёш ёғи
Хом сут ичиб жуда тўйдим.

Туркон Хотун, Туркон Хотун...

ТИЛОВАТ

Рухим
Қушчаларнинг кўзин арт.
Палапонни сев қаттиқ
Қумшабадан ол хабар
Гуллаганда исириқ.

Туз жонини изласанг
Юрагимга тегмагин.
Билдим, илдиз ичидан
Маккага бориш яқин.

Озгин қўшнай сасин тут
Сўнг елкамда ўлчагин.
Буюк Турон юкини
Кўтаргандай Алп Тегин...

Ахир мен ҳам Ибодат
Қарашларим қизил ранг.
Тунда қаймоқ боғласам
Тонда ичар зарфаранг.

Рухим:
Бу гаплар-ку тўқ оят
Дондан туйгандай каптар.
Эрта мен жаннат кетсам
Сен қишлоқдан ол хабар.

Ибодат РАЖАБОВА.



Аёл қилмиши Тушунса...



Жавдат Илёсовнинг «СЎФДИЁНА» деган романи бор. Ажойиб асар.

Ҳар гал ўқиб чиққанимда, кўз ўнгимда шундай манзара намоён бўлади:

«Орадан неча асрлар ўтди.

Сиёвуш авлоди, ёвқур баҳодир Спитаменнинг руҳи чароғон қуёш нурларига, долғаланган Ойнинг мўл-кўл шуълаларига, юлдузлар зиёсига йўғрилиб гўзал қизларнинг юракларини тоширди, уларнинг қайноқ қонларига ўз тафтини юборди. Бу орада узоқ Сицилия кўчаларида баҳодир қалбини пора-пора этган гўзал Заро қариб-чириб яшайверди, тошлоқ кўчаларда ожиз чувалчанг каби сургалди, қовжираган лабларини Сўғд элининг шабадаларига тутди, яқкаш чиркин ҳаволарни туйди; милён йиллик маҳқумаликка маҳқум этилди. Бу тиришган кампир ҳамон шабадалардан мадад кутади; лекин ойга боқолмайди, юлдузлардан кўрқади; ўтмишга дўнган бегона юрт қавакларига беркиниб, қумурсқадай жон сақлаб одамдай жон беролмай ингранади».

Заро Спитаменнинг суякли аёли эди. У бир ҳовуч қимматбаҳо тош учун эрининг бошини босқинчиларга топширди. Буюк ватанпарварга қилган хиёнати Зарони асрлар бўйи абадий қояларга парчинлаб ташлади. Мабодо Заро ҳам Спитамен чекаётган уқубатларга шерик бўла билганида эди, у ҳам абадий шон-шарафга чулганган бўларди.

Инсон умри жуда қисқа, муваққат, баъзи бир ҳолларда ҳатто арзимасдек туюлади.

Шундай экан, нечун у асрларга бўйлашгулик ғоялар билан қизиқади, ўтмишу келажакни ўзида мужассам этмоққа жидду жаҳд қилади?

Бу саволларнинг жавоби оилага бориб тақалади.

Ҳаёт шу туфайли абадийдир.

Ҳеч бир давлат, ҳеч бир сиёсат Инсонни яратмаган. Инсон Коинот томонидан минглаб, милёнлаб организмлар орасидан танлаб олинган.

Дунёнинг асосини ташкил этган туйғулар ҳам эрқага аёл бир-бирини топишганидан кейин пайдо бўлган бўлса керак.

Йўқса, садоқату вафо нелигини ким биларди?

Буюк араб қонини алангалатган рашк қайдан пайдо бўларди?

Носириддин Бурҳонуддин Рабғузий «Қисаси Рабғузий»да шундай келтиради:

«Изи азза ва жалла кўркни юз улуш қилди. Тўқсон тўқузни Ҳаввога берди. Бир улушни қамуғ оламлиғларга берди. Ул бир улушни яна ўн улуш қилди. Тўқузни Юсуфга, бир улушни одамлиғларга берди. Одам Ҳаввони ўзитек суратлиғ кўрди эрса рағбати бўлиб: «Манга ёвуқроқ келгил» теди. Одам кўбти Ҳаввога келди. Агар бир соат сабр қилса эрди Ҳавво келур эрди. Ул йўлдин эр хотинларга бормоқ суннат қолди. Аммо қачон ужмоҳга кирсалар хотунлар эрларинга келурлар. Қачон Одам Ҳаввони ўгради эрса Жаброил алайҳиссалом айди: «Эй одам, Ҳавво санинг турур, никоҳ қилмағунча раво бўлмас». Мавло жалла Жалолуҳу ўз ариғ зоти бирла Одам ва Ҳавво никоҳинга хутба қилди».

Оиланинг тарихи шундан бошланди.

Ҳар бир халқнинг, миллат ва элатларнинг ана шу узоқ тарих мобайнида урф-удумлари, одатлари шаклланди.

Туркий халқларда эр оиланинг устуни, ҳимоячиси, таянчи саналади. Ҳатто, уйларнинг томини ёпишаётганда ҳам тўсинни тоқ ташлашадики, оиланинг эрқаги охириги жуфтликни ташкил этсин деб.

Оилага буюк тушунча - Ватаннинг бошланиши деб қаралиши ҳам чин.

«Бошингда туғинг бўлсин», - дейишади аёлларга нисбатан.

Туғ - байроқ.

Ватаннинг, миллатнинг белгиси.

Бу ерда эр маъносида келяпти.

Яна қизларга нисбатан айтишадики, «Жавдар жойига тушса бугдой бўлади, бугдой жойига тушмаса жавдар бўлади» деб.

«Жойига тушиш»ни қайси белгиларга, мезонларга қараб ўлчаш лозим?

Буни халқнинг ўзи билади.

Уй-жойга, бойликка, мансабга қараладими?

Албатта.

Лекин, оиланинг абадийлиги - бардавомлиги учун бу ҳали етарли эмасга ўхшайди.

Қизгина, қайнар булоққа бошлама,
Бу йигитни моли кўп деб хушлама.
Мол деган кўлнинг кири, ювса кетар,
Ой юзингни чор тарафга ташлама,
дейлади халқда.

Мансаб шу қадар муваққатки, афсусланишга умулгу-ролма қолиш мумкин.

Уй-жой-чи?

Бу ҳашамлар оила абадийлигини ўзлари нураб-нетиб кетгунларича сақлайдиларми?

Қадим аждодларимиз кўхна дунё сирларини теранроқ англаб-тушунишгани учунми, бундай қурилишларга жуда бегисанд қарашган.

Хунлар, искифлар, олонлар... қадим туркий уруғлар - бобо она аждодимиз.

«Искифлар бинолар ва саройларни ўзларига ҳибсхона ҳисоб этиб, фақат майитларгагина лойиқ кўрар эдилар».

«Хунлар уйларни кўргилари ҳам келмай, қабрга ҳисоб этардилар».

Ҳасан Ато Абуший «Туркий қавмлар тарихи»да ана шуларни ёзади.

Аждодларимиз бепоён кенгликларни, ям-яшил ўтлоқларни, тоғу тошларни ўз уйлари билиб, яшаб кетаверишган. Оила кенгроқ, ана шу Ватан тимсолида намоён бўлган. Иссиқ-совуққа, оғир-енгилга табиий равишда қарашган.

Ота-боболарининг энг яхши аънаналари, урф-удумлари оила аънарасига айланиб бораверган.

Ҳозир шароит бўлакча.

Қанчалик тўқис яшамасин; оила муҳити тор, ўз қобигига ўралган бўлса, ўзига хос аъналарни давом эттирмаса ва бу аъналар ўзимиз яшаб турган юрт аъналарни билан уйғун келмаса, жамият ва миллат тараққиётига хизмат қила олмайди.

Оила муҳити.

Оила номуси.

Буларнинг ҳар бири жамият муҳити ва жамият номуси билан узвий алоқадордир.

Бундай қараганда, бахт ўзича бахт бўлиши мумкин.

Бахтсизлик ҳам.

Гуллаб кетган бахтнинг замирида шу қадар улкан бахтсизликлар патталаб, томир отиши мумкинки, сал ўтмай ўша гуллаётган шохларни хазон янглиғ тўзғитиб юборади.

Беш-олти яшар бола эдим.

Бувимиз узоқ вақт тўшакка михланиб қолган, ҳовлиси ёндош бўлгани учун холамиз куну тун унинг иссиқ-совуғидан хабар олиб турарди. Холамизнинг келин бўлиб тушган ҳовлисидаям урушдан яраланиб келган бир мажруҳ бор эди. Уям ҳатто пешобга чиқа олмас, униям иссиқ-совуғига холамиз балоғардон эди.

Баъзан қийналганиданми, бошқа сабабларга кўрами, пана-панада йиғлаб оларди.

Бир куну у ўчоқ бошида овқат қилаётиб кўз ёши тўкиб ўтирганини кўрдим.

– Хола, нега йиғлаяпсиз? – деб сўрадим.

У мени пайқамаган ҳам экан.

Жилмайишга уриниб:

– Йиғлаганим йўқ-ку, болам, – деди.

– Ана-а йиғлаяпсиз, – дедим қайсарлик билан унинг йиғлаётганини исботлашга киришгандай. – Кўзларингиз ҳам ёшланбди.

– Кўзимда ёш бор эканми? – деди холам ўзини бепарво кўрсатиб.

– Ҳа-а... юзларингиз ҳўл бўлган...

Холам рўмолининг бари билан юз-кўзларини артиб олиб:

– Тутундан кўзларим ёшланбди, болам, – деди. – Қўрмайсанми, ўтин ҳўл экан. Борақол, сениям кўзларингни ачиштирмасин, тагин.

Ўшанда холамга ишонгандим.

Аммо, орадан йиллар ўтиб, холамнинг ўша пайтдаги холатини англаб, кўзларим ачишганди.

Холам икки оиланинг устуну экан.

Савоб ҳам шунчаки амалга ошмас экан.

Савобнинг ҳам аччиқликлари, оғирликлари бўлар экан.

Ўшанда холам савобнинг аччиқликларидан ёшланган кўзларини ҳатто ёш болага кўрсатишга ийманган экан.

Чунки, уни на айтиб, на тушунтириб, на кўрсатиб бўларкан.

Халқимизда «Ёмондан яхши чиқди деб суюнма, яхшидан ёмон чиқди деб куюнма» деган нақл бор. Шу маънода олиб қарайдиган бўлсак, қадим маданият бешиги ҳисобланмиш Шарқ донишманд боболаримиз, меҳрибон моларимиз туфайли оила тинчлигини, бардавомлигини ҳатто энг оғир дақиқаларда ҳам мусаффо сақлаб келди, сақлайверади.

Боболаримиз бурда нонинг, тинчлигинг бўлса, қолгани бир гап бўлар, дейишади. Ҳозир оиланинг эҳтиёжлари кенгайиб кетди, нигоҳлари келажак замонларни ҳам бемалол илғайдиганлар тетапоя боласигаям қўшқават уй қуришни ўйлайди. Шундаям, барибир, боболаримиз айтганлари тўғри бўлиб чиқаверади.

Олам Ишқдан яралган.

Мўътабар китобларда бу ҳақда кўп ва ҳўп ёзилган.

Кўнгил эса муҳаббат туфайли мавжуддир.

Оламини севиш энг аввало бир аёлга муҳаббат қўйишдан бошланади.

Ёзишни мўлжаллаган асарларим кайфияти учун баъзан ўзимча сочмалар қоралаб юраман, ҳозирги суҳбатимизнинг давоми сифатида ана шулардан айримларини сизга илиндим, азиз журналхон.

АЙТСАМ

Гунчага айтсам

бол берар - арига бермай, йиғиб кўяр менга ҳар тонгда.

Иссиқ кунда соя сол десам,

ёмгирини ёғдирмай булут

ортимдан эргашиб юради.

Ерга айтсам,

бир мева ўстириб беради мен учун -

икки дунё жаннатига топилмас сира.

Айтмай туриб, шундай қарасам,

жонини беради мен учун дўстим.

Тоғ ҳам ҳар куни чақириб,

ҳазина-ю дафиналарини кўрсатгиси келади,

Зумраду забаржад солиб қўйини

ийдиргиси келади мени ўзига -

аллақандай йилтироқ тошлар деб

Тоғнинг ҳам олдига боргим келмас ҳеч.

Ахир, мен

онамнинг киприги соясида ўсган шундай

Эркатоиманки -

шунга деб, тилимни овора қилгим келмайди.

Қуралайим, гавҳарим дея

тантикланган гулман, ахир -

нигоҳим кўтариб қарай олмайман,

асрагим келади кўзимни

асрагим келади, фақат бир аёл,

айтмасдан дилимни тушунса,

дарёдай тўлгансам, қирғоқдай тўшалса -

ўшанда айтардим,

айтарим - Сўзимни!

АБАДИЯТ

Миллиард юлдузларнинг қаторида айрича бир юлдуз - коинотда бир нуқта бор, меҳварида бетин айланган чароғон нуқта. Коинотдан тасалли топар юрагим ана шу ёруғ нуқта - Ер учун.

Довуллару тўфонлар оғушида қитъалар айланади, қолдиқ туйғулардан безиб, инграниб.

Бир қитъа бор аммо, зангор фаслли.

Ер юзидан тасалли топар юрагим ана шу қитъа учун.

Бу қитъада яна бир юрт бор, уфор-уфор ҳаволарни таратган бир юрт.

Бир юртда бир шаҳар бор, бу шаҳарда бир гузар бор, бу гузарда бир уй бор... уфорланиб туради бари!

Чунки, бу уйда бир Аёл бор, кўзларида жамланган Дунё!

Ай, қандай узоқлардан етиб келдим мен!



МУНАҚҚИД ЭСТЕТИКАСИ

Бадиият - бош мезон. Бу - ижодкорнинг барча асарлардан, адабий жараёндан, адабиёт ривожининг муайян босқичидан келиб чиқадиган маъно. Матёкуб Қўшжоновнинг бадиий ижод намуналарини, санъаткор фаолиятини, адабиётнинг ижтимоий-эстетик аҳамиятини белгилашдаги бош принципи ана шунда.

Матёкуб ака Қўшжонов «Бир танқидий биографик очерк ҳақида» (1956й.) тақризи билан адабиёт даргоҳига кириб келди. Унда бадиий адабиётга бўлган чуқур меҳр-муҳаббат, сеҳрли сўзнинг бетакрор мўъжизаларини кашф этишга адоқсиз интилиш сезилган эди.

Матёкуб ака орадан бир неча йил ўтар-ўтмас ўзбек адабиёти илмининг пешқадам намоёндаларидан бирига айланди. Ижодий имкониятларини тўлиқ сафарбар эта олиши натижасида «Ойбек романларида характерларни тасвирлаш маҳорати» (рус тилида), «Ҳаёт ва маҳорат», «Ҳаёт, характерлар, маҳорат», «Ойбек маҳорати», «Ижод сабоқлари» сингари монографик тадқиқотлари, ўнлаб принципл ва

жасоратли мақолалари майдонга келди.

Матёкуб Қўшжоновнинг қалдирғоч мақоласи билан куни кеча эълон қилинган «Дагиш» бадеалари, «Алам» хотира-романи, «Ўзбекнинг ўзлиги» ва «Қодирий - эрксизлик қурбони» тадқиқотлари орасида қирқ йилдан ортиқ муддат бор. Бир йигитнинг қирчиллама умри бадалида - катта бир давр мобайнида ўттиздан ортиқ китоблари, беш юздан зиёд илмий-назарий ҳамда оммабоп мақолалари ўзбек, рус ва хорижий тилларда босилиб чиқди. «Ойбек», «Талант саховати» («Шедрость таланта») китоблари Москвада рус тилида чоп этилди.

Улар моҳиятан уч йўналишда: бадиий сўз поэтикаси ва санъаткор маҳорати; туркий халқлар адабиётининг ижодий методи масалалари; туркий халқлар адабиётининг ўзаро таъсирланиши ва ҳамкорлик алоқалари. Уларни яхлит ижтимоий-эстетик маъно бирлаштириб туради. Бу - бадиий СЎЗнинг ҳаётини, маънавий камолотда тутган аҳамиятини кашф этишдан иборат.

Матёкуб ака дастлабки изланишла-

ри биланоқ нозик бадиий диди, юсак адабий савияси, эстетик қарашлари шакланган олим сифатида ўзлигини танитди. Матёкуб акадаги нозик бадиий диднинг ниш уриши, эстетик туйғунинг куртак тугиши ва шаклланиши оиладаги муҳит билан, бувиси Ўғилжон халфадан эшитган ҳикоятлар, Аҳмад Яссавий, Сўфи Оллоёр, Машраб асарлари таъсири билан, «Бобо Равшан», «Юсуф ва Зулайхо», «Юсуф Аҳмад», «Баҳром ва Гуландом» каби халқ китоблари, дostonлари сабоғи билан боғлиқ кечди.

Матёкуб ака танқидчиликни адабиёт илмининг «серғалва» соҳаси эмас, аксинча, сўз санъати, деб билади. Танқидчининг вазифаси фақат танқид қилишдан иборат эмас. Ўз бурчини адо этолмаган асарлар танқид қилинади. Ижтимоий-эстетик вазифасини адо этган асарларни халққа танита билиш, эл-юртга кўрсатиш, тарғиб-ташвиқ эта билиш, моҳиятини китобхонга етказиш лозим, деб билади. Танқидчиликни ижтимоий-эстетик тафаккурнинг ажралмас таркибий бир бўлаги, деб тушунади.



Абдулла Қаҳҳорнинг шунга ҳамоҳанг бир гапини Матёкуб ака кўп бор таъкидлайди: «Ёзувчи асарида дилидаги ҳамма гапини айтилмайди. Агар ҳамма гапини гапириб, юрагини тўкиб ташласа – асарини бузади. Шунинг учун танқидчининг вазифаси ёзувчи чала айтиб кетган гапларни бироз кўтариб қўйиш. Шу тариқа адибнинг айтган ва айтмоқчи бўлган гапларини ярақлатиб кўрсата билиш». Демак, танқидчи бадий асарнинг айтилмаган тағ маъноли гапларини кўтариб бериши, косанинг тагида ним коса тарзидаги тағдор, кўмма маънолар моҳиятини айта билиши, мазмунини очиб бериши лозим.

Матёкуб Қўшжонов ўзбек адабиёти илмида бадий маҳоратшунослик мактабини яратган устоз. Ушбу мактабнинг ўзига хослиги, мунаққид эстетикасининг табиати бир қатор фазилатлари билан ажралиб туради. Хусусан, ҳаёт ҳақиқатининг бадий ҳақиқатга айланган маъно қирраларини, бадий-эстетик аҳамиятини очиб бериш, ифода гўзалликларини асослаш ва шу тариқа маънавий қашшоқликка қарши курашиш Матёкуб аканинг умр мазмунига, эътиқодига айланди. Ижодкор шахсияти билан ҳаёт ҳақиқати ва бадий ҳақиқатнинг уйғунлигини англаш, маъзини идрок ва ифода этиш – устоз адабий-танқидий қарашларининг меҳварини ташкил этади.

Шу маънода «Ҳаёт ва нафосат», «Моҳият ва бадият», «Ижод масъулияти», «Садриддин Айний бадиятининг эволюцияси», «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати», «Абдулла Қаҳҳор маҳорати», икки жилдлик Сайланма, икки томлик «Адабиёт назарияси»га киритилган эстетик категориялар (сюжет, композиция, конфликт ва ҳ.з.) сингари бобларни, теран тадқиқотларни алоҳида таъкидлагим келади. Улар Матёкуб ака эстетик қарашларининг етакчи хусусиятларини кўз-кўз этиш билан баробар танқидчиликда эстетик таҳлил маданиятининг юзага келишида ҳам муҳим ўрин тутди.

Матёкуб аканинг бадий асарга, санъаткорнинг ижодий изланишларига ёндошадиган ўзига хос таҳлил йўсини, эстетик талаб ва принциплари бор. Хусусан, бадий асар Матёкуб ака учун аввало санъат намунаси. Адабий жараён эса сўз санъатининг гўзаллик ходисаси.

Матёкуб ака тадқиқотларида катта бир дард бор. Бу – ижтимоий-фалсафий ва умуман, ҳаёт дарди. Халқ, миллат, жамият тақдир ҳақида ўйлайдиган, фикр юритадиган адиблару асарлар доимо унинг диққат-эътиборида. Абдулла Қодирийдан бошлаб Шукур Холмирзаевгача, Ойбекдан эътиборан Тоғай Муродгача бўлган бир неча авлод ижодкорларининг бадий маҳорати

ана шу нуқтаи назардан ўрганилади.

У адиб бадий дунёсига шўнғиб, унга сингиб кетгандек бўлади. Ундан ижтимоий-фалсафий маъно дурларини териб чиқади. Бадий асарларнинг ана шу ёруғ таъсири олимнинг таҳлил ва тадқиқ услубига ҳар гал ўзига хос ўзгаришлар киритганлигини кўриш ҳамда кузатиш мумкин. Хусусан, «Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш санъати» китобидаги тил ифодаси Абдулла Қодирийга анча яқин.

«Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясидан эса адибнинг олимга кўрсатган таъсирини нафақат ифода усулларидан, энг муҳими, илмий-бадий тафаккур тарзидан ҳам кузатиш мумкин.

Шунингдек, М. Қўшжонов тадқиқотлари ифодасининг табиийлиги ва самимийлиги билан эътиборни тортади. Яъни, фикрлар оддий ва содда. Улар сунъий равишда илмийлаштиришдан йироқ. Илмий терминларни ўринлими-ўринсизми, қалаштириб ташламайди.

Матёкуб ака асарларининг ўқимишлилик сирларидан бири – бу фикрлаш тарзининг бадий тафаккурга яқинлигида. Мавҳум фикр юритишдан кўра конкрет асарлар асосида фикр юритишни яхши кўришлигида. Бу – Матёкуб Қўшжонов илмий ижодининг бош йўли, услубий изланишларининг асоси.

Масалан М. Қўшжоновнинг «Кутлуг қон» романини таҳлил қилиш йўсини «Ўткан кунлар» таҳлилдидан ажралиб туради. Ёки «Сароб»ни ўрганиш усули «Синчалак»ни текшириш тарзидан фарқланади. Ҳар бир бадий асар ёзувчидан янгича бадий тафаккурни, янгича услубни талаб қилганидек, танқидчидан ҳам ҳар гал янгича ёндошишни, янгича таҳлил услубини тақозо этади. Шу боисдан Матёкуб ака ёрқин услубга эга бўлган истеъдодларни ўрганади.

Матёкуб ака фикрни далиллаш санъатини юксак эгаллаган. Чунончи, «Абдулла Қаҳҳор маҳорати» монографиясида адиб ҳикояларини Чехов ҳикоялари билан чоғиштирган ҳолда таҳлил қилади. Бунда Абдулла Қаҳҳорнинг бадий воситалардан қанчалик усталик билан фойдаланганига эмас, бош маънони очишда ана шу воситаларни қанчалик хизмат қилдира олганига диққатни қаратади. А. Қаҳҳорнинг Чехов даражасидаги маҳорат белгиларини шу тариқа кўрсатади.

Матёкуб ака олимлик ва адиблик нигоҳи билан ҳаёт сабоқларини, умр йўлларини, уруш йилларини тафаккур ва кўнгил кўзгусидан ўтказиб, хотиралар китобини яратди. «Тепки босилди», «Алам», «Дагиш» – булар ўтган кунларнинг шунчаки эсланган лавҳалари эмас. Йўқ, улар ёдда қолган, устоз ҳаётининг бир бўлагига айланган

ойдин кунлар нури. «Тепки босилди» рисоласи қайта ишланиб, тўлдирилиб, «Алам» номли воқеий роман ҳолида эълон қилинди.

Ҳар икки асар бир-бирини бойитиб, ўзбек ҳарбий мемуаристика жанрининг психологик таҳлилга асосланган гўзал намунасини бошлаб берди. Хотиралар китобида уруш ва инсон, инсон ва тарих, шахс ва жамият масалаларига янгича нуқтаи назардан нигоҳ ташланади. Инсон концепциясини бойитувчи муҳим кузатишлар, мушоҳада-кечинмалар илгари сурилади. Хусусан, энг оғир, фожеали дамларда ҳам инсон ўзлигини йўқотмайди, асл қиёфасини сақлаб қолади. Инсон душманга ўқ ёғдиришга, граната отишга ярабгина қолмасдан, ўз эртасини, Ватан ва халқ тақдирини, миллат келажагини белгилашга қодир куч сифатида талкин қилинади.

Ҳарбий мемуаристикада маршаллар, генераллар, генштаб кўмондонларининг армиялар, фронтлар тўғрисидаги хотиралари кўп. Лекин Матёкуб ака асарида уруш издиҳомида қон ютиб қон тупурган, юрса қон кечиби, йиқилса қон чангаллаган оддий жангчилар ҳақида бор ҳақиқатларни очик-ойдин айтилиши қимматлидир.

Кейинги йилларда Матёкуб аканинг изланишлари икки ўзан – икки йўналишда давом этапти. Биринчиси, соф адабиётшуносликка мансуб «Ўзбекнинг ўзлиги», «Қодирий - эрксизлик қурбони» сингари асарлари. Матёкуб ака ушбу йўналишда «Ўзбек романининг тараққиёт машаққатлари», «Шакл ва мазмун бирлиги» тадқиқотларини нашрга тайёрлаб қўйди.

Иккинчиси, эсдаликлар. Матёкуб ака болалик йиллари тўғрисида «Ўчмас излар» китобини тайёрлади. У радио китоб шаклида эълон қилинди. «Тунги шарпа» хотиралар асари эса «Ўчмас излар» китобининг давоми бўлиб, унда 30-йиллар воқеалари акс эттирилган. Яна Ойбек, Абдулла Қаҳҳор, Нуриддин Муҳиддинов, Шароф Рашидов, Обид Содиқов ва бошқа давлат, илм-фан арбоблари ҳақидаги эсдаликлар жамланган «Дийдор» китоби чоп этилди.

Фақат катта истеъдодлар – шоир ва ёзувчиларгина эмас, камёб таланти мунаққидлар ҳам ўз асарлари билан халқнинг бадий савиясини юксалтиришга, эстетик дидининг, ҳар бир миллатга хос хусусиятларини шакллантиришга хизмат қиладилар.

Бу йил 80 баҳорини бардам қаршилаган Матёкуб Қўшжонов изланишлари ана шундай хайрли ва олижаноб вазифаси билан ҳам эътиборлидир.

Нўмон РАҲИМЖОНОВ,
филология фанлари
доктори, профессор.

Минг тўққиз юз эллик саккизинчи йилнинг бошлари. Тошкент давлат университетидида дарс берман.

Кунларнинг бирида ҳамкасб дўстларимдан бири топшириқсимон оҳангда:

- Кўнгироқ қилишди. Эртага «Маданият» газетасининг муҳарририятига борар экансиз! - деди.

Газетага бордим. У ерда «бош муҳаррир ўринбосари олдиға кираркансиз», дейишди.

Қабулхона. Бош муҳаррир хонасининг рўпарасида муовин эшиги. Эшикка ёзиғлиқ турган Х.Муҳаммадхонов деган фамилияға кўзим тушди. Эшикни очиб, рухсат сўрадим-да ичкари кирдим. Муовин мени ўрнидан туриб кутиб олди ва катта столи олдидаги кичик столчанинг ён томонлариға кўйилган ўтиргичлардан бириға таклиф қилди.

Бир зум бир-биримизға қараб олдик. Мен бу йигитни кўп жойларда кўрганман. Унинг бўйи хиёл паст, юзлари бўйиға яраша ихчам, оқпаранг, сочлари хиёл сариқ, истараси иссиқ. Хушмуомалали, 35-40 ёшлардаги йигит эди.

Сухбатни у «хуш келибсиз» билан бошлади. Столи устидаги пала-партиш ётган «верстка»ларни жамлади-да, бир чеккаға суриб қўйди. Унинг бу ҳаракати бафуржа сухбатлашиш истагидан дарак бериб турарди.

- Бизға келавермайсиз, газетамизға қатнашавермайсиз, «Звезда Востока» журналидаги мақолаларингиз билан танишман, бизда эса қатнашмайсиз!

Териб-териб айтилган бу сўзларни эшитиб, юзидан аримаётган табассумни кўриб менда сухбатта мойиллик ошди.

- Нималарингиз бор бизға аталадиган? - деб қолди у мойиллигимни сезиб.

- Баъзи нарсаларим бор, бироқ улар рус тилида ёзилган, - дедим.

У бир оз тиниб қолди. Таажжубланаётгандек эди менинг назаримда. Мен ўнғайсизландим.

- Рус тилида? - деди-да, ўрнидан бир қимирлаб, сўзини давом қилди, - ўзбекчаси қачон бўлади?

У мени айб ишда кўлга туширгандек кўзларини кўзимға тик қадаб турарди. Мен яна ўнғайсизландим.

- Майли, - деди у ўнғайсизланганимни кўриб, - бор нарсаларингизни рус тилида бўлса ҳам олиб келинг, кейин ўзбекчада ҳам тилингиз чиқиб қолар! - деди истехзоли жилмайиб.

Эртаси муҳарририятта папка кўтариб келдим ва «Асар композицияси» номли мақоламини қолдирдим. Бир неча кун ўтар-ўтмас «Ўзбекистон маданияти» газетасида мақолам давомли эълон қилинди. Кейин билдимки, мақола ўша кезлари газета муҳарририятининг адабиёт бўлими мудири Шариф Юсуфов томонидан тезкорлик билан ўзбекчаға ағдарилди. Мақола анча шов-шувларға сабаб бўлди. Шушу Хибзиддин Муҳаммадхонов билан орамизда дўстона муносабат пайдо бўлди. Энди мен унинг олдиға фақат мақола кўтарибгина эмас, балки шунчаки сухбатлашишға, баъзи масалалар юзасидан фикр олишиш учун ҳам кирадиган бўлдим.

Самимий маслаҳаттўй одамларни кўп кўрганман, бироқ янги дўстим Хибзиддиндек хушфеъл, босиқ, ҳар бир масала юзасидан бафуржа, батафақил, энг зарур нуқталарини топиб сухбат курадиган одам ҳа деганда учрайвермаслигини аңладим. Биласизки, иши бошидан ошиб ётибди. Бироқ у билан сухбатлашсангиз фақат сиз учун, сиз билан адабиёт, ҳаёт ҳақида фикр олишув учун бу ўринда ўтиргандек кўринарди. У билан истаган мавзуда сухбатлашиш мумкин. Ҳар гал ундан кўнглингизға ўрнайдиған маслаҳат чиқаверади.

Ўша кезлари сухбатларимиздан бирида Хибзиддин оҳиста ва юмшоқ оҳангда тил хусусида гап очди.

- Бошқа тилда ёзиш - фазилат, бироқ ўз тилингизда ёзиб бирор нарса эълон қилсангиз унинг ўрни бошқа, шавқи бошқа! Бир масала бор: адабиёт ва ҳаёт. Сиз маҳорат ҳақида фикр юритишни яхши кўрасиз, майли, «Ҳаёт ва маҳорат» деб атанг. Хуллас шу мавзуда ўзимизнинг тилда бирор нарса ёзиб беринг!

Хибзиддиннинг таклифи менға маъқул келди. Бунинг устиға у ўйлаб юрган фикрларимни жойлаш мумкин бўлган мавзуни топиб бергандек бўлди. Ишға киришдим, астойдил, ҳавас билан! Қайта-қайта ёздим, тузатдим. Қиёмиға етган ҳисоблаб, дўстим хузурига бордим.

У бошқа ишларини йиғиштириб қўйди-да, мақолани кўлга олди. Варақлаб у ер-бу ериға кўз югуртиб ҳам қилди.

Мен ҳаяжонда эдим. «Кутганимча бўлмади-ку» деб қолади-ми деган хавотирда турдим. Хибзиддин охириги бет раҳамиға кўз ташлади-да:

- Мана бу бошқа гап, - деди у. Муҳим бир ишни битказиб қўйгандек, унинг юзлари ёришди, кўзларида мамнуниятлик белгилари пайдо бўлди.

Кўп ўтмасдан «Ҳаёт ва маҳорат» газета саҳифаларида «Давоми бор» белгиси билан бир неча сонда эълон қилинди.

ЯХШИДАН ЁРУҒЛИК



*Умр бўйи эл ишиға
камарбаста
инсон
Хибзиддин
Муҳаммадхонов.*

«Яхшидан ёруғлик» деган гап бор. Қарангки, Хибзиддиннинг таклифи билан танланган мавзу, кейинчалик бутун бир китобнинг номиға айланди. 1963 йилда чоп этилган бу китобда «Ҳаёт ва маҳорат» номли мақола бош ва негиз материал сифатида жой олди.

Кунлар, ойлар ўтиб Хибзиддин билан дўстлик доирамиз кенгайди. Мен матбуотда кўрина бошлаганимдан кейин Абдулла Қаҳҳор назарига тушдим. Билдимки, Хибзиддин ҳам бу адиб билан яқин ҳамкорлик қилган журналистлардан бири экан. Сухбат чоғларида Абдулла Қаҳҳор бу янги дўстимнинг номини тез-тез тилға олганини, баъзи масалалар юзасидан у билан маслаҳатлашиб туришини пайқадим. Бу ҳол Хибзиддин билан мени яна ҳам яқинроқ қилиб қўйди. 50-йилнинг ўрталаридан бошлаб, «Шарқ юлдузи» журналининг фаол муаллифларидан бири бўлдим. У пайтларда ёзувчи Шуҳрат журналининг масъул котиби эди. Кейин билдимки, Хибзиддин Шуҳрат билан ҳам яқиндан дўст экан. Бу ҳол бизнинг дўстлик доирамизни яна ҳам кенгайттирди. Шу йўсинда Убай Бурҳон, Абдулла Ҳозирлар, Ҳасан Назирлар билан ҳам дўстона муносабат пайдо бўлди. Булар ҳаммаси дўстим Хибзиддиннинг зиёлиларни бир-бирлари билан боғлашға, ижодий ҳамкорлик муҳитини яратишға қобил инсон эканидан дарак берарди.

Олтишинчи йилларнинг бошлари эди. Сухбатлардан бирида Хибзиддин гапдан тўхтади-да:

- Менға қаранг! Ойбек ҳақида сизнинг китобингиз бор-а, рус тилида? - деб қолди.

- Ҳа, бор, - дедим.

- Унинг ўзбекчаси қачон бўлади? - деди. Дўстона вазифа юкламоқчи оҳанг бор эди унинг бу сўзларида.

Рус тилидаги бу китобни она тилимға ўгиришни илғари ҳам ўйлаб юардим. Дўстимнинг қизиқиб қолиши кўнглимдаги бу ниятимнинг амалға ошишини тезлаштирди. Ишға киришдим. Натижа ёмон бўлмади. 1965 йили рус тилида ёзилиб эълон қилинган китоб икки баробар ҳажмда тўлдирилиб «Ойбек маҳорати» номи билан чоп этилди. Хуллас, Хибзиддин адабий муҳитни, унинг олдида турган вазифаларни баъзи ёзувчиларға нисбатан ҳам тузуқроқ аңлар, яхшироқ биларди. Кейинчалик ундаги бу хислатнинг сирлари билан қизиқдим ва бу сирларни унинг таржimaiи ҳолидан топдим.

Хибзиддин 40 ва 50-йилларда радиокомитетда хизматда бўлган экан. Бу ерда у оддий муҳаррирликдан комитетнинг бош раҳбарларидан бири даражасиға қориб етган ва шу даврларда радио орқали адабиётни кенг равишда ташвиқ ва тарғиб қилишға ўз хиссасини қўшган экан. Каттаю-кичик истеъдодлар билан муомалада бўлиб, адабиётнинг пасту баландини аңлаб олган экан. У ҳаётининг бу даври ҳақида ёзади:

«Менинг редакторлик даврим уруш давриға, раис ўринбосари бўлиб ишлаган даврим урушдан кейинги дастлабки йилларға тўғри келган. Табиийки, бу ҳол бизнинг бутун фаолиятимизнинг мазмуни ва характери ни белгиланган».

Дарҳақиқат, бу давр оғир эди. Бугун биз радиокомитет хусусида ўйлаганимизда пойтахтимизнинг маркази, Хоразм кўчасида жойлашган кўламли ва ҳашаматли иморат кўз олдимизға келади. Унинг ичидаги жиҳозлар ҳам шунга

монанд. Уруш ва урушдан кейинги йилларда жой ночор, техник жихозлар камчил эди. Иш ҳам шунга яраша оғир бўлган ўша пайтларда. Бу ҳолга тегишли Хибзиддин айтиб берган бир воқеа ҳамон эсимда юради.

Уруш тугаган йилнинг куз пайтлари эди. Раис ўринбо-сариман. Ярим кечада ишни тугатиб, уйга қайтдим. Якка-ю, ягона навбатчи машина ҳам бузилиб қолганди. Ярим йўлга келганимда қаттиқ сел қуйиб юборди. Томдан тушаётган сувлардан қочиб кўча томонга ўтиб олдим. Кўчада ҳам сув дарё бўлиб оқаётган эди. Бир маҳал оёғимни сув тўлиб турган бир бўшлиққа босибман-у, чуқурга тушиб кетибман. Туби йўқ жарга кулагандек ҳис қилдим ўзимни. Қўлларим, юзларим қаттиқ-қаттиқ нималаргадир урилди. Бироқ оғриқларни дарров сезавермадим. Ёшлик экан, абжирлик қилдим шекилли, чуқурдан чиқиб олдим. Ҳаво ҳам анча салқин эди. Шалаббо бўлиб, уйга борибман. Ойим аҳолимини кўриб, кўрқиб кетди. Эртаси яна ўша йўлдан бориб, чуқурни кўрдим. Қопқоқсиз қолиб кетган билақдек-билақдек келадиган сим ва қувурлар уланган ертўла экан. Кўрдим-у, ваҳимага тушдим... Бетоб бўлиб, шифоналарда ётиб ҳам чиқдим».

Хибзиддиннинг адабий муҳитга яқинлиги, бадиий ижодни яхши ҳис қилиши хусусида ўйласам, унинг ижтимоий ҳолига тегишли куйидаги сўзлари хаёлимдан ўтади.

– Ўша йилларда, – ёзади у, – радиоэшиттиришларда фаол қатнашган маданиятимиз арбобларидан – Фанлар Академиясининг биринчи президенти Т.Қори Ниёзийни, ёзувчилардан – Ойбек, Фафур Фулом, Ҳ.Олимжон, Ойдин, А.Қаҳор, Яшин, Уйғун, Шайхзода, Миртемир, Мирмуҳсин, А.Мухторни; санъаткорлардан – А.Хидоятлов, С.Эшонтураева, Ҳ.Носирова, Н.Ахмедова, С.Хўжаева, К.Зокиров, О.Хўжаев, Ш.Қаюмов, Ш.Бурxonов, Л.Нарзуллаев, Н.Раҳимов, С.Табибуллаев, С.Қобулова, Д.Муллақандов, Ж.Султонов, М.Узоқов, А.Ҳайдаров, З.Садриева ва бошқалар; композиторлардан – Ю.Ражабий, Т.Жалилов, Т.Содиқов, М.Бурxonов, М.Левиев, С.Юдаков, С. Бобоевларни тилга олишни истардим.

Бу рўйхат уруш, урушдан кейинги йилларда маданий ҳаётни белгилаган арбоблар гулдастасидир. Хибзиддин ўн йил давомида бу арбоблар билан бирла ишлаган, уларнинг санъати қозонида қайнаб камол топган. Энди у бирор кимсага маслаҳат қилар экан, шу муҳитдан олган сабоқлари унинг учун таянч эди.

– Мен талабалик чоғларимданоқ адабиёт қозонида қайнаганман. Пединститутда ўқиётган пайтларимда Мақсуд Шайхзода, Ҳамид Сулаймонлар адабиётга муҳаббат уйғотган менда, – дер эди у.

Яхшидан ёруғлик, Хибзиддин туфайли мен кўп ошна-огайни, ёр-дўст орттирдим. Улар кўп жиҳатдан Хибзиддиннинг ўзига ўхшар эди. У сингари ўз ишига жонқуяр, хайрли ишга қўл уришга одатланган фаол одамлардир. Булар Ўзбекистон Фанлар академиясининг муҳбир аъзоси М.Раҳимжонов, академик С.Нугмонов, ёзувчи Ҳаким Назир, профессор Шабот Хўжаев ва бошқалар. Улар билан бўлган ҳар бир учрашув, ҳар бир дўстона суҳбат кўнглимда ўчмас из қолдирарди.

Хибзиддин фақат зиёлипарваргина эмас, ўзи ҳам жуда зиёли инсон эди. Муомалада майин, хушсўз эди. Фикрни баён қилишда ҳеч ҳам шовилмас, фикрларини ниҳоясига етказадиган сўз ва ибораларни топар, жумлаларни тўла ва маъноли қилиб тузарди. У билан суҳбатда вақт ўтганини билмасдингиз. Гапни суҳбатдошга монанд масала томон йўналтирар, кўпроқ суҳбатдош дардига шерик бўлишга ҳаракат қиларди.

Етмишинчи йилларнинг охирилари бўлса керак. Хибзиддин билан Болтиқбўйидаги Ўрмала шаҳрида учрашиб қолдик. У бизга қўшни санаториялардан бирида дам олаётган экан.

Кучли ёмғир ёғаётган эди бир-биримизга дуч келган пайтда. Кўчанинг бир чеккасида жойлашган эски шийпонга олдик ўзимизни. Суҳбат адабиёт, ёзувчи ва олимлар орасидаги муносабатлар, баъзан улар орасида рўй бериб турадиган қизиқ-қизиқ воқеалар, ҳатто кўнгилсизликлар хусусида борди.

Мен кўпдан бери дўстимнинг табиати хусусида ўйлардим. Унинг илдизи билан қизиқар эдим. Ўша суҳбатда унга сездирмаган ҳолда гапни шу томон – аждоқлари хусусига бурдим. Дўстим оғир бир дард эсига тушгандек бир зум жим қолди. Нималар хусусидадир чуқур ўйга толди.

– Убайдулла ҳўжа деган одам ўтган тарихда, эшитганингиз борми? – деб қолди менга тикилиб. «Сизлар бугунги кун билан яшайверасизлар» деган таънага ўхшаган маъно бор эди бу тикилишда.

– Эшитганман, бироқ тафсилотини билмайман, – дедим. У ҳамон менга тикилиб турарди.

– Шу одам менинг тоғам бўлади. Афсуски, бу хилдаги одамлар фақат халқ назаридан эмас, балки зиёлилар назаридан беркитилган, – деди-да, яна бир лаҳза тин олди.

– Сизга айтсам, бу одамларнинг одами, зиёлиларнинг зиёлиси бўлган, у тараққийпарвар одам эди.

«Дардини кўзгаб қўйдим шекилли» ўйладим мен.

Дўстим у ёқ-бу ёғига назар ташлаб қўйди. Бирор кимса гапларимизни эшитаётган эмасмикин, деган шубҳа бор эди унинг бу ҳаракатида. У овозини бир даража пасайтириб, сўзини давом эттирди.

– У одам Россияни инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам мустамлакачи деб билган. Шу боисдан инқилобдан олдин ҳам, кейин ҳам боши қамоқдан чиқмаган, – деди-да, гапининг тугамаганини билдириш учун бўлса керак, яна атрофга бир назар ташлаб чиқди. Мен жим эдим. Бу пайт унга ҳалақат бериб бўлмасди. У назарини менга тикиб, гапга қайтди.

– Л.Толстойнинг «Ҳожимурод»ини ўқигансиз албатта. Қиссининг бошида ҳар кунни тепкиланадиган, бироқ кеч кириб тепкиланиш камайгандан кейин яна қаддини кўтариб оладиган ўсимлик номи тилга олинади. Менинг тоғам бами-соли шу қиссадаги ўсимлик эди. Тузумнинг эскиси ҳам, янгиси ҳам уни тепкилайверар, у яна бошини кўтараверарди. Охири бўлмади. Уни «юлиб ташладилар». Ўттизинчи йилларда охири марта қамалди-да, Сибирга жунатилди. Шу-шу ундан дом-дарак бўлмади.

Оғир бир дардни тўкиб солган одамдек Хибзиддин бўлшарди. У яна хавотирлангандек у ёқ-бу ёққа аланглади.

– Мен-ку майли, тоғам охириги марта қамоққа олинганда 15-16 ёшда эдим. Тоғам учун онам тортган изтиробларни айтмайсизми?! «Акагинам, нима гуноҳи бор эди унинг, фариштадай одам эди у» дерди. Тоғамнинг исми унинг оғзидан тушмас, бирор лаҳза унутолмасди. Ойимнинг дард-ларига мен доим шерик эдим. Ойим билан бирга эзилардим. Ёшлигимнинг кувноқ кечадиган даврларини мана шу дардхаллик билан ўтказганман.

– Дардларимни айта бериб, сизни ҳам қийнаб қўйдим шекилли, – деди у кўнгли розини тугатгандек бўлиб. Унинг кўзлари нурланиб, ёришгандек бўлди. Бироқ сезиб турар эдимки, у менинг кўнглим учун ўз ҳолатини ўзгартиришга уринапти. Аслида эса унинг фикр ва хаёли ҳамон ўша «миллатим, халқим» деб ўз ниятига эриша олмаган, бу йўлда қурбон бўлган тоғада, унинг дардини тортиб умрини беҳаловат ўтказган ойисида эди.

– Юринг кетди, – деди у кескин оҳангда, – гап адо бўлмайди, гапирган билан тоғам қайтиб келмайди, – деди-да, шийпон зинасига, ундан кейин тор йўлақчага ишора қилди. Қарасақ вақт аллақачонлар бўлибди. Ёмғир тиниб асфальт йўлақлар сувсизланибди.

Денгиз бўйига чиқиб, яна учрашадиган бўлиб хайрлашдик.

Кейинги пайтларда мен дўстим Хибзиддиннинг ҳаёт йўли билан қизиқдим. У институтни аъло битказган, имтиёзли диплом олган. Адабиётга муҳаббати ўша кезлариеёқ маълум бўлган эди. Аммо у касб танлашда анча эҳтиёткор бўлган кўринади. Ўша муҳаббат, ўша қизиқиш билан катта олим ёхуд катта ёзувчи бўлиб етишиш ҳам мумкин эди. Бироқ у бетараф йўл танлабди. Ҳаётини журналистлик касбига бағишлабди. Бунда ҳам маъно бўлса керак.

Хибзиддиндек қобилияти ўткир одам учун битта касбнинг ўзи етмайди. У вақтининг кўп қисмини таржимонлик ишига бағишлади. Бу ҳам бетараф касб. Бирор айб топиладиган бўлса, ёзувчининг гарданига тушади.

Таржимонликда у ўзининг бор қобилиятини ишга солди. Унга касб сифатида эмас, балки ҳунар сифатида қаради. Унинг таржималари том маънодаги маҳорат натижаси эди. Бу ишдаги ўз ақидаларини у куйидагича таърифларди:

– Таржима қилинган асарни китобхон ўз она тилида ёзилган деб қабул қилсин! Бунинг учун соф миллий сўз танлаш, жумлалар она тилининг ўз қонуниятларига мувофиқ бўлиши керак. Ҳатто мақолларнинг ҳам тилимизга мос шаклини топа билиш керак.

Шунга тегишли бир мисолни қайта-қайта таъкидларди:

– Русларда, – дерди у, – «Рыбак рыбака видит из далека» деган мақол бор. Уни «балиқчи балиқчини узоқдан кўради» деб таржима қилинса, у ҳеч қандай маъно бермайди. Ўзимизнинг тилимизда шунга монанд мақол бор. «Қўр қўр билан қоронғида топишади». Шундай таржима қилинса, бошқа гап. Хуллас, Хибзиддин барча моҳир таржимонлар сингари таржимани шунчаки тирикчилик манбаи деб эмас, балки ҳунар, санъат деб биладиганлардан эди...

Хибзиддин Муҳаммадхон умрини меҳнат билан, халқига хизмат билан ўтказган зиёлилардан эди. Охириги йилларда у нашриётларда масъул ходим бўлиб ишлади. Республика миқёсидаги катта бир журнал муҳарририятида бош муҳаррир мувонини бўлиб ишлади. У умр бўйи эл хизматида турди, кўп ёр-дўстлар орттирди. Бу жиҳатлари билан у ўзбек маданияти тарихида ўз ўрнига эга!

Матёқуб ҚЎШЖОНОВ,

ЎзФА муҳбир аъзоси.



ФАҚАТ БУЮКЛАРГИНА ХОМУШ БЎЛАДИЛАР

Шарқда улуғлар номи, хоссатан, валийсифат зотларнинг исми тилга олинмайди. Бу Шарқ ахлоқининг муҳим жиҳати. Бугун «А.Навой» ёхуд «ал Бухорий» қабилда ёзилаётган авлиёларимизнинг иззатли исмлари ўз замонида гоёта нафис ва латийф шарқона лутф билан зийнатланган. Чунончи, «Амир ҳазратлари» ёхуд «Ҳазрат Имом».

Инсон, у ким ва қандай даражада бўлишидан қатъи назар, унда Оллоҳнинг мукаррам қилганлиги ҳақидаги муҳр бор. Агар кимда-ким хор бўлса, у одамятдан.

Одам хор бўлиш учун яралмаган.

У - азиз. Бу - Яратганнинг ҳукми.

Мен Оллоҳ азиз қилган, аммо камоли фақирлигидан буни ҳатто ўзи ҳам билмайдиган бир зот хусусида икки оғиз сўз сўрадим.

Бу зот ерга қараб юради.

Ер нигоҳини, қарийб бутун гавдасини тортаётгандек. Ҳамма осмонга туфураверганидан, бу сатанг сиймоларнинг барчаси қора ердан эканини унутиб қўйганлигидан хижолатпазликми?..

Ё бир Нақшбандий каби «Назар бар қадам» қоидасига амалми?..

Ё анчайин бандаликми?..

Билмадим...

Мен бу зотни жуда яхши биламан, деёлмайман. Аммо одамни билиш учун у ҳақдаги китобларни ўқиш керак, деган қоида бор-йўқлигини ҳам эслолмайман.

Шуни биламанки, у фақир одам. Фақир менинг фахримдир, дейди пайгамбар (Оллоҳ саломлари бўлсин).

Такаббур олим, адибу удабо орасида фақирлик қисвати билан қандай яшаш мумкин?

«Икром яхши шеърлар ёзаяпти», деди менга ўн йилча бурун.

Шоир Икром Отамурод эса ҳамон ёзаяпти ва яхши ёзаяпти.

«Отам замонидан қолган» «Овасто»ни таржима қилаётганимда бу ўлимдек сирли ва ҳақиқатан ўлик китобнинг ўзбекча матнларини сатрма-сатр ўқиб борди. Менимча, «Овасто»ни бу зотдан кейин бошқа ҳеч ким ўқимади.

«Санъат» журналида ишлаган кезларида тинимсиз чекар, деярли уззукун шахмат сурарди. Мен худди лаҳм қазийтгандек тахта юзига ёпирилиб олган бу одамнинг сабр-бардошига тан берардим.

Боши эгик келар, боши ҳам кетаверарди. Ҳамма нарсани ичига ютгандек.

Шоирлар тинмай ҳасад ҳақида ёзар, кимдир таҳорат қилибми-қилмайми «мен - ҳақман», деб аййўҳаннос солар, иккита тухумни эплаб пиширолмаса-да, инсониятни фалон-писмадон йўллар билан саодатли қиламан, деганлар девоналарча сандироқлаган замонларда ҳам бу зот хомуш эди...

Аммо, фақат буюкларгина хомуш бўладилар...

Бу зот - Михли Сафаров. Мусулмончиликда ёш саналмайди, ҳаёти дунёдаги маълум саналар қайд ҳам қилинмайди. Нима бўлмасин, пайгамбар ёши арафасида турган бу зот ҳар нечук таҳсин ва ҳасанотлардан устун...

Асқар МАҲКАМ

"БИЗА ДАВЛАТ ЭДИ АЗОБИНГИЗ ХАМ..."

Ота, Ўн тўққизнинг кулгуси гўзал,
Йиғилари гўзал Ишқдан айрилса.
Менинг Ўн тўққизим аёвсиз олов,
Кипригим куйди ортга қайрилсам.

Кўзларим кўр бўлар қайғудан, ёшдан,
Пешонам шўрмиди ё аввал бошдан.
О, Сиздан айрилиб қандайлар кўнди,
Юрагим гулданми эди ё тошдан?

Ота, Ўн тўққизнинг кулгуси гўзал,
Йиғласа, кўзига қонлар тўлмайди.
Менинг Ўн тўққизим - азобли ғазал,
Адоғсиз азобдир, кечиб бўлмайди.

Менинг Ўн тўққизим қайғули баҳор,
Ўн тўққиз минг аср йиғласам арзир.
Ахир, қиёматли қарзларга қолдим,
Мен уза олмадим фарзандлик қарзим.

Ота, Ўн тўққизнинг гўзал кулгуси,
Гўзалдир йиғласа Ишқдан айрилиб.
Айтинг, қандай йиғлаб,
қандайлар кулсин,
Айни Ўн тўққизда сиздан айри қалб?

Хали кирмаганим - чимидиғимнинг
Торларига титрар ўқинчим зор-ай.
Келин бўлиб уйдан чиқар чоғида
Мен кимнинг пойига бошимни урай?

Ота, Ўн тўққизнинг кулгуси кўркем,
Йиғласа чиройли севиғи гамида.
Ишқ йиғлатса бўлмасмиди мени хам,
Кимдир тўлдирарди кўнглим камини...

Ўн тўққиз ёшим-ай, қайғули баҳор,
Ўн тўққиздан буён кўзларим вамли.
Ким кулиб сўз очса Ўн тўққиздан
Менинг Ўн тўққизим куйлайди Ғамни.



Осмонлар қулади Сиз кўз юмган чор,
Фалаклар остида қолиб кетдим мен.
Навқирон Ўн тўққиз! Нима деган гап,
Яшашдан бунчалар толиб кетдим мен.

Ота, Ўн тўққизнинг кулгуси шодон,
Номард ошиқ учун йиғлар у нодон.
Менинг Ўн тўққизим жилмая билмас,
Мен Сиздан айрилиб йиғладим ёмон.

Бошимда айланар қаҳ-қаҳ уриб Вақт,
Йиллар ўтаётир бирма-бир изғиб.
Мен ҳамон телбадай яшаётирман
Кўнглим Ўн тўққиз минг хазондай тўзғиб.

Ота, Ўн тўққизнинг кулгуси дилбар,
Йиғласа ёқимли ишқдан айрилиб.
Қандай кулиб, қандай йиғласин айтинг,
Ўн тўққиз ёшида Сиздан айри қалб?

Менинг Ўн тўққиздан буёғим Армон...

Она, меҳр қарзим бўлса, бир сенда бор,
Она меҳрин бера олган қачон, қай ёр,
Бебурд дўстдан кўра хатто ит вафодор
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Сирларимни сотиб кетди саболарим,
Оловларга отиб кетди неволарим,
Йиғи бўлди ўн саккиз минг наволарим,
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Олис йўлга ташлаб кетдим Олтинсойни,
Кўзларини ёшлаб кетдим Олтинсойни,
Хаёлим-да бошлаб кетдим Олтинсойни,
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Бунда нега йиғлар, билмам, фавворалар,
Қадамимни пойлар қанча овворалар,
Қишлоғимда тўй бўлади ноғоралаб...
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Она, Дунё деганлари бозор экан,
Дунёсида яшаш ўзи озор экан,
Кўнглум очсам, кўнглум тўла мазор экан...
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Соғинчларинг соҳилида дарё кўзим,
Йиғлаб-йиғлаб овунаман яна ўзим,
Она, фақат, фақат сенга берсин тўзим,
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Бир кун, охир, қайтадирман қошганингга,
Чўмиларман севишч тўла ёшганингга,



Она, омон бўлсин азиз бошганинг-а,
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?

Меҳр қарадор бўлсам, фақат сендан
қараман,
Бошқасидан фарёдим кўп, додман, арман,
Мен шундайни дилхундирман, дили дарман,
Мени сендай тушунгучи ким бор яна?
Мени сендай тушунгучи ким бор, ОНА!..

Ман йитдим, ким васли доводна етди,
Ваҳ, алам ханжари товона етди.
Юракинг чиммати тўлғона кетди,
Шу кенг чимматимдан кетиб қолдингиз?

Ўзини Зухро, сизни Тохир айладик,
Боримиз оламга зоҳир айладик,
Кўп химматлар этдик, меҳр айладик,
Ажаб, химматимдан кетиб қолдингиз.

Телбаваш-телбаваш кўнгул берибмиз,
Ошиқлик шул дея охлар урибмиз,
Руху жонни тикиб савлат қурибмиз,
Ишқли савлатимдан кетиб қолдингиз.

Ҳеч на эди қаҳр - қазобингиз ҳам,
Меҳрдай ёкарди ғазобингиз ҳам.
Биза давлат эди Азобингиз ҳам,
Нечук давлатимдан кетиб қолдингиз?..

Термулиб тўймади ипгоҳларимиз,
Сўровин қўймади сўроқларимиз,
Худойим, не эди гуноҳларимиз,
Иккимиз икки ён айрилиб кетдик.


Ишқимиз ишқ бўлиб нима кун кўрди,
Ўртада йиллар ва йўллар югурди,
Бироқ тақдир ҳукм ўқиб улгурди...
Айладик кўп фиғон, айрилиб кетдик.

Ошиққа қисматми эди Айрилиқ,
Ё олий химматми эди Айрилиқ,
Ишқдан ҳам қимматми эди Айрилиқ,
Айрилиқ томонга қайрилиб кетдик.

Иккимиз икки ён кетдик ташналаб,
Йиғласак, тошларинг кўзи ёшланар,
"Худойим қанақа кунлар бошланар" *
Биз нечун, айт, нечун айрилиб кетдик?..

* Усмон Азим сатри

БҮЁҚЛАРДА ЯНГРАГАН ҚҶШИҚ



Серқирра истеъдод сохиби Темур Саъдуллаев ижоди хусусида гап кетганда, уни машхур миниатюрочи мусаввир, раҳматли Чингиз Аҳмадовнинг чин шогирдларидан дейишади. Шу боис суҳбатимиз ҳам мусаввирнинг устози ҳақидаги хотиралари билан бошланди.

– Акам Амир Файзуллаев Чингиз ака билан яхшигина қадрдон эканлар. 1966 йили ўрта мактабни тугаллаб педагогика институтининг тасвирий санъат бўлимига ўқишга кирдим. Худди шу йили акам мени у кишининг хузурларига бошлаб бордилар. Чингиз ака ўзига хос истеъдод эгаси, шогирдларига жуда талабчан эдилар. Мендаги миниатюра санъатига бўлган қизиқишни пайқаб, талаба бўлишимга қарамай 1970 йилда Самарқанддаги «Юлдуз» номли чойхонада бирга ишлашни таклиф қилганлар. 1980 йили эса буюк табиб Абу Али ибн Синонинг 1000 йиллигига Бухорода тайёргарлик ишлари бошланаётганди. Шу туфайли Бухородаги Маданият саройида улуғ олимнинг сиймосини ишладик. Устоз билан бирга бўлган кезларимда жуда кўп нарсаларни ўргандим. Сўнг мени «Афсона» чойхонаси деворларига сурат ишлашга чақиришди. Ибн Синонинг она қишлоғи Афсонада жойлашган сўлим чорбоғ қўйнидаги чойхонанинг ички деворларига ўнга яқин нозик ва нафис тасвирлар яратдимки, бу асарлар қадимий шаҳар Бухорога

дунёнинг турли бурчакларидан келаётган сайёҳларда катта таассурот қолдираётир. Бу ишларни кўрган устозим менга чин дилдан оқ йўл тиладилар. Уларнинг дуоларини олиб кам бўлмадим.

– Миниатюра санъати ҳақида сўз кетганда албатта, таниқли шарқшунос олим Ҳамид Сулаймоновнинг номи тилга олинади. Сиз институтни тугаллагач у киши билан ҳам бирга ишлаган экансиз.

– Ҳа, ҳақиқатан ҳам мамлакатимизда миниатюра санъатининг янада ривожланишида устоз Ҳамид Сулаймоннинг ҳиссаси бекиёсдир. У киши хориждан миниатюраларнинг слайдларини олиб келганлар. Авваллари миниатюра фақат китобларга чизилган бўлса, ҳозир деворларга безак сифатида ҳам ишланаётир. Институтни битирган йилим ана шундай билимдон, зукко, соддадил, улуғ инсон билан бирга ишлаганимдан доим хурсанд бўлиб юраман.

Улуғ одамларда ўзига хос соддалик бўлар экан. Ҳамид ака билан биз, ҳатто дам олиш кунлари ҳам ишлардик. Шундай кунларнинг бирида биргалашиб тушлик қиладиган бўлдик. Ошхонага кириб чиққан домла: «Келинойинг ҳеч қачон тановул қилмаган овқатингни тайёрлапти-да, энди хафа бўлмайсан», дедилар. Мен қизиқсиниб: «Қанақа овқат ўзи?» деб сўрадим. Ёшмиз, ўт-олов. Ҳар қанақанги овқатнинг чангани бир зумда чиқарамиз.

«Тўғриси, нима дейишга ҳам ҳайронман. Бунақа овқатни ўзим ҳам ҳеч емаганман», дедилар у киши. «Ҳа, домла, келинойим жуда пазандалар-ку! Нима деб номланади ўша овқатингиз?» бетоқатландим мен. «Нонсолдими, нонпаловми дейди келинойинг», деган жавобни эшитдим уларнинг соддаликларидан овозим борича кулиб юбордим.

Яна шундай воқеалардан бири – Кўқонда адабиёт музейини очиш учун экспонатларни жўнатаётганимизда бўлган. Ўша кезларда Аҳмад Аъзам ҳам биз билан ишларди. Чийдухоба туфли урф бўлганди. Шу шошқич кезде Аҳмад негача йўқ бўлиб қолди. Ярим соатдан сўнг келди. Шунда домланинг талабчанликлари тутдим, уни сўроқлай бошладилар. «Сўрамасдан-нетмасдан қаёққа гойиб бўлдинг?» «Домла, туфлимнинг пошнаси тушиб қолувди, шуни қоқиб олдим, Темур аканинг хоналарида», дея жавоб қайтарди у. «Ия, чийдухоба туфлида ҳам пошна бўлар эканми?» - деб Ҳамид ака ишонқирамай оёқларига қарадилар. Ҳаммамиз кулиб юбордик. Домла эса бизга қўшилар эканлар: «Шу туфлимни пошнасиз деб ўйлардим», дедилар.

– Журналнинг бир сонини тайёрлаётганимизда қўлимга муаллифи номаълум бўлган сурат тушиб қолди. Мусаввира Раҳима Қўнғирова бу ишни кўргандаёқ «Темур Саъдуллаев чизган», деди. Мен бундан жуда хурсанд бўлиб кетдим. Ахир, юртимизда



"Сабъаи сайёр". 1991-92 й.



"Ҳайрат ул-аброр". 1991-92 й.

тасвирий санъат ниҳоятда ривожланган, мусаввирлар жуда кўп. Шуларнинг ичида сизнинг ўзингизга хос услубингиз борлиги кишини қувонтиради...

– Тўғриси айтганда, бу сўзларингиз менга ҳам хуш ёқди. Чунки, ҳар бир рассомнинг ўз услуби бўлиши керак. Дастлабки йилларда устозим Чингиз Аҳмаровга эргашган бўлсам, кейинчалик ўз қаламимга, ўз йўналошимга эга бўлишга ҳаракат қилдим ва бунга озми-кўпми эришдим ҳам.

– Мусаввир сифатида кўп, катта асарлар яратиш қанчалар машаққатли бўлмасин, лекин ўз касбини севган инсон учун шунчалар ҳузурбахшдир. Маълумки, мусаввирларнинг кўплари журнал ёки газетада рассомлик қилолмайдилар. Матбаа нашрларининг ўзига хос қийинчиликлари бор. Сиз журналда ҳам ишлагансиз, ўнлаб китобларни безагансиз. Хуллас, ижодингиз серқирра. Қайси бир йўналишда ижод этиш сизга кўпроқ ёқади?

– Биласизми, ҳар ким ҳаётни ўзича кўради ва талқин этади. Ижодкор деб ном олишнинг ўзи бир бахт. Сизнинг яратган асарларингиз бари халқнинг мулки. Шу йиллар мобайнида 200га яқин китобга безак бердим, кўплаб катта-кичик асарлар яратдим, деворий суратлар чиздим. Ҳаммасига юрагимнинг кўрини берганман. Ватанимнинг ям-яшил қир-адирлари, серҳосил боғ-роғлари, лўппи-лўппи бўлиб очилган кенг «оқ олтин» майдонлари, маҳо-

батли тоғлар, дарёлар кўринишларини қаламга олганман. Улуғ кишиларнинг, ишчи ва деҳқонларнинг портретларини чиздим. Буларнинг ҳаммаси қалбимга яқин. Қачонки бирон нарсани қалбимни жунбушга келтирсани, ўшани қаламга олишга, қоғозга қайси бир йўллар билан бўлса-да туширишга ҳаракат қиламан.

– Ижодингизда буюк шоир Алишер Навоий ижодига бўлган муҳаббатингиз, айниқса, салмоқли ўрин тутади.

– Буюк мутафаккир Алишер Навоий сиймоси, ижоди қайси қалам соҳибини ўйлантирмаган, кимларга завқ-шавқ бағишлаган дейсиз? Навоий сиймосига унинг замондоши Камолиддин Беҳзод тасвирлари нуқтаи назаридан ёндошдим. Бу эса менга Навоий образини янгича ифода этишда, унинг илҳомбахш ижодидаги янгича қирраларни очиб беришда асосий омиллардан бири бўлиб хизмат қилди. Бундан ташқари Навоий асарлари билан болалигимдан танишман. Институтда диплом ишимни ҳам Навоий лирикасидан ҳимоя қилганман.

А. Навоий номидаги давлат Адабиёт музейининг «Хамса» залидаги энг катта маҳобатли асарим – қарийб 100 квадрат метр жойни эгаллаган «Бешлик»ни шоир асарларини бўёқларда куйловчи бир кўшиқ деса бўлади. «Бешлик»ни чизаётганимда шоир асарларини қайта-қайта мутолаа қилишдан чарчамадим, олимлар

билан суҳбатда бўлдим. Айниқса академик Азиз Қаюмовдан жуда миннатдорман. У кишининг маслаҳатлари менга асқотди...

Дарҳақиқат, мусаввир Темура Саъдуллаевнинг ҳар бир асарига – у миниатюра йўлидами, рангтасвир услубидами, деворга ишланган замзамалари – ижодкорнинг нозик нафаси уфуриб тургандек, худди табиатнинг ўзидек турфа бўёқлар тилга кириб кўшиқ куйлаётгандек туюлади. Бу мусаввирнинг ўзига хос маҳоратидан, истеъдодидан, бетакрор ижодидан гувоҳлик бериб туради.

Суҳбатдош:

Маънура НАБИЕВА.



"Лайли ва Мажнун". 1991-92 й.

Театрнинг ёш, истеъдодли санъаткорларидан бири - Кароматхон Исомова билан учрашдим. Мақсадимни билгач, суҳбатдошимнинг чеҳраси ёришиб кетди.

— Ие, бизни ҳам йўқлайдиганлар бор экан-ку...

— Кароматхон, кўғирчоқ театри ўзига хос услубга эга. Нима учун айнан шу театрни танлагансиз? Кўғирчоқ театри актёри қандай бўлмоғи керак?

— Бу ҳаётда нималар бўлмайди дейсиз. Орзу-ҳавас қиласиз-у, лекин бу серғалва ҳаёт оқими бирдай равон эмас. То шу бугунга қадар ўқишимда ҳам, ижодимда ҳам маълум муддат узилишлар бўлди. Ёшлигимдан кўғирчоқларга, кўғирчоқ театрига қизиққанымдан юракдаги шу санъатга бўлган меҳр-муҳаббат устун келиб, фаолиятимни мазкур театрда бошладим.

Кўғирчоқ театри актёри драматик актёрлардан бирмунча устун бўлмоғи керак, назаримда. Чунки у қаҳрамон ички дунёсини ўзида мужассамлаштириб, ўз вужудига обдон "жойлаб", сўнгра уни кўғирчоқларга беради. Жонсиз нарсага "жон" кiritиб томошабинлар ҳузурида мўъжиза яратади. Шу билан бирга болаларни жон-дилдан севиши лозим. Болалар театри экан, деб ёш томошабинларга нописанд қараш, бу аввало ўзингни, қолаверса, сени деб келган томошабинни, кези келганда айтиш лозимки, бу оддий эмас, руҳий олами, дунёвий тасавури

Кароматхон ИСОМОВА:

«ШАРҚОНА, МИЛЛИЙ СПЕКТАКЛЬ БЎЛСАЙДИ...»



Суратда: Кароматхон ИСОМОВА.

Таҳририят топшириғи билан Республика кўғирчоқ театрига йўл олдим. Хаёлим учрашасан қаҳрамон, ёзилашасан мақолада. Сўнги йилларда матбуотда бу театр, хусусан, ёш ижодкорлар фаолияти қандай ёритилди? Саҳналаштирилган янги спектаклларга мутахассислар ўз вақтида муносабат билдиришдими? Умуман республикамиздаги кўғирчоқ театрларининг бугунги аҳволи қандай? Назаримда матбуот жим-жит.

ҳали мурғак бўлган, алоҳида урғу билан айтиш, ёш томошабинни қадрлашасан, хурматлашасаннинг ўзидир. Бу ернинг актёри кичкинтойларнинг ўзидек беғубор, қалби пок, дунёси самимий, ростгўй бўлмоғи керак.

Спектакль давомида ёш томошабинларнинг ҳолатига диққат билан аҳамият бераман-да, уларнинг чеҳрасидаги самимийликни, воқеаларни зўр қизиқиш, ҳаяжон - бор вужудлари билан томоша қилаётганликларини кўриб, санъатимизни қанчалик севишларини сезиб турман. Шу сабаб театрга ҳам, болаларга ҳам меҳр кўзи билан қарамоғимиз керак, деб ўйлайман.

— Шогирд ижодига қараб устозга баҳо берса бўларкан. Шу маънода устозларингиз...

— Талабалик йилларим ажойиб ўтган. Устозларим... Уларни ҳар сафар фахр билан тилга оламан, сабаби мени доимо кўғирчоқ театрига қизиқтириб, орзуларимнинг ушалишида йўл очиб беришган. Институтни битираётганимда — давлат имтиҳонларини қабул қилаётган домла — санъатимизнинг ҳақиқий жонкуярларидан бири, профессор Муҳсин Қодиров «Бу қиз оддий битирувчи эмас, кўғирчоқ театрининг етук артисти экан» десалар, доцент Тоир Исломов «Бунча ҳам кўғирчоқ театрини яхши кўрмасан, фақат шу театр учун туғилган шекилли», дея алқашган. Шу сабаб доимо шундай баҳога муносиб ижод қилишга ҳаракат қиламан. Бу-

гунги муваффақия- тимда кўғирчоқ театри- га бориб ишлашимга маслаҳат берган В.С.Иогелсиндан бир умр миннатдорман. Қаерда, қандай роль ижро этишимдан қатъи назар, устозларим ҳар бир ҳаракатимни куза- тиб тургандек бўлади- лар. Улардан олган сабоқларимни яхши- яхши роллар ижро этиб, шу орқали ўз ташакку- римни айтгим келади. Айтганингиздек устоз- нинг меҳнатлари самар- расини шогирдлар исте- ғододидан ҳам билса бўлар экан.

- *Гап-сўзларингиздан сезаяпманки, театрни жуда севасиз. Бошқа те- атрга ишга чақиришса борармидингиз?*

- Йўқ. Бу ерни таш- лаб ҳеч қаерга кетмай- ман. Театрим-ижод- гоҳим - иккинчи уйим. Дарахт бир жойда кўка- ради, деган гап бор. Бу билан фақат шу ердаги- на ижод қиламан, деган- ним эмас. Бу ер муқим иш жойим бўлиб қоли- шини истайман. Тўғри, телевидение, кинога таклиф қилишади, у ерда ҳам қатнашиб ту- рибман. Телевидение- нинг ёшлар учун мўл- жалланган «Гап йўқ» кўрсатувида, «Оқшом эртаклари»да иштиро- ким бор. Кинода ҳам бир неча роллар ижро этдим. «Олтин девор»да Кумри, «Кўзларим йў- лингда»да Каромат, «Юзсиз»да Муқаддас, қайтадан суратга олин- ган «Ўтган кунлар» шу- лар жумласидандир.

- *Кароматхон, кинода роль ижро этиш осонми ё театрда?*

- Ҳар бирининг ўз қийинчилиги, роҳати бор. Ижод осонлик би-

лан бўлмайди. Театр- нинг ҳам, кионинг ҳам ўзига яраша машақ- қатли томонлари бор. Кўғирчоқ театрини-ку кўяверинг.

Спектакль давомида бир вақтнинг ўзида ик- ки кишининг ишини қиламиз. Саҳна-ортида туриб, тепага қараб, кўғирчоқ ўйнатамиз. Энг масъулиятли томо- ни шундаки, кўғирчоқ- нинг қўл, оёқ, лаб, кўз - барча «аъзолари» ай- тилаётган ҳар бир сўз, ҳар бир гапга монанд ҳаракат қилиши лозим. Шунга яраша овоз ҳам беришимиз керак. Сў- зимиз, ҳаракатимиз бир-бирига муштарак бўлмаса табиийлик етишмай, сунъийлик сези- либ қолади. Бу билан мен ўз ишимдан ноли- моқчи эмасман. Фақат шуни таъкидлагим ке- ладики, айримлар кў- ғирчоқ театрида ишлаш осон деб, ўйлашади. Йўқ, айтишга осон, хо- лос. Чунки, томоша- бинларни, айниқса, бо- лаларни алдаб бўлмайди.

Театрда қайта-қайта роль ижро этаверсан- гиз, образ чархланиб, қиёмига етиб боравера- ди. Баъзан кўнглингиз тўлмаган саҳналарни кейинги сафар ўйлаган- нингиздек ижро эти- шингиз мумкин. Кино- да эса бундай имконият йўқ. Озгина репетиция қиласиз бўлди. Бир- икки бор суратга оли- шади. Тамом. Йиллар ўтгач, тажрибангиз ор- тиб фильмни кўрган- нингиздан кейин ўз камчиликларингизни топаверасиз.

Баъзи жойлари,таби- ийки, ёқмаслиги мум- кин. Лекин энди фур- сат ўтган бўлади. Фильм эса бир умрга қолади.

- *Навбатдаги саволим оила ҳақида, хусусан, сизнинг оилангиз ҳақида. Аёлнинг бахти қаерда тўла-тўқис бўлиши мум- кин. Оиладами ёки ижод- да?*

- Мен ўзимни бахтли инсонлар, оиламни эса бахтли оилалар қатори- га кўя оламан. Ўғлим бор, қизим бор, турмуш ўртоғим санъатсевар. Санъатимни ҳам, санъ- аткорлигимни ҳам ту- шунадиган, ижодим учун шарт-шароит яра- тиб берадиган инсон.

Ҳар ким ҳам у қайси лавозимда, қандай касб- да бўлишидан қатъи на- зар бахтини, қувончи- ни фақатгина оиласи- дан топиши мумкин. Ижоддаги муваф- фақиятларнинг дебоча- си, аслида оиладан бош- ланади, назаримда. Оиласи тинч бўлган киши самарали ижод қилиши мумкин. Ижод кўнгили хотиржамликни, осойишталикни, аъло кайфиятни талаб қила- диган сермашаққат меҳнат. Очиги, мен учун оила бирламчи, ижод иккиламчи.

- *Театрда ижро эт- ган ролларингиздан кўнглингиз тўладими? Қандай спектаклларда роль ижро этишни хоҳлайсиз?*

- Театрнинг деярли барча спектаклларида қатнашаман.

«Ўтқир тишли кучук- ча» халқ эртаклари асо- сида қўйилган спек- таклда Кучукча, «Ур, тўқмоқ»да Кампир, «Ер ости бойликлари сари» да Комила, «Олтин жў- жа»да Жўжа, «Бўғир- соқ»да бир неча роллар ижро этдим. Театрга янги келган пайтимда режиссёр Шомурод Юсупов «Қор мали-

каси»да Кампир роли- ни берганлар. Очиги менга ёқмаган. Ёш қиз бўлсам, Кампир ролида чиқаманми деб, бироз аччиғим чиққан. Шун- да Шомурод ака. «Се- заяпман, роль сизга ёқмаяпти, лекин вақти келиб хурсанд бўласиз» дегандилар. Ўшанда ҳақиқатан ҳам тушун- маган эканман, турли ёшдаги, турли характер- даги роллар ижодимни чархлаган, бир қолипга тушиб қолмаслигимни таъминлаган экан.

Бир орзуим бор-да. Кўғирчоқ театри энг ав- вало бизда - Шарқда пайдо бўлган. Ҳаттоки Навоий даврида ҳам кўғирчоқбозлар сулола- лари мавжуд бўлиб, улар жуда эъзозланган. Шу- ларга асосланиб шар- қона, миллий руҳда та- рихий кўғирчоқ-спек- такль яратилсайди, деб кўп ўйлайман.

Кароматхон билан суҳбатлашганимдан сўнг бир манзара хаё- лимда қайта-қайта жонланаверди.

Ажиб тароватли бир кўриниш. Юз-кўзларидан нур ёғилиб турган фар- риштали, саришта она- хонимиз бизга мозийдан бир эртақ сўзлаётир- лар. Қирқ кокил, қош- кўзи ўсмалигу сурмали Шарқ қизи. Эғнидаги либоси чехраси мисол ял- ял товланади. Рўпарада эса буй-баста Алпомиш келбатли бир ўғлон. Олис-олислардан янгра- ётган найнинг майин, дилтортар оҳанги ўзбе- кона спектакль бошла- нишидан дарак бермоқда...

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА суҳбатлашди.



ҲАДИСЛАРДА МАЪНАВИЙ КОМИЛИК

Пайгамбар Мухаммад алайҳиссалом ҳаёт вақтларида ўз ҳадисларини (насихат сўзларини) котибларга ёздирмаган. Расулulloҳ қошида доимо ҳозир бўлиб турган, ишончли уламолардан иборат «вахий котиблари» Куръон оятларини нозил этилган вақтнинг ўзида ёзиб олиш билан шуғулланганлар. Мана шу муқаддас оятлар билан аралашиб кетмасин, деган мақсадда Расулulloҳ ўз ҳадисларини ёзишга руҳсат бермаган, ҳадисларни фақат тинглаб, эслаб қолиб, бошқаларга айтиб бериш мумкин эди. Мана шу тариқа жуда кўп саҳобалар ҳадисларни ёдлаб, бир-бирларига, кейинчалик, пайгамбарни кўрмаган тобеъинларга ривоят қилиб, айтиб берганлар. Димишқий-Қосимий баёнига кўра, пайгамбар алайҳиссалом вафот этгач, бирин-кетин саҳобалар ҳам, тобеъинлар ҳам дунёдан ўта бошлагач, бу пайтда исломнинг нуфузи кучайиб, у жуғрофий жиҳатдан қатта ҳудудларга тарқалган ва шунингдек, ҳар хил миллий, сиёсий ихтилофлар, фикх ва калом илмидаги зиддиятлар, исломда турли-туман оқим ва мазҳаблар пайдо бўлгани сабабли, чала-чулпа, ноқис (нуқсонли) баъзан эса шахсий манфаат ёки мансаб илнжиди, амир, ҳокимларга хушомадгўйлик билдиришлар оқибатида ҳатто сохта ҳадислар ҳам эл орасида тарқала бошлади. Манбаларда қайд этилишича, бидъатчилар, худосизлар ва иймонсизлар томонидан Мухаммад пайгамбар номларидан 14 мингга яқин сохта ҳадислар тўқилиб, тарқатилган. Агар ахвол шу аянчли ҳолда давом этса, пайгамбаримизнинг ҳадислари асл ҳолда сақланиб қолмай, келгуси авлодларга ҳаққоний тўғри етиб бормаслигини англаган олимлар ва халифалик раҳбарлари ҳадисларни ишончли ровийлардан ёзиб олишдек эзгу ишга киришадилар. Убайдулла Уватоннинг маълумот беришича, мана шу хайрли ишни биринчилардан бўлиб бошлаб берган, улавийларнинг саккизинчи халифаси Умар ибн Абдул-Азиз ибн Марвон (681-720) бўлган. Пайгамбар вафотидан 80 йил ўтгач, ул зотнинг ҳадисларини ёзиб, жамлаш ишлари бошланган.

Дастлабки ҳадис тўпламлари, хали мавзу ва мазмун жиҳатидан тартибга солилмаган, саҳобалар ва тобеъинлар-

нинг сўзлари ва фатволари, изоҳлари, шарҳлари билан аралаштириб юборилган эди. Аммо, кейинроқ, бу ҳадисларнинг ҳақиқийлик даражаси турли йўллар билан аниқланиб турли тўпламлар вужудга келди.

IX аср ўрталарида ва X аср бошларида Мухаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810-870), Муслим ибн ал-Ҳажжож Найсобурий (819-874), Абу Довуд Сулаймон ас-Сижистоний (817-888), Абу Исо Мухаммад ибн Исо ат-Термизий (829-892), Аҳмад ибн Шуайб ан-Насоий (830-915), Абу Абдуллоҳ ибн Можжа (ёки ибн Божжа, 824-886) каби алломалар жаҳонга машҳур 6 ҳақиқий тўплам (ас-сихаҳ ас-ситта)ни яратдилар.

Имом ал-Бухорийнинг «Жомеъ ас-Саҳих» (ёки «Саҳих ал-Бухорий») китоби Маккаи Мукаррама, Мадинаи мунаввара, Бухорон шариф шаҳарларида 16 йил давомида ёзиб тугатилган. Бу ҳадис ва оятларга эътибор қилинса, масихийлар ва мусулмонларни ҳам ажратмай, биродар деб билиш, улар ўртасида низолар чиқармаслик зарур, деган умуминсоний хулоса келиб чиқади. Шу оятларда яна бир дин аҳли иккинчи дин аҳли устидан эмас, балки барча дин аҳллари динсиз, кофирлар устидан ғолиб келиши Ҳақ таолодан сўралади. Демак, дунёдаги барча одамларнинг қайси дин вакили эканлиги эмас, балки динсиз, диёнатсиз, эътиқодсиз эканлиги ёмон, деб хулоса қилиш мумкин.

Бадр жанги воқеаларига бағишланган бобда айтилишича, Мухаммад пайгамбарнинг жангда тушган ўлкаларга умидвор бўлиб келган ансорларга: «Хурсанд бўлингизлар, Оллоҳ таоъло муяссар қиладирган нарсага умид қилингизлар, лекин Оллоҳ таоълога қасамд қилманки, (мен) сизларнинг камбағаллашмоғингиздан эмас, бойиб кетмоғингиздан, бойликка меҳр қўймоғингиздан қўрқман. Чунки, сиздан олдинги қавмлар ҳам бойиб, бойликка меҳр қўйганидан сўнг, бойлик уларни ҳалок қилган эрди», дедилар.

Бу ҳадиси шарифдан бойликка меҳр қўйиш, хирс қўйиш одамларни маънавий жиҳатдан ҳалок қилиши, осон бойиб кетган кишилар шайтоний қибру

хавога берилиб, камтаринлик ва инсонларга ҳурмат фазилатларини йўқотиши назарда тутилади.

Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида ҳам баъзи янги бойлар «кўрмаганнинг кўргани курсин» дегандай, бойлигидан кеккайиб, одамларни менсимай қўяди. Янги масжид қурилишига миллион сўмлар сарфлаб, мактанчоклик билан обрў топишга интилади, аммо кўни-кўшниларига, ночор қариндошларига, етим-есирларга, мухтожларга хайр-эхсон қилмайдилар.

Бундайлар моддий бой бўлгани билан маънавий қашшоқ, Ватани, халқини севмайдиган, худбин, бахил одамлардир. Ислом ижтимоий идеалига кўра, бундай худбинлар, очқўз одамлар ҳозирги ва охираатдаги савоблардан бенасиб кимсалардир.

«Жомеъ ас-Саҳих» 3-жилдининг 14-бобида келтирилган ҳадислардан бирида ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ ва унинг вафотидан сўнг ҳазрати Умар ибн Хаттоб халифа бўлиб турганида фуқароларга «ростгўй, яхшилик қилгувчи, адолатли ва ҳақиқатта бўйсунувчи раҳбар» сифатида иш кўрганлари айтилади. Дастлабки исломий давлат (халифалик) даврида халқнинг ижтимоий идеали ростгўйлик, яхшилик, адолат ва ҳақиқатта бўйсунуш эканлиги очик айтилган.

«Жомеъ ас-Саҳих»даги деярли барча ҳадисларда ўрта асрларда тарқок, қабилалараро ўзаро низо, жанжаллар, уруш-қирғинлар оқибатида жоҳилият ҳукм сурган жамятнинг виждон, инсофга, ахлокий гўзалликка, яхшилик ва эзгуликка, вафо ва садоқатга, мискинларга меҳр-шафқатга чақирини асосий ўринни эгаллайди.

Имом ал-Бухорийнинг одамларни маънавий юксакликка элтувчи, ҳидоят, эзгулик йўлларини кўрсатувчи ҳақиқий, саҳих ҳадисларни тўплаб, буюк маънавий меросни авлодларга қолдириши буюк тафаккур жасоратидир.

Мухаммаджон ЖАКБАРОВ,
Наманган муҳандислик
педагогика институти доценти,
фалсафа фанлари номзоди.



ФАЛАК ОГАХИЙНИ ЭШИТАДИМИ?..

«Эй фалак, қўй йиғлама, йўқ фойда ул ой кемада...»

Эркин ВОҲИДОВ.

Шарк адабиётининг таникли вакиллари фалакдан нолиш ва норозиликни бадий намуналарини яратганлар. Улар ижодининг мазмуни бизни бу ҳақда теранроқ фикр юритишга ундайди.

Ўзбек мумтоз адабиётининг сермахсул вакиллари-дан бири Огахийнинг кўпгина шеърларида ҳам фалакдан норозилик ҳолатлари учрайди. Огахийнинг устозлари саналмиш қатор шоирлар ижодий меросларида ҳам фалакнинг махсус ўрни бор. Айниқса, Алишер Навоий ижоди бунинг ёркин далилидир.

Огахий форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима қилган «Юсуф ва Зулайхо» достонидаги алоҳида бир боб ҳам фалак ҳақида бўлиб, у шундай бошланади: «Фалак шикоятки, аждахокирдор оламга халка урғон ва хаммани ўз тасарруфига ва доирасига киргузғондур. Бировга захм ва бировга захар солғондур».

Аввалги йилларда у ёки бу ижодкорнинг фалак, чархга муносабатини таҳлил қилишда тадқиқотчилар, асосан, бир йўлдан бордилар. Биринчидан, улар фалакка нисбатан норозиликни Шарк шеърятининг ўзига хос аъёнларидан бири сифатида қабул қилсалар, иккинчидан қандай бўлмасин, шоирларнинг табиат, фалакка муносабатларини даврга, замонга, тузумга ва ижтимоий муҳитга боғлаш мақсадида турдилар. Ваҳолонки, келиб чиқиши жамиятга, одамларга боғлиқ бўлмаган машаққату қулфат, азобу укубатлар ҳам бор. Утмишда шулар ҳақида кўп ўйлаган одамлар ердаги воқеа-ҳодисалар билан ой ва юлдузларнинг ҳаракатлари ўртасидаги боғлиқликни сезганлар. Хар гал янги ойни кўрганларида, юртга тинчлик ва осойишталик тилаб дуо қилишар, янги ой ётиқ ҳолда кўринса, «Ой ўзига тинч, элга нотинч бўлади» дейишарди, бу ҳол кишиларнинг ер ва осмон ҳодисалари ўртасидаги алоқадорликни билганларидан далолат беради.

Огахий ҳам фалакдан ва чархдан норозиликни ифодаловчи кўплаб асарлар яратди. Бирок, шунини унутмаслик керакки, Огахийнинг фалакка нисбатан норозилиги шахсий ҳаёт муаммолари, можаролар туфайли бўлмасдан, балки умумнинг бошига тушган қулфат ва кайғулар туфайли пайдо бўлган хислардир. Шоир ҳаётни кузатар экан, у ёки бу одамнинг қулфати, ғами, бахтсизлиги ҳақида ўйлайди, ташвиш чекади. Одамларнинг шод-хуррам яшашини истаган шоир «Одам боласи нима учун бу қулфатларга дучор бўлиши керак?» деган саволни ўртага ташлайди. Мана шу саволнинг келиб чиқиш сабаблари баёни сифатида ўзининг фалакдан норозилигини ифодалайди.

Огахий мазкур масала устида кўп ўйлар экан, одамлар бошига тушаётган қулфатларнинг сабабларини кидиради. Дарҳақиқат, бу жуда мураккаб масаладир. Норозиликка ортиқча эрк берилса, шаккокликка ай-

ланади. Сукут сақланса, «Нега бу бечораларга шунча зулм ва қулфат?» деган савол уни тинч қўймайди. Бу муаммоларни хал қилиб берадиган одамни тополмаган Огахий қийналади.

Фалак бедодидин, вах, кимга дод айлайки, оламда Забуни бўлмаган бир кимса топилмок эмас имкон.

Огахийнинг фалакдан норозилигини кўрган баъзи кимсалар ажабланган, баъзилар бунини гуноҳкорликка йўйган бўлишлари керак. Шунинг учун шоир қуйидаги мисраларни яратди:

*Тонг эрмас чарх жавридин гар этсам нолау афғон,
Ки, йўқтур бир киши зулмидин онинг бўлмоғи нолон.
Қаю ошикки, топса лахзае роҳат висол ичра,
Қилур ул лахза они мубталойи меҳнати хижрон.*

Шоир чархнинг зулмидан жабр кўрмаган ва ҳасрат чекмаган бирон бир одам топилмаслигини таъкидлар экан, исботи учун хар соҳадан аниқ мисоллар келтиришга ҳаракат қиладики, зехн солиб ўқиган одам Огахийнинг даъволари ҳақ эканлигига ишонч ҳосил қилади. Шоир ўз фикрини ранг-баранг шеърини тимсолларда ифода этади. Масалан, шоир қуйидаги байтда майнинг сурур бахш этишини назарда тутган ҳолда май қуйиладиган идиш - жом образидан фойдаланган. Аммо бу жомда май эмас, балки шодлик бор. Қолаверса жом ҳақида фикрнинг бошқа сабаби ҳам мавжуд. Чунки ўша шодлик майи ўрнига фалак инсонга ношодлик билан қон ичирмасдан қўймайди.

*Баногоҳ хар кўнгилга даст берса шодлиғ жоми,
Онга ношодлиғ бирла ичурмай қўймағой юз қон.*

Фалак на бизнинг арзимизни эшитади, на Огахийнинг таъналаридан таъсирланади. Бунини шоир яхши билар эди. Аммо у, барибир, инсонларнинг азобланиши, ноумид бўлиб қолиши, мақсадларига эриша олмасдан бағрини қабоб қилишига бефарқ қарай олмайди, шоир ўз кўнглига буйруқ бермайди, одам фарзандларига нисбатан раҳм-шафкат ҳисси уни фалакни айблаш ва қоралашга мажбур қилади.

Мана шундай ғоялар Огахий буюк инсонпарвар шоир эканидан далолат беради.

Абдуҳаҳд ЖҲРАҲОНОВ,
Андижон давлат университети
доценти.



*Кўплаб шеърлар, ҳикоялар,
қиссалар, романлар
муаллифи - таниқли ёзувчи
Омон МУХТОР*

*«Майдон» деган янги роман ёзди.
Асарда XX асрдаги чигал инсон қисмати
қаламга олинади.*

*Асар мавзу доираси кенг эканлигига
қарамай, ривоятларга яқин, содда
услубда ёзилган.*

*Баъзи бир қахрамонлар
ўз исмида - Паноҳ, Салима деб
келтирилса, айримлари асар мазмуни
талаб қилгани учун - Мулла, Ҳаким, Қизча,
Осий, Артист дегандек, умумий шаклда келти-
рилади.*

*Романнинг бир улуши билан
танишасиз.*

МАЙДОН НОТБИРАШ

Осма-кутида чироқ ўчиши одамларни гангитиб кўйган эди!

Улар паришонланиб туришарди.

Оғир сукунат чўккан эди. Ниҳоят:

- Бизни қилган гуноҳларимиз қисди! – деди яна таъкидлаб Мулла.

- Бизда гуноҳ борми?! Бўлмаган! Бўлиши мумкин ҳам эмас! – асабийлашди Арбоб.

- Дунёда соғ одам йўқ, - гўлдиради ўзича Ҳаким.

- Виждоним ҳаққи, менга инонинглар

Ва менга инонмоқ учун

Виждонимни ҳурмат қилинглар! - деб, ёд олганини ўқиди Артист.

- Энангни эмгур! - деб кўйди Савдогар.

- Падарига лаънат! - деди негадир Аёл.

- Ёнингизда дори қолмадими?! Мен кўрқаяпман! - бу гал менга мурожаат қилди Бемор.

Мен чўнтагимдан унга ҳап олиб бердим.

- Узунга осмон яқин,

Калтага нарвон яқин! - минғирлади Дарвеш-мас-харабоз.

- Бўлди-да, ака! Нега бачканалик қиласиз, ака?! - бўғилди Арбоб.

- Э-ҳе-ҳей, - деб ҳайқирди афтидан, зериккан Бахши.

-Кемага тушганнинг жони бир! - деди эшитилар-эшитилмас, паст товушда Осий.

Шу сонияга қадар

бошқаларга нисбатан ўзини осойишта тутиб,

менинг ёнимда ўйланиб турган Адиб

кутилмаганда гапга аралашди:

- Дарвоқе, кема... Мен ҳалок бўлган кема тўғрисида китоб ёзмоқчиман!

- Нуҳ алайҳиссалом кемаларини айтаяпсизми?! - қизиқсинди Мулла.

- Йўқ, у одамларни кутқарган кема эди! Оз одам бўлса-да... - деди Адиб. - Ҳалок бўлган кема кўп. Қаердадир китобдами, газетадами, кўзим тушган эди. Эслолмапман. Қадим замонлардан бу кунгача бутун дунёдаги ҳалокатга учраган кемалар рўйхати белгилаб, келтирилган эди.

- Бу кимга керак экан?! Рўйхат! Ҳи-ҳи... Барибир, ўлган одамни тирилтириб бўлмаганидек, улардан фойда бўлмаса! - гудранди Ҳаким.

- Билмас экансиз-ку, тоға. Денгиз остида қанча жавоҳир ётади! – деди Савдогар жаҳл билан.

- Сув остидан кўтариб, уларни тузатган, тиклаган пайтлар ҳам йўқ эмас! – тушунтирди Адиб.

- Кап-катта одам... жим туриб, эшитинглар! - маслаҳат берди Қизча.

- Сиз айтаётган кема шулардан бири эканми?! - беписандроқ кўйда сўради Арбоб.

- Айтаман, – деди Адиб. - «Ясмин» деган кема! Нега бундай аташган, билмайман. У - катта, бойлик ташиганми, сиёсий жиҳатданми?! - жаҳон аҳамиятига эга эмасдир, ҳар ҳолда, қизиқиб, ҳалокатга учраганидан бўлак маълумот тополмадим... Вақтида эски бир варақадан «Ясмин» кемаси бўлганини ўқиб, ўзбекларга дахли борлигидан, излай бошлаган эдим! Сув йўли Бошқармаларига хат ёзиб, улардан жавоб олдим. Ҳалокатдан сўнг ЛИ-2 деган аэроплан, ЗИС-5, ЗИС-8, ЗИС-16 деган энгил машиналар неча бора сув билан куруқлик - денгиз устию қирғоқларда айланиб, рўй берган воқеани аниқлашга уринишган экан. Афсуски, бундан натижа чиқмабди! Яна бир Бошқармадан менга Пошшоев деган киши кема Дарғаси, Ортинов

деган киши Уста-механик бўлгани ҳақида хабар қилишди. Пошшоевнинг хотини билан Ортиновнинг болалари манзилгоҳини ёзиб ҳам юборишди. Хатда, биз бошқа ҳеч нарсани билмаймиз, дейишибди. Ишни аниқлаш учун шу одамларга мурожаат қилинг, дейишибди. Мен уларга хат ёздим. Кейин, қидириб ҳам кўрдим! Маъноси бўлмади... Лекин кема тўғрисида албатта, китоб ёзишим керак!

- Кемадаги биронта одам тирик қолганми?! - сўради пичирлаб, Аёл.

- Ким билсин...

- Ҳалокат, ҳалокат, дейсиз. Мен тушунмаяпман, - илк дафъа гап-кўйга кўшилди, чамаси четда туролмаган Бемор. - Кема бўронда синиб чўкканми ёки ўт чиқиб, ёниб чўкканми?! Нима бўлган?! Бесабаб йўқолмагандир?!

- Мен унисини билмайман, - деди Адиб. - Маълумот йўқ! Лекин айтишим мумкин... Бирми, кўпми, гуноҳга ботган одам бўлмаган кема ҳеч қачон ҳалокатга учрамайди!

- Гуноҳлари қисган! - Адибнинг фикрини эшитиб, суюнгандек бўлди Мулла.

Кейин,

осма-кутини

олдингидан минг чандон

сукунат қоплади.

Мен бир нарсани ўйладим. Назаримда, бошқалар ҳам шуни ўйлаётган эди...

Кун - жума. Ҳафтанинг охири! Одамлар одатда, эртароқ уй-уйларига ошиқадилар. Бизни зулматга кўмган бинода одам кам эканлиги аниқ! Хўп. Қайсидир қаватда осма-кутини пойлаб зардаси қайнаган битта-яримта киши, оёғига чипқон чиқмаган бўлса, зинадан тушиб ҳам кетаверади! Яна айтаверса, осмакутилар бинонинг турли бурчакларида жойлашган. Бошқа осма-кутилар бор. Улар орқали тушаётганлар бизнинг аҳволимизни билмай қолаверадилар!

Хуллас...

душанба кунигача

«карвонсарой»да биров

қандай воқеа рўй берганидан

хабардор бўлмаслиги ҳам

эҳтимолдан узоқ эмас!

Душанба кунигача

бизнинг аҳволимиз

нима кечади?!

Одамларни чорасизликка ўхшаган ҳолат

қамрай бошлаган эди!

- Гапнинг бундай тагига етмай, китоб ёзаверар экан-да ёзувчилар ҳам! - заҳарханда билан деди Арбоб. - У номаълум. Бу номаълум. Тутадиган нарса йўқ! Қахрамонлар йўқ, Бош қахрамон йўқ...

- Ҳаммаси оддий, - деди Адиб. - Тахмин бор. Хаёл бор... Қахрамонларни кўриб турибман! Бош қахрамон ҳам... - У дабдурустдан менинг оч биқинимга туртди. - Мана, Паноҳ! Мен унинг кўзи билан кемада рўй берган воқеани кўрсатмоқчиман...

Мен оғзидаги нон бўғзига тикилган одамдек, силтаниб кетдим.

Адибни ранжитмасликни истаб, МЕН ҳақимда ёзса ёзибди-да, деб, уни яхши кўриб, иш жуда-а чуқурлашибди-ку! Тиззагача келадиган ўйдим, қудуққа айлангандек... Адиб энди, ана, ҳаддидан ошиб, ҳатто МЕН билан ҳисоблашишга эринаяпти!

- Мен у кемани билмайман! - тўнғилладим дўстимнинг ёзадиган Китобига қарши эканлигимни яширмай.

- Инсон ҳамма нарсани билиши шарт эмас, - деди Адиб.

- Мен у ерда бўлмаганман! - дедим янада кескинроқ оҳангда.

- Инсон қаерда бўлиб-бўлмаганини доим билавермайди, - бўш келмади Адиб.

Бизнинг мужодаламиз ҳали давом этадигандек эди... нима билан тугаши ҳам маълум эмасди... тавба...

- Паноҳ! Паноҳ... - деди Осий олдингидан ҳам пасттовушда...

ва...

шундан сўнг...

унинг овози

анча узоқдан

эшитилаётгандек бўлди:

«Улар турли даража-тоифадаги ҳар хил хоналар-каюталарда туришса ҳамки, кунда уч марта тамадди-хонада учрашишар, бир дастурхон атрофида тўпланишарди.

Аввал жой талашиб, кейин обрў талашиб, орада совуқчилик ўтган эди! Энди ҳеч қандай муаммога ўрин қолмади. Ҳордиқ чиқариб, ўйнаб-қулиб юриш керак эди, холос. Лекин уларнинг ҳамон авзойи бузуқ эди!

Овқат пайти узуқ-юлуқ, кам гаплашишарди. Бошқа пайтлар, кема саҳни, зина ёки йўлакларда дуч келишса, бир-бирларига кўпинча саломни ҳам насия қилишар эди. Бу ерда ҳеч ким ўзини нафрат-адоватдан устун тутиб, бировга ҳурмат-илтифот кўрсатмас, буни ўйламас ҳам эди!

Мен одамларни ўзаро муносабатдаги ожизликлари учун айбламас эдим! Мен Осий эдим. Менинг гуноҳим ўзимга етарли эди.

Кема йўлга тушганидан буён негандир, у ҳалокатга учрайди, деган гап менинг хаёлимдан кетмаётган эди! Йўқ, кема дастлаб секин юзиб бораётган эди. Ҳеч нарса фалокат келаётганидан дарак бермаётган эди! Аксинча, сув офтоб нурларига чўмиб, тиниқ мавжларди. Каттақон уйдек кема ҳатто, бир жойда тўхтаб тургандек бўлиб туюлар эди... Шунга қарамасдан, икки киши ҳалокат тўғрисида ўйлар эди.

Мендан ташқари, кема Дарғасининг ҳам кўнгли хуфтон эди.

Мен кема саҳнини айланганимда, бир неча бор у ҳам бўлмасидан чиқди. Тамаки тутатиб, бир уммон, бир осмонга паришон тикилаётганини кўрдим. Мен унга чурқ этмадим. У ҳам лом-мим демади. Лекин...

биз бир-биримизга қарадик ва...

ишонмайсиз! -

бир-биримизнинг ҳалокат тўғрисида ўйлаётганимизни ҳис этдик.

Менга бу ўй қаердан келди?!

Нега бундай хаёлга бордим?!

Тушунтириб беролмайман.

Дарға-чи?!

У булутсиз осмон, тинч уммонга шунчаки назар ташлаб ҳам рўй берадиган фалокат ҳиди-нафасини туйган бўлиши мумкин. Бу - унинг касби эди!

Бундан бўлак, кемадаги ҳолат унга ёқмаётган эди. Ноҳушлик руҳи уни ёзаётгандек эди! Ахир, одамлар қовушмаётгани сабабли, кемага ажина-алвастилар ўрнашиб олгандек таассурот уйғонарди.

Икки кун шу алфозда ўтди.

Учинчи кун осмонга булут чиқди.

Мен овқатлангим келмай, кема саҳнида турган эдим. Тамаддихонадан одамлар баланд товушда гапиришаётгани эшитилди. Ким ким биландир жан-

жаллашиб, ёқавайрон бўлаётган эди.

Шу пайт...

Кема сувдан кўтарилиб - ҳаво кемасига айландими?! -

ўзи-ўзидан
қандайдир
уча бошлади.

Осмон ва уммон бирлашиб кетди.

Пастда қайсиси, тепада қайсиси?! - билиб бўлмас эди.

Кейин, манглайига болта билан уриб, қоқ иккига ажратгандек, кема парчаланиб тўзиб кетди.

Бутун-бор воқеа - шу!

Мен бир тахта бўлаги устида қолганман.

Мени Ерми, Осмонданми келиб, қачон, қандай қутқаришган?! - эслолмайман. Эслагим ҳам йўқ... Худо Ўз паноҳида сақлаган-да...

Қизиқ жойи ҳам шунда! Бошқалар фарқ бўлганида, - мен Осий Бандага Худойим нега шафқат қилди?! Мехрибонлик кўрсатди?! БУҲИКМАТнинг тагига ўйлаб, етолмайман...»

- Худонинг марҳамати даргоҳи кенг! - афтидан, йиғлаганми, титроқ товушда деди Мулла.

- Мана, излаганимни менга ҳам Худо етказди! - шукрона келтирган оҳангда деди Адиб. Кейин, мақсадга кўчиб, кўшиб кўйди. - Мен китобда барибир, сизни Паноҳ деб атайман.

- Мен Осийман, - деди Осий. - Нега Паноҳ?! Паноҳ бўлолмайман.

- Бўласиз! Ўшанда маъно аниқлашади. Ўшанда ип тўғри тортилади! - тушунтирди Адиб.

- Мумкин эмас! Сиз бу галвага мени кўшманг. Истамайман! - қайсарланди Осий. - Ҳар кимнинг ўз ўрни... Қолаверса, бизнинг кемамиз бошқа эди. «Ясмин» эмас! Денгиз эмас, биз уммонда эдик! Ўзбеклар кўп эмасди. Менга ўхшаб адашган битта-иккита бўлмаса... Бу воқеаларнинг бир-бирига дахли йўқ. Аралаштирманг! Сизга Паноҳ керак экан, Паноҳ билан гаплашаверинг.

Менинг жоним

шундоқ

ҳалқумимга келиб тикилди!

Бу қандай гап!!!

Булар мени, бошдан юлиб олган дўппидек, у ёқдан-бу ёққа иргитяптими?! Ма, ол, ушла, деб! Менинг гуноҳим нима?! Паноҳ бўлганимми?! Бугун ўзи Салимани эслаб, нега майдонга талпиндим?! Хонада ўтираверганим дуруст эмасмиди?! Ниҳоятда кайфиятим бузилди.

- Минбаъд орамиз очик, оғайни, - дедим Адибга. - Сиз ёзмайсиз. Мен ўқимайман! Сиз ёлгон ишлар экансиз... Тўғри, мен Қора денгизни кўрганман. Ҳазарни, Болтиқни кўрдим. Азовни ҳам бир бўйладим. Ўзимизда Орол қуригунича, унга ҳам кирганман. Лекин мен Ёкут ёки Япон денгизи, Тинч ёки Ҳинд уммонини кўрмаганман! «Ясмин» ёки уммондаги кемада бўлмаганман! Каттароқ кемага кам минганман. Кўпроқ бир ёки икки хонали, капалакдек кема, кейин, қанотли деган кичик кемаларда сузганман. Менинг ўзимча дунё айланиб, қилган саёҳатим шу! Умримда бирон жойда, бирон пайт, Худого шукр, ҳалокатга яқин ҳам йўламаганман...

- Менга шуниси керак-да, азизим! - озор чекмай, аксинча, мени елкамдан кучиб деди Адиб. - Ўзбек энди денгизга, уммонга чиқаётган халқ! Унга Худонинг ПАНОҲИ керак! Сиз ўзингиз исмингиз тўғрисида шундай демаганмидингиз?! Сиз ёки мен, аниқ, Паноҳ



Мусаввир Раҳима ҚУНФИРОВА.

бўлишимиз қаёқда! Биз барчамиз Осиймиз...

Адибнинг АДИБлиги доим сезилади. Гапни гиштдек териб, эсанкиратиб кўяди! Бу дунёда мабодо Аждар бўлмасанг, у билан гаплашиб, баҳсга кириш қийин. Айниқса, мендек истиҳолали, мулойим одам унга албатта, бас келолмайди!

Ҳозир ҳам Адиб, ана, мени ўзига томон яна эгилишга, ўпкамни босиб олишга мажбур қилди! Лекин шу паллада...

мен унинг бир фикрига кўшилмадим!

«Колумбда бор аламим маним!» - деган нидо...

Бизнинг аждодларимиз олдин, минг йил бурун ҳам -

денгизлар, уммонларга чиққан...

Биз фақат, ўзининг Катта Халқ эканлигини кўрсатолмаган

КАТТА ХАЛҚМиз!



Осма-кутида
шундан сўнг

қайтиб сукунат чўқди.

Одамларни чорасизликка ўхшаган ҳолат
қамраб бормоқда эди!

Шунинг баробарида, қоронғида ҳамма
пишиллаб-ухлаётгандек эди.

Бир маҳал, бошқалардан аввалроқ

Ҳаким «уйғонгандек» бўлди.

- Биродарлар! Опа-сингиллар! - деди у. - Менинг сизларга айтадиган икки оғиз гапим бор... Гиппократни эшитгансизлар. Қадимги юнон табиби. Милоддан илгари яшаб ўтган! Унинг бутун аждоди тибга хизмат қилган. Ота-боболаридан ўн олти пуштдан кейин, ўн еттинчи бўлиб, у табобатга қўл урган эди! Гиппократ сайёр-табиб эди. Дунё кезиб, сайри-сафар билан табобатни кўшиб олиб борар, дуч келган ерда одамларни муолажа қилар эди. Юнонистондан ташқари, умрининг бир қисми Лубнонда, Мисрда, Қора денгиз бўйларида кечган эди. Турли мамлакатларда юриб, бошқа халқларнинг тиб соҳасидаги билимларини ҳам ўзлаштирган эди. У, бу борада ёзилган кўп китобларни тўплаган, ўзи ҳам «Бош жароҳати»дан «Ҳикматлар»гача китоблар ёзган эди! Касалликдан кўпроқ касални даволаш керак, дерди. Яъни, ҳар бир вужуднинг ўзлиги, табиий шароит, ташқи муҳитдан келиб чиқиб, хастага умумий эмас, хос тартибда дори-дармон қилиш фойдалироқ, деб уқтирганди. Гиппократ одамларни мижозига қараб, хафақон, хушчақчақ, сержаҳл ва совуққон деган тўрт гуруҳга бўлган эди. Табобатда буни ҳисобга олиш муҳим, деб биларди. У қўли энгил жароҳ ҳам эди! Уни тиббиётнинг отаси, дейишадилар... Узоқ даромадан мурод, ҳозир беихтиёр «Гиппократ қасами»ни эсладим! Тиб оламида қаяққа борманг, - даврами, шифохонами, музейми?! - «Гиппократ қасами» рўпарангиздан чиқади. Гўёки барча, бу қасамга риоя қиладигандек. Ҳолбуки, тиб ходимларнинг саксон фоизи на Гиппократни, на унинг қасамини билади! Аслида, бу қасам Гиппократники ҳам эмас. Анча олдин Мисрда яратилган. «Табиб айниқса, юксак ахлоқли бўлишга мажбур!» деган гап. Ўз эътиқодимизга кўра буни «Худодан кўрк! Диёнатли бўл!»- деб айтишимиз ҳам мумкин... Қисқаси, менинг умрим ҳар нарсага қасамёд қилиш расм бўлган замонда ўтди...

Болалар қасам ичади.

Йигит-қизлар қасам ичади.

Кексалар қасам ичади.

Қасамбозлик,

кейин - ...

қасамхўрлик!

Мен қасамга ўргандим.

Лекин Гиппократ истаган табиб менадан чиқмади.

Умуман, менинг исми Ҳаким, холос. Менинг ҲАКИМлигимдан йиллар давомида бировга зиён тегса теккандир, наф теккани йўқ! Энди умр шами сўняпти... Мен бир сирни биламан. Ўзим билан олиб кетмаслигим керак! Сизларга қолдираман. Шоҳсуяк, деган нарса. Олтинга ўхшаган сариқ. Беш минг-ўн минг кўйдан биттасида бўлади! Ярим коса шўрвасини ичган киши баданидаги ҳар қандай дард-ғубор кетади. Саксон ёшли қария йигирма ёшли йигитга айланади. Албатта, уни топиш қийин. Лекин мен эски табиблардан эшитганман. Кимдир аниқласа, менинг одамлар олдида хизматим шу...

Ҳакимнинг кўнгул розини бошқалар қандай тушуниб, қандай қабул қилди?! - билмайман, шахсан мен қизиқ ҳолатни туйдим.

Бир томонда - шоҳсуяк!

Иккинчи томонда - видео оҳанги!

Гап шундаки, осма-кутида биров юраги дош бермай, жон таслим қилиши ҳам мумкин эди. Гарчи оддий «қамалиш» бўлса-да, узоқ муддат ҳамманинг бунга чидаши қийин эканлиги кўриниб турарди. Умуман, аввалдан умид-умидсизлик биз билан бирга осма-кутига кириб олган эди. Булар иккиси курашар, бизнинг қисматимиз булардан қай бири жангда ғолиб келишига боғлиқдек эди! Мулланинг илтижоси, кейин ҳалок бўлган кемалар тўғрисидаги ҳикоя пайтидаёқ видео оҳанги узоқдан кулоққа чалинган, мана, энди ўз-ўзидан авж пардага кўтарила бошлаган эди. Шунинг баробарида, одамлар қони-жонидаги ҳаётга муҳаббатми,

сабр-тоқатми?! - бу оҳанг очиқ, баралла янграшига ҳозирча монелик кўрсатмоқда эди! Ҳеч кимнинг юрагида ҳали умид шуъласи сўнмаган эди...

Менинг ёнимдагилардан бири қисқа-қисқа йўталди.

Диққат қилдим. Бемор экан.

Шу дамда у, мен кўрқаяпман, дейишини кутаётган эдим...

- Мен жудаям қийналиб кетдим, - деди. Энди яна дори сўрармикан, деб чўнтагимга қўл суққан эдим, - чекким келяпти! Икки соатдан буён чидайман! - деди. Чўнтагида дори сингари балки, тамаки ҳам йўқдир, деб ўйлаётган эдим, - ёмон ўрганиб қолганман. Қўлим чўнтагимга боргани-борган! - деди. - Кўрқманглар, чекмайман, албатта! Ўзи ҳаво етишмаяпти. Ман ҳам қилинган! Бу ерда, бу қоронғида чекиш, айниқса, хавфли. Худо кўрсатмасин, ўт чиқса... - У бир лаҳза бўғиқ йўталди.

- Мен касалхонада кўп ётганман, - деди шундан кейин. - Ҳамма жойда одамлар даражаси қандай бўлса, тиб ходимлари ҳам шу! Улардан ўпкаламаслик керак... Сиз, Ҳаким, ўзингизни ҳам, уларни ҳам айблананг! Лекин яхши гапирдингиз... Оғир ётган одам билади. Шифокорлар баъзан сенга жонини беради! Қуйи табақа хизматчиларни айтинг. Оддий ҳамширалар, энагалар, ёш болага айланганинда, сени худди опичиб, кўтариб юришади! Шариатда шарм йўқ, дегандек одамни эркак ва аёлга ажратиб ҳам ўтиришмайди. Ярим тунларда югуриб қолишгани... Касал келиб-кетаверади. Қанча одам! Ҳар хил одам! Буларнинг бари билан муросада бўлиш осон, деб ўйлайсизми?! Ана, биттаси махсус хона, махсус шароит талаб қилиб, катта-кичикнинг гирибонидан тутуди! Ана, бошқаси ҳеч қандай интизомга бўйсунмайди. Юқоридан келади. Пастдан келади... Ана, охири марта ётганим эди. Касалхона эшигига: «Шахсий ашёларингизга эҳтиёт бўлинг. Йўқолса, жавобгар эмасмиз!» - деб ёзиб қўйилган. Шунга қарамасдан, бириси ўйнаб юрган машина калитини йўқотибди. Ҳамма ўғри! Ҳамма муттаҳам! Бўлди тўполон! Даволанишга келган одамга бало борми, машина калитини қўлда ўйнаб юришга?! Машинанг билан қўшмозор бўл! Ётган ўрнимда нарса йўқолгани жанжалини эшитиб, ҳол-беҳол, судралиб йўлакка чиқдим. Бечора фаррош, ҳамшира, энага аёллар кўзидаги ёшни кўриб, шундай ғазабландимки... - Унинг овози бирдан пасайди. - Мен кўрқаяпман! Мингта касалим бор. Жоним омонат. Истаган пайт портлаб кетишим ҳеч гап эмас... Биз бу ердан чиқиб кетамиз. Мен ишонаман! Биргина киши бўлса ҳам, ҳамманинг номидан чиқиб кетади. Мен сезиб турибман! Ўша узоқ яшайди. Шоҳсуякни топади... Лекин илтимос. Агар менга бирон қор-ҳол рўй берса, сизлардан ўтинаман, мени ташлаб кетманглар!

САИД АҲМАД РАССОМ БЎЛИШИ МУМКИН ЭДИ

1946-1948 йилларда Саид Аҳмад билан Омонулла Файзуллаев «Кизил Ўзбекистон» (хозирги «Ўзбекистон овози») газетаси муҳарририятида бирга ишлаган. Саид Аҳмад адабиёт бўлимида, Омонулла Файзуллаев фан бўлимида хизмат қилсалар ҳам, ўтирадиган жойлари бир хонада - 34-хонада бўлган.

Ундан 45 йил ўтганидан кейин Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, Беруний номидаги Давлат мукофотининг лауреати, фалсафа фанлари доктори, профессор Омонулла Файзуллаев шу газетанинг 75 йиллик юбилейи муносабати билан «Газета - давр муҳри» номли мақоласида ўз хотираларида жумладан шундай ёзди: «1948 йили Ўзувчилар союзида Саид Аҳмаднинг ижодига бағишланган йиғилиш бўлиб ўтди (28 ёшда эди ўзувчи). Маърузани Шароф Рашидов қилди. Ўзувчилар союзининг раиси Ойбек ўз сўзида шундай деди: «Бундан бир неча йил илгари бир бола келиб юрарди союзга. Биз, шу бола бориб-бориб ё улуг рассом бўлади ёки зўр фотограф бўлади, ёки буюк ўзувчи бўлади, деб ўйлар эдик. Ўйлаганимиз рост бўлиб чиқди - Саид Аҳмад мана, бугун шундай ўзувчи». Шумажлис жамоаси орасида Мирмуҳсин, Саида Зуннунова (хали Саид Аҳмад билан турмуш қуришмаган эди), Обид Акрамхўжаевлар ҳам бор эдилар» («Ўзбекистон овози», 1993 йил 5 май).

Буюк ўзувчи Ойбекнинг юқорида келтириб ўтилган гапидаги учта фикрига эътибор бермоқчимиз: 1) Саид Аҳмадга 28 ёшида берилган юксак баҳо; 2) Саид Аҳмад зўр фотограф бўлиши ҳам мумкин эди. Профессор О.Файзуллаев ўша мақоласида яна шундай деб ёзган эди: «Давр факат салбий воқеалардангина иборат бўлавермайди, ота-боболаримизнинг меҳнат изларини ўчириб ташлаш мумкин эмас. Шу жихатдан ўттинчи йилларни, масалан, «Биринчилар» даври дейиш ҳам мумкин, кашшофлар деб айтидиганимиз кўп соҳаларда кўрина бошлади. Биринчи фан доктори... Биринчи халқ артисти... Ёш фотографларнинг илк сувратларининг рўзномаларда босилишлари («Саид Аҳмад фотоси», «Жалол Махсум фотоси», «Кўчкор фотоси»). Рўзномаларда «биринчилар» кўп учраб турар эди». Ҳа, Саид Аҳмад 15-16 ёшларида машҳур фотограф эди; 3) Саид Аҳмад «улуг рассом» бўлиши мумкин эди, агар ўзувчи бўлмаганида. Саид Аҳмаднинг рассомлигига мисол тариқасида 1947 йили 12 майда ўша 34-хонада қаршисида ўтирган Омонулла Файзуллаевнинг чизилган расмини кўрсатиш мумкин. Қуни кеча бу расмга кўз ташлаган профессор Қ.Хоназаров рассомнинг ким эканлигини билмаган ҳолда, чизикларнинг шундай чизилиши хусусиятига қараб бундай чизикларни факат истеъодли рассом чизиши мумкин деди. Демак, Ойбек домла ўша вақтда тўғри айтган эканлар.



Шарк мумтоз адабиётида услубий яқинликка интилиш ходисаси кучли анъаналардан бири ҳисобланган. Истеъдодли адабий мухитда эътироф этилган ижодкорларнинг бадийи жихатдан юксак асарларига эргашиб жавоб ёзиш кенг анъана бўлган. Ҳазратулло Нусратулло Жумахўжа «Муайян асар заминиде янги асар ижод этиш Шарк бадийиётида махсус усул, санъат саналган» деб ёзади.

Шу маънода ижодий ҳамкорлик ҳамда адабий анъананинг гултожи саналмиш татаббуъ яратиб А.Навоийдан олдин ҳам мавжуд бўлиб, бу анъана Навоий даврида юксак чўққига кўтарилди. XV асрнинг биринчи ярмида яшаб ўтган туркигўй шоирлар адабиётимиз ва умуман, маданиятимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшганликлари, хусусида, Алишер Навоий ижодининг юксалиши ва умуминсоний мохият касб этишида ушбу шоирларнинг баракали таъсир кўрсата олганликларини тадқиқотчи Сайфиддин Рафиддинов ўзининг Атоий ижоди би-

Ўзбек ғазалчилиги тараққиёти тақомилида Лутфийнинг улкан хизматларини шарқшунос олим Е.Н.Бертельс ҳам биринчилардан бўлиб таъкидлайди. Хуллас, Лутфийнинг бош ижодий мероси ўз давридаёқ ва ундан кейин ҳам адабиёт ахлининг диққат марказида бўлиб келган. Унинг «Устина» радифли ғазалига жавоб сифатида ёзилган Султон Хусайнийнинг шу радифдаги татаббуъ ғазалларидаги айрим бир образларни тахлилга тортиб, татаббуъ адабий анъананинг гултожиси эканлигини исботлашга ҳаракат қиламиз. Лутфий ғазали шарқона шеърят анъанасига мувофиқ ёр васфи билан бошланади:

*Эй қаддинг тубии жаннат хатти гулгун
устина,
Кўрмади даврон сенингдек ой гардун устина.*

*Бўлди сузум нозикун кўнглум хушу
таъбим латиф,
Ҳар қачон солдим назар ул шакли
мавзун устина.*

лан лиммо-лимдир. Ёки: Лутфий ўз фардларидан бирида ошиқ холатини янада ёркинроқ ифодалаб, «Кўзум тўймас неча хусунгга боқсам» дейди. Фикримизни янада аниқроқ ифодалаш учун яна ҳазрат Навоийга мурожаат қиламиз. «Махбубул қуллуб» да «Маъшук хусндан иборатдир...» дейилган хулоса мавжуд. Тасаввуф таълимотидан маълумки, илохий хусн ёлғиз Аллохнинг ўзигагина хос бўлиб, оламни яратибдан мақсад ҳам инсонни яратиб эди. Яратувчининг ўзи барча яратганлари ичида Ҳазрати Инсонни энг мукамал этиб яратди. Янада аниқроқ қилиб айтганда сарвари олам бўлмиш инсонда Аллох ўз хусни нурини акс эттирди. Ҳатто «Қуръони карим» да «Аллох осмонлар ва ернинг нуридир» («Нур» сураси, 35-оят) дейилади. Бирок нур Аллохнинг сифати эмас, балки илохий ҳақиқатнинг акс этишидир. Буни Мавлоно Лутфий «нури худо» деб атайди. Шунинг учун ҳам инсон ўз яратганига умр бўйи ошиқдир.

МУЪЖИЗОТ



лан боғлиқ ишида ўринли кўрсатиб ўтади. Жумладан, Лутфий ижодига эргашиб, ундан илҳомланган замондошлардан бири «шеъри атроқ (турклар) орасида кўп шухрат топган» (Навоий) шоирлардан бири Атоий эди. Унинг татаббуъ асарлари орасида «етилибсен» радифли ғазали алоҳида қимматга эга. Мазкур ғазал Мавлоно Лутфийнинг худди шундай радиф ва қофиядаги асарига татаббуъ сифатида ёзилди. Мазкур ғазалларнинг қисқача қиёсий тахлили ёш тадқиқотчи Мавлонберди Суёновнинг Тошкент шаҳрида ўтказилган ёш олимлар анжуманидаги маърузасида ўзининг мухтасар ифодасини топган.

Ўзбек мумтоз адабиётида талантили туркигўй шоирлардан бири, ўз даври адабий мухитида «маликул калом» деб эътироф этилган шоир Мавлоно Лутфий эди. У том маънодаги катта истеъдод эгаси эканлиги билан замондошлари орасида «туркийда шухрати кўпрак» деган юксак номга мушарраф бўлгани учун ҳам алоҳида ажралиб туради. Шунинг учун бўлса керак Алишер Навоий ва Заҳриддин Бобурлар Лутфий ижодига юксак баҳо берадилар.

Мунаққид Иброҳим Ҳаққулов Лутфий ижоди ҳақида тўхталганда уни ижодий маънода «восиф шоир» дейди. Дарҳақиқат, зукко олимнинг бундай хулосага қилишининг маълум мантаний асослари мавжуд. Зеро, Лутфийнинг ўз ғазалларидан бирида «Дилбар жамоли васфида қамоли бор» лигини таъкидлаган эди. Шоир наздида ёрнинг қаддиқомати «тубии жаннат» яъни, жаннат дарахтидек кўркем ва зебо бўлса, ёноклари ўзига хос гулгунлик касб этган. Гўё дунёда бундай махвашни кўриш ҳеч қимга насиб этмаган. Ҳар гал гўзал маъшук «шакли мавзун»га назар солиш ошиқ учун шунчалик фараҳли ҳамда катта бахт. Чунки бундай пок назар киши руҳиятига ўзига хос хушқайфиятни тугдиради. Бу ошиқ сўзларини нозик, кўнглини шоду хуррам, таъбини эса латиф ва гўзал бўлишига асос бўлиб хизмат қилади. Ҳамма гап ошиқ назарининг қай даражада эканлигига боғлиқ. Ушбу тасвир нуктасида улур Навоийнинг қуйидаги «Ким назар пок айлагач, айни ҳақиқатдир мажоз» деган сўзлари эсга тушади. Демак, кимнинг назари пок экан, унинг бутун вужуди ана шу поклик би-

Аллохни излаш учун инсон энг аввал ўзини излаши, кўнглини, ўзини, ўзлигини англамоғи шарт. Шоир Лутфийнинг Ҳақ нуридан баҳраманд бўлган лирик қахрамони нималар дейди:

*Юзунга боқса имон нури зоҳир,
Кўзунга боқса, Хайбар қофирисен.*

Имон нури исломда сидқ, яъни ростгўйликни ифодаласа, тасаввуфда эса, ҳаққа интилишни англатади. Зеро, имон ҳам ҳақ нуридан вужудга келган. Лутфий тасвиридаги махбубанинг гўзаллиги «нури худо» ёки «имон нури»дан яралганлиги учун ҳам ошиқ қалбига ўт солаверади. Дарвоқе, унинг юзида имон нури зоҳир экан, унинг сифатида ҳам имон уйининг устунлари хаё, вафо, саховат (Навоий) каби башарий фазилатлар жамулжамдир. Бу эса қомил инсонликни кўрсатувчи хусусиятлар дейишга асос тугдиради.

Бахтиёр ФАЙЗУЛЛАЕВ.



НАВОИЙГА ЭРГАШИШ ҲАМ ЭТИШНИНГ ШОИРЛАРИ

Бухоролик тазкиранавис Ҳасанхожа Нисорийнинг таърифича, «Шаккар сочучи табъ тўтиси бор» Байрамхон хони хонон Ҳиндистонда Бобур иштирокидаги адабий мажлислар муҳити ва руҳида вояга етган илк маҳаллий туркигўй шоирлардан бирidir. Юқорида бу сўз санъаткорининг ижодий камолига берилган қисқа, лекин юксак баҳонинг салмоғига етмоқ учун Ниҳавандий ҳамда Мирза Ҳайдар каби ҳинд муаллифларининг асарларига мурожаат этишнинг ўзи кифоя. Боз устига адибнинг саройдаги тугган мавқеси, ерлик шуарога нисбатан ҳомийлиги, шунингдек, ички ва ташқи адабий алоқалар марказида туриб Эрон ва Мовароуннаҳр адабий жараёнидан бохабар бўлганлиги, унга ўз замонасининг пешқадам қалам соҳиблари билан бевосита ижодий ҳамкорликда улар қуйлаган мавзуларни ўзига хос «байрамона» мадҳ этиш имконини берди. Аслини олганда бу ижодий анъана Ҳиндистон туркигўй шоирларига Алишер Навоий давридан русум бўлганди. Навоийнинг «Ҳамсат-ул мутаҳаййирин» асарида кўрсатилишича, унинг «Кошки» радифли ғазали эл орасида шуҳрат тугган ва Жомий ҳам бу радифда Навоийга эргашиб шеър айтган экан. Демак, Абдурахмон Жомий, Ҳусайн Бойқаро, Бадриддин Ҳилолий ва Бобурдек устод шоирлар даврасида машҳур ва манзур бўлган Навоийнинг ушбу ғазали Байрамхонни ҳам янги бир шеър ёзишга илҳомлантирган. Шу боис ҳинд ўлкасида ҳазрат Навоий руҳи поки шод этилган:

*Ёр дарди жони беморимда бўлғай, кошки,
Жисми озори тани зоримда бўлғай, кошки.
Гул юзунг кўргунча ранж осибидин бетоб ранг,
Юз тикан бу чашми хунборимда бўлғай, кошки...
...Байрам ул ойнинг ҳар озори ҳаётедур манга,
То тирикмен банди озоримда бўлғай, кошки.*

Байрамхон тил ва жанр масаласида ниҳоятда кенг қўламли шоирдир. Покистонлик олим

Муҳаммад Ҳасан Сиддиқий хабар беришича, у форс, туркий тиллардан ташқари ҳиндийда ҳам қалам тебратган. Адиб, яна шунингдек, шеърятда қатор мумтоз сўз санъаткорлари асарларига ўзи «дахлия» деб атаган - ички қўшма мисралар киритиш каби услубни ҳам устаси бўлган. Худди шу мавзуда адабиётшунос олим Р.Иномхўжаев маълумотида «дахлия»га оид қўшимча «киритмалар, мисралар ёки байт ҳисобига эмас, балки у ёки бу шоир шеърлари мазмунига ҳеч қандай ўзгартиш киритилмаган ҳолда асар таркибида ўзига хос бир тахрир сифатида муносиб топилган сўзлар киритилиб, шу билан шоир наздида байтларни яна ҳам тушунишга қулайлаштириб, маъно янада ойдинлаштирилган».

Энди «дахлия»нинг луғавий маъносига келсак, форс тилида дахлдорлик, алоқадорлик, киритиш тушунчасини билдирувчи ушбу сўз ҳинд ва урду тиллари луғатида ҳам кенг қўлланилади.

Байрамхондан кейинги йирик шоирлардан бири - туркийда Навоийга етишни орзу қилган, Ҳиндистон туркийзабон шеърятни бўстонида ўз гулу гулшани, боғу баҳорини барпо этган шоирлардан бири Комрон Мирзодир.

Шоир қуйидаги тўртликда ёр жамолини табиатнинг мўъжизакор гўзаллигига муқояса қилади:

*Гулшанда саҳар вақти мен эрдиму жононим,
Гулдек юзи шавқидан булбул киби афгоним.
Эй субҳ, нафас урма даме, меҳр тулуъ этма
Ким, бу кеча меҳмондур ул шамъи шабистоним.*

Комрон «туркийда Навоийга етса»гина маҳбуби суҳандони шеърига қулоқ солишига умид қилади. Лекин шоир амалда бунинг илож-имкони йўқлигини ҳам яхши билади. Аммо у шунда ҳам ўз мурод-мақсадидан воз кечмай, севган дилни сўнгги нафасгача тарк этмас умид учқуни билан қолажани биргина иборага мужассамлайди - «не ажаб»!

*Туркийда Навоийга етсам, не ажаб ғозий,
Шеъримга қулоқ солса маҳбуби сухандоним.*

Ғазал, сюжет талқинининг бойлиги ва композицион тузилишининг мураккаблиги билан «ҳинд услуби»га яқин туради. Пировардида шоир танлаган мавзу мустақил равишда икки йўналишда ривожланиб, сўнг улар бир мақсад ипига боғланади: бир ёқдан муҳаббатнинг мўъжизакор кучи ошиқ шоирни ҳатто «туркийда Навоийга етиш»га чорлаб илҳомлантирса, бошқа ёқдан, шу орзу-ҳавасини ўз шайдоси кўнглига сола билган маъшуқанинг Навоий зикри орқали туркий назмдаги идроки-ю, истеъдодига таҳсин ўқилади. Мақтаъ эса, ҳар иккала тарафнинг севгига муносабати юзасидан чиқариладиган хулосани ғазалхоннинг ўзига ҳавола қилиниб, шу йўла ишқ ва шеърятнинг муштараклиги улуғланади.

Комрон поэтикасидаги бундай «мураккабликлар» беихтиёр ҳамон фанда турли нуқтаи назарларга сабаб бўлиб келаётган «ҳинд услуби»га хос айрим таркибий тақозоларни эслатади. Гарчи бу жабҳада Ғарб ва Шарқ олимлари тадқиқот натижаларини тугал ҳамда яқдил деб бўлмаса-да, улар масаланинг моҳиятини чуқурроқ тасаввур қилишда принципаал аҳамиятга эга. Масалан, академик Ян Рижко «сабки ҳиндий» шеърини услуби XV аср охирига бориб Ҳиндистонда кенг тарқалганлиги учун ҳам шундай ном олган, ваҳоланки, ундан асосан форсийзабон шоирлар фойдаланганлар. Мазкур услубдаги дабдаба ва ҳавоийлик Ҳиротдан қолган бўлиб, уни «ҳинд услуби» оби-тобига етказган. Унда ёзилган шеърлар ўз мазмунини, сўз ўйинини билан бамисоли чалкаш йўлакдек йўл - муаммонинг ўзгинаси. Эронлик олим Ризозода Шафақ эса «сабки ҳиндий»ни «чалкаш аллегорик сюжетли, керагидан ортиқ даражада тавиялаштирилган услуб» деб характерлайди. Яна баъзиларнинг таъкидлашича, «ҳинд услуби»га Ҳусайн Бойқаро саройида Абдурахмон Жомий томонидан асос солиниб, кейинчалик, у Буюк Бобурийлар даврига келиб Ҳиндистонда ўз давомчиларини топган. Ушбу услуб устида махсус тадқиқот олиб борган З.Г.Ризаев хулосасига кўра «ҳинд услуби» бевосита Навоий таъсири ва пантеистик қарашлари туфайли яратилган ва бу услуб Ҳиндистонга келган ўз тарафдорлари томонидан XVI асрнинг иккинчи ярмида ўзининг баланд чўққисига кўтарилган». Олим бошқа тиллар қатори ўзбек тилида ҳам «ҳинд услуби»да ғазаллар ёзилганини таъкидлайди. Модомики, ушбу услубни равақ топишида ҳиндистонлик қаламкашлар жонбозлик кўрсатган эканлар, зуллисонайн Комрон ижоди ҳам бу жараёндан мустасно эмас.

Умуман ташбеҳ ва шеърятга хос бошқа санъатлар ва афсонавий лирик қаҳрамонлар образини

мумтоз ўзбек адабиёти вакилларининг «мухориж» ворислари ижодида намоён бўлиши, Ҳиндистон туркийзабон назми бадииятининг тантанаси эди. Бунга жонли мисоллар кўп. Масалан, Комрон шеърятгида наинки санъатлар, балки бевосита Навоийдан тазмин олинган ҳолларни ҳам гувоҳи бўламиз:

*Висол муждасини еткуруб, карам айлаб,
«Вафога ваъда қилиб, ваъдага вафо қилсанг».*

Буюк Бобурийлар даври «ҳинд-мусулмон маданияти»даги ғоявий яқдиллик, ижодий ҳамкорликнинг жонкуяри, турк, форс, араб, урду, ҳинд тиллари ва адабиётининг билимдони Абдурахим хони хонон ҳам Навоийни ўзига устоз билган шоирлардан эди. Ҳинд манбаларида «Раҳим» тахаллуси билан бражда қалам сурган шоир ниҳоятда эркин фикрли, маҳаллий расм-русумларга чуқур ҳурмат билан қаровчи ҳоким сифатида қайд қилинади. Насл-насаби туркманларнинг Қорақуюн қабиласига мансуб Абдурахим хони хонон 1556 йили 16 декабрда Лоҳур шаҳрида таваллуд топган. У Акбаршоҳ ҳукмронлиги йиллари нуфузли маҳкамаларда ишлаб, сидқидил хизматлари эвазига аввал «Мирзахон», кейин 1584 йили «хони хонон» унвони билан тақдирланган. Фикримизча, «Навоий олдида бош эгган» шоирлар кўп тилли адабиёт меросини излаб топиб, уни ўрганиш ва фанга тадбиқ этиш, Марказий Осиё ва Ҳиндистон халқлари адабиётида янги бир саҳифа бўлиб ўрин олишига шубҳа йўқ. Зеро Байрамхон «Раҳим» тахаллуси билан мўъжаз, лекин чуқур фалсафий тафаккурга йўғрилган браж тилидаги ўз «доҳа» - фардларида Навоий асарларига хос ҳаёт ҳикматлари ва Ҳиндистон «Садоқат» адабиётидаги афоризмлар руҳидаги муштарак ғояларни илгари сурганлигини кузатамиз:

*Каттани катта дебон кечма Раҳим кичикдан,
Игна қилган ишни асло кутмагин сен қиличдан.*

*Не деса Хожанг дегил «хўп», кеча-кундуз «йўқ» дема,
Тун деса кунни агар, осмонда юлдуз йўқ дема.*

Хуллас, ҳинд заминиде туркий сўз мулки султони Алишер Навоийнинг адабий меросидан баҳраманд шоирларнинг сермаҳсул ижодиёти ва бобокалонимиз қўлёзма асарлари нусхаларини мана неча асрлар оша кўз қорачиғидек сақланиб келинаётганлиги, Навоий даҳосининг оламшумул эканлигидан далолатдир.

Нажмиддин НИЗОМИДДИНОВ,
филология фанлари номзоди.

Машраб шеъриятининг
ғоявий оламида инсон-
парварлик энг юксак
ўринда туради. Маш-
раб «Анал-ҳақ» - «Мён – худоман»
таълимотини яратган Мансури
Ҳаллож йўлидан бориб, инсон
мартабасини Илоҳ даражасида
юқори кўтарган адабий сиймодир.
Машрабнинг инсонга муҳаббати
умумбашарий моҳиятга эга.

*Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар
башардин сен,
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар
Кабба бузулмазму?*

Жаҳонгашта Машрабнинг дунё-
қарашича, ҳар бир инсоннинг дил
олами тавоф этишга, эъзозлашга
сазovor. Чунки Тангри жамики
мавжудот ичра энг мукаррам зот
деб инсонни яратган. Ўзидаги энг
ғўзал фазилатларни унда мужас-
самлаштирган. Инсон дилида
Ўзига нисбатан оташин муҳаббат
уйғотган. Бинобарин, одамзод
юрагида Аллоҳ муҳаббати мавжуд
экан, У Каъба сингари муқад-дас,
муборақдир. Одамнинг дил ола-
мига кириш Каъбани зиёрат этиш-
дек савоб. Одамнинг дилини
оғритиш Каъбани вайрон этиш-
дек гуноҳи азим. Машрабнинг ин-
сонпарварлик нуқтаи назарича,
инсонни севиш Аллоҳга муҳаббат
боғлаш, инсоний камолотга эри-
шиш Ҳақнинг сифатларини ҳосил
қилиш, ҳақиқатга етишиш билан
баробар:

*Азалдан мен дили ғамгин халойиқ
хайлини севдим.*

Нима учун шоир дили ғамгин
халойиқни севади? Чунки ғамгин-
лик ҳам ижобий инсоний фазил-
латлардандир. Асли, ғамли, дард-
ли одам имонли, эътиқодли,
мақсадли, маслакки кишилар тои-
фасига мансуб. Дили ғамгин хал-
лойиқ фақат ўз ғамидан эмас, ўзга-
лар ғамидан ҳам қайғуради. Аксар-
ият ғамсиз одамлар эса ҳеч нар-
са ҳақида қайғурмайдиган, дард
чекмайдиган, лоқайд ва бефарқ
бўладилар. Ғамсиз дилга ишқ-
муҳаббат ҳам ошён курмайди.
Зотан, «Дард чекмак, ашк тўкмак
ишқ элига хосдур». Ўз ғамига эга
бўлмаган одам ўзгалар ғамини
емайди. Ғам чекмайдиган одам-
нинг халқ ғамидан ҳам ғами
бўлмайди. Шунинг учун Алишер
Навоий «Одами эрсанг, демагил

МАШРАБ ҲАММА ЗАМОНДА

ИСЁНДИР

**Нусратулло
АТОУЛЛО ЁҒЛИ
ЖУМАХЎЖА**

одами, Оники йўқ халқ ғамидин
ғами» дея халқ ғамини емайди-
ганлар одамийликдан йироқ экан-
лигини таъкидлайди. Бобораҳим
Машраб эса бундай тоифали ки-
шиларни «Дилда дардинг бўлмаса,
дарди сиримни ковлама!» дея рад
этади.

Бундай сатрларда Машраб халқ
дардини, Ватан дардини, дину
диёнат, ҳақ ва ҳақиқат дардини
назарда тутди. Шоирнинг дард-
парвар руҳида халқпарварлик
ғоялари етилади:

*Муҳаббат дардида оввора бўлган
халқни кўрдим,
Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган
халқни кўрдим,
Тани дарду аламдан ёра бўлган
халқни кўрдим,
Дили тиги ситамдан пора
бўлган халқни кўрдим,
Зулм тугён этибдур - ҳар бириси
беҳабар танҳо.*

Халқнинг дардига малҳам
бўлиш Машраб халқпарварлиги-
нинг бош муддаосидир:

*Мақоми қурбат ўтига агар кирсанг
- ҳузур топсанг,
Ўзунг захроба ютгил, халқни
комига шаккар тут.*

Инсоннинг маънавий оламини
бойитиш, имони бутлигига нажот
бериш Машраб халқпарвар-
лигининг хос хусусиятларидандир:

*Имонинг шамъини равшангаридур
ҳамдами қобил,
Кўлингдан келса, доим яхши
халқларни биродар тут.*

Машраб айтмоқчи, инсоннинг
имонли бўлиши, имонни умрбод
саломат сақлаши унинг ҳамдам-
лари, ҳаммаслак дўстларига ҳам
боғлиқ. Қобил дўстлар имон
шамъи равшанроқ ёнишига хиз-
мат қилади. Шунинг учун Машраб
доимо яхши дўстларни биродар
тутишни маслаҳат беради.

Донишманд шоирнинг инсон-
парварлик ва халқпарварлик
ғоялари одамгарчилик тўғрисида-
ги панду насиҳатларида ҳам му-
жассам. Шоир маънавий-ахлоқий
етук инсонда камтаринлик, хоки-
сорлик, дардмандлик каби олий
фазилатларни кўришни истайди:

*Бошинг гардунга етса, бўлмагил
зинҳор хурсанде,*

Ўзунгни ҳар хасу хошокдин, эй
банда, камтар тут.

Машраб дунёқарашича, маънавий камолотга талабгор одам, ҳар қанча улуғ мартабаларга кўтарилмасин, мағрурланиб кетмаслиги, ўзини ер юзини қоплаган хасу хашакдан ҳам камтар тупроқ билан тенг тутиши лозим.

Нафсга қарши кураш, уни мағлуб этишга интилиш тасаввуф аҳли ахлоқининг асосий хусусиятларидан бўлган. Нафсу ҳирсу ҳаваснинг хуружи ҳамиша маънавий поклик ва мукамалликка раҳна солиб келган. Шу боисдан Машраб ўз шеърятисида нафсу ҳирсу ҳавасдан покланишга, сақланишга қайта-қайта даъват этади.

Жамиятнинг ҳамма устунлари нафсга берилган бир вазиятда бир шоир нафсга қарши аёвсиз кураш эълон қилса, у албатта, ҳукмфармо доираларга ёқмаслиги, кувғин-қатагонга учраши тайин. Машрабнинг нурли, айни пайтда, фоже қисматида мана шундай қарама-қарши нуқтаи назар сабаб бўлган.

Машраб ижодиётида ишқ мадҳи мўътабар мартабада туради. Шоир ишқни имон белгиси, имон гарови янглиғ улуғлайди:

Қайси таниш ишқи йўқ бўлса, они
имони йўқ,
Ҳар кишини дарди гар бўлса,
они қурбониман.

Машрабнинг ошиқона ва шоирона салобати унинг еру осмонни ўртовчи наъравор охларида муҷассамдур. Бирор шоир оҳ тасвирини Машраб сингари ҳадди аълосига етказа олмаган бўлса керак:

Ғам шони фироқингда кабоб
этти фалакни
Оҳи саҳарим, хоҳи инон, хоҳи
инонма.

Шоир шунақанги муболаға манзара тасвирини яратганки, уни ҳаёлотга, тасаввурга сиғдириш қийин. Хоҳи ишонинг, хоҳи ишонманг, ошиқнинг саҳарлаб чеккан оҳи шу қадар кучлики, у яшин тезлигида фалакка кўтарилади, фалакни куни бўйи ўз оташида «қовуради» ва кечга бориб фалакдан «кабоб тайёрлайди».

Машрабнинг кўпчилик асарларидаги ҳар бир байт чуқур фалсафий фикрлар билан суғорилган.

Гарчи осийман, анинг
даргоҳидин наёмид эмам,

Бир гул учун сув берурлар сад
ҳазорон хорни.

Шоир «гарчи гумроҳ ва гуноҳкор бўлсам ҳам, маъшуқи мутлақ ви-solidан ноумид эмасман» деган фикрни тағзамини жуда бақувват ҳаётӣ тафсил билан изоҳлайди. Чинданда, боғбоннинг гулга берган сувидан унинг танасидаги тиканлар ҳам баҳраманд бўладилар. Шоир ўзини тикандек хокисор ва камтарин тутиб, умидворлигини изҳор этган. Сўзаро шуни ҳам қис-тириб ўтиш керакки, Машрабнинг дардчил шеърятисидан умидсизлик эмас, умидворлик руҳи уфуриб туради. Машраб умидсизликни куфр ҳисоблайди:

Ноумидлик куфр эрур, дўстлар,
умид қилмоқ керак!

Машраб эътиқодида кўнгили таҳорати, дил намози энг муҳим маънавий омиллардан ҳисобланади. Машраб маслагиди худди нафс сингари гина-кудурат, ҳасад-хусумат, фисқ-фасод ҳам мўъминнинг ашаддий душмани саналади.

Охири манзилга етмасдур
кудратлик кўнгили,
Дилга жо бермоқ на ҳожат
душмани ғадрони.

Тасаввуф эътиқодича, дилни фақат ёрга бермоқ керак. Кўнгилидан юқорида саналган ғадрдор душманларга ўрин берилар экан, ундай масканни ёр тарк этади. Кудуратлик кўнгул соҳибни висол кўшиқига кўтарилишдан маҳрум бўлади. Ошиқ учун ҳамма нарсадан азиз ва энг муҳими ёрга етиш:

Ёрсиз ҳам бодасиз Маккага
бормоқ не керак?
Иброҳимдин қолгон ул эски
дўконни на қилай?!

Урайинму бошим саккиз
бегишту дўзахин,
Бўлмаса васли менга, икки жаҳонни
на қилай?!

Бир худодин ўзгаси барча
ғалатдур, Машрабо,
Гул агар бўлса қўлудам,
ул тиконни на қилай?!

Баъзи диндорлар мусулмонлик тақомилининг энг олий мақоми Ҳажга бориб Каъбани зиёрат қилиш деб тушунишган. Лекин имони мукамал бўлмай, эътиқоди Ҳақнинг муҳаббатига муно-

сиб даражада шаклланмай, исломнинг дастлабки шартларини бажармай туриб Каъбага бориб келаверадиганлар кўп. Машраб мана шундай сохта, нотугал, дунёвий манфаатлар билан қоришган тақводорликка қарши бўлади. У Тангрининг муҳаббатига муяссар бўлмай туриб, яъни ёрсиз, ҳам бодасиз – дилда ёр жамолини жилвалантирмай Каъбага бориш Иброҳим пайғамбар қурган кўҳна бир иморатни зиёрат қилиб келиш билан баробар, деб тушунади. Машрабнинг олий эътиқодича, Каъба Аллоҳнинг уйи экан, уни дилда лиммо-лим муҳаббат билан тавоф этиш шарт. Акс ҳолатдаги зиёрат – риё. Машрабдек пок эътиқод кишиси учун ёр васлига муяссарлик бўлмас экан, нафақат Каъба зиёрати, балки саккиз жаннату дўзах, намозу рўза – ҳаммаси ғалат, иккиламчи, зоҳирий нарсалардир.

Афсуски, дунёқарашини туфайли Машраб кўп кулфат кўрди, узоқ давр мобайнида нотўғри тушунилди, даҳрийликда айбланди.

Машраб янада мусаффо эътиқодга эришиш учун қаландарлик йўлини тутган. Қаландарлик фалсафаси жуда содда, аммо бугунда биз учун очилмаган кўриқдир. Тасаввуфдаги қаландарлик йўли ҳақидаги дастлабки содда тасаввурларни бизга Машраб шеърятиси беради:

Ҳавас бозорини дур айлағил
зинҳор бошингдин,
Қўлунгни икки дунёдин узуб,
дилни қаландар тут.

Мана шу байтнинг ўзиёқ қаландарлик фалсафасининг асосий моҳиятини акс эттира олади. Англашиладики, қаландар шундай инсонки, унинг бошида дунёнинг минг битта орзу-ҳаваси айланмаслиги, тафаккури манфаат исканжасидан озод, хотири тирикчилик ғам-ташвишлардан, можаролардан осойишта бўлиши керак. Ҳавас бозорига айланган бошга рўзгорнинг минг бир савдоси тушади ва у эркин бўлолмайди. Қаландар эса фикран, қалбан, руҳан эркин, икки дунё манфаатларидан қўл тортган.

Маснавий

*Ул чибинким, кўзга олтун
янглиг яшнар хилъати,
Кўпраги билким, нажосат
узрадур ором анга.*

Хақнинг башарга инъом айлаган латиф ранглари гўё етмагандек. Ёнок, дудок ва ҳоказо аъзоларнинг табиий туси «хира тортгандек» гўё. Оллоҳ зоҳиран олтин мисоли нур таратгувчи мунаққаш ва музайян чивинларни яратди. Зотан, Унинг бир сифати «Сонъ». Аммо бу нақшин чивинларнинг қарийб барчаси одатда ахлат ва нажаслардан озикланадилар. Ҳазрат таъбири билан айтсак, ўша ерда ором оладилар.

Шоир Саййид Неъматуллоҳ Иброҳим биттахаллус Хисорий ўзининг қуйидаги ғазалида илоҳий нурни илоҳий ишққа мажоз деб талқин этади ва ул рангни суймоқ дунё ва уқбога мухаббат қўймоқнинг шартли эканини таъкидлайди. Дунёнинг бусбутулигича, унинг илоҳий мукамаллиги, тўқис ва анвойи рангу бўйлари билан севмоқ қуръоний ҳукмлардан.

*Эй дўст, эй дўст, кел, эй дўст,
Дунё чаманингдир,
Ол рангу бўйин севги ила,
Дунё ватанингдир.
Ўқдай учадир сўнгра сенинг
Умр шамолинг,
Чопил, ғанимат билки, бу кун
Дунё саманингдир.
Уқбода сенинг, кошки, маҳмил
бўла олса,
Жисминг қоладир бунда фақат
Дунё кафанингдир.*

Дунё – нурлар билан дунё. Тириклик – нур билан тириклик. Аслида зулмат ҳам ҳикмат. Зулмат бўлмаганда нурнинг не эканини ким ҳам биларди?..

(Давоми. Боши ўтган сонларда)

МАСНАВИЙ

*Шаб набуд нуру надиди рангҳо,
Пас, ба зидди нур пайдо шуд туру.*

ТАРЖИМА

*Тун эди нурлар абас, ранглар абас,
Нур зиддидан яралди нур, бас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Кеча эди ва нур йўқ эди, сен рангни кўра билмадинг. Нурга қарама-қарши бўлган зулматдан сенга нур ҳосил бўлди.

ШАРХ

Кундуз офтоб чароғон экан, сен унинг таассуротини дарк этолмайсан. Сўнг нурнинг акси бўлган кечада унинг қимматини англайсан. Хулоса, нурнинг зидди бўлган кеча туфайлигина нур - ёруғлик маънисини фахмладинг.

«Мутув қобла ан тамувту» - ўлмасдан бурун ўлингиз, ҳадиси шарифнинг сирини нимада? Умринг қуёши, албатта, сўнади. Сен буни биласан. Аммо, билгинг келмайди, бўйинингга олмайсан. Секин-аста оқибат сўнмоқ муқаррарлигини унутасан. Охират барбод бўлади. Ҳар лаҳза тафаккур ва қалбда бонг уриб турмоғи лозим бўлган ҳақиқатни қорнингга қамайсан ва бу бонг садосини бўғиб ўлдирасан.

МАСНАВИЙ

*Дийдани нураст он ки дийд ранг,
В-ин ба зиддй нур донй бедаранг.*

ТАРЖИМА

*Нурни кўрмак рангни кўрмак аслида,
Нур ҳувайдо бўлди зулмат қасдида.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Аввало, нур юз кўрсатади, кейин ранг маълум бўлади. Бу ҳақиқат зулмат чўкиши билан исботланади.

ШАРХ

Нур кўрингандан сўнг, ранглари намоеъ бўлади. Ўлим воситасида маънавий олам юз кўрсатади. Унгача турли фоний-дунёвий ҳодисалар кечади. Чунончи, бир ошиқ токи хижрон азобини чекмас экан, висол қадрини билмайди.

«Дўст керак бўлса - Худо, душман керак бўлса - нафс, ҳикмат керак бўлса - ўлим» ҳақиқатини унутиш мумкин эмас. Тўғри, ҳадеб «ўлим-ўлим», деявериш кўпчиликка маъкул келавермайди.

Қорни тўқ, бахтли, кам-кўстсиз одамлар бечораларни суймаганидек, ўлимнигина эмас, ўлим ҳақидаги гапларни ҳам ёқтирмайдилар.

Бу ҳол уларнинг фароғатини бузади. Кўнгилларини, таъларини вайрон қилади. Ўлим, дейишингиз баробарида қайт этиб юборадилар. Ҳарчанд дунёда эслагулик, қайғургулик, ўйлагулик ягона ходиса - Ўлим эсада...

МАСНАВИЙ

*Ранж ва гамро Ҳақ пайи он офарид,
То бад ин зуд хушдилй ояд падид.*

ТАРЖИМА

*Ранжу гамри Ҳақ яратдиким, ахир,
Келгуси хушлиқ паёми бари бир.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Оллоҳ ранж ва қадарни сабабсиз яратмади. Бу иккисига зид ўларок хушдиллик ва кўнгил сафоси ҳосил бўлади.

Хар бир ҳодисанинг зидди мавжуд. Дунёда ўзаро муқобил бўлмаган нарсанинг ўзи йўқ. Ғамнинг ортидан шодлик, оғирликдан сўнг енгиллик, шубҳасиз, келади. Албатта, бу ҳодисалар қандайдир «сеҳргар бобо»нинг тадбири бўлмай, ягона Оллоҳнинг иродасидир. Бир нарсага эришиш учун яна бир нарсдан воз кечилади. Хазрат Навоий ёзади:

*Важҳи маош учун кишиким деса
фикр этгай,
Қисмат ризосидин анга
бегоналик керак.*

Оллоҳ чеккан тақдирдан рози бўлмаган зот ошу маош учун елиб-югуради. Нимага эришади? Зоҳираи нимагадир, хатто, жуда кўп нарсага эришгандек туюлиши мумкин. Аслида тақдир қилинган нарсаягина мурасар бўлади. Аслида тақдир қилинган нарса унинг бу оламга келиши, ўртадаги муайян фурсат ва умр хотимаси. Баъзи жуда майда ҳодисалар Оллоҳ тақдирга даҳолат қилолмайди, чунончи, кўпроқ қандай чой ичиб, дамодам қандай энгил-бошни танлаш, ёхуд эрталаб бадантарбия билан шуғулланиб-шуғулланмасликнинг тақдирга бир пуллик аҳамияти йўқ. Кимдир янги дўшни кийиб, бўккунча тановул қилишни ҳам тақдир деб билса, бу унинг иши.

Навоий давом этади:

*Кунжи қаноат арчи эрур
салтанат, валеқ,
Элдин тамағни ўзгалди
мардоналиқ керак.*

Қаноатли кимса подшоҳдир. «Қаноат кунжи» - салтанат. Бироқ бу элдан, хеш-акрабо, ёру диёрдан тамағни мардоналарча узмоқлик эвазига муяссар бўлади. Тамағ тилини осилтириб юрганда қаноат ҳосил бўлмайди. Қаноат ҳар нечук илинж, умид, иддао ва даъволарни тарк этиш йўли билан ҳосил бўлгучи буюк бир файзидир.

Қаноат одам боласини илоҳий софлик ва собирлик мартабасида сақлагувчи буюк имконият эканини қудсий ҳадис ҳам тасдиқ этади: «Ябна Адама, ин қонаъта бима қосамту лака мин ризқика атака ватакувну индий маҳмудан ва ин лам тақнаъ бима қасамту лака саллатту алайқад дуня таркузу фийҳа қарақзи ваҳшин филбариййати ва ла яналу лака илла ма қосамту лака ва анта индий мазмумун». («Эй, Одам фарзанди, агар сенга ажратиб қўйилган ризққа қаноат қилсанг, ризқинг ўзи келади ва меъдан ҳам мақтов оласан. Борди-ю бу тақсимга қаноат қилмасанг, дунёни сенинг устинга султон ва сени унга хизматкор қилиб қўяман. Дунё учун чўлдаги ваҳший хайвонлар каби югурасан, аммо сенга тақсимлаб қўйилган ризқдан ортиғи келмайди ва ўзинг ҳам менинг олдимда хижолат бўлиб қоласан»).

МАСНАВИЙ

*Пас, ниҳониҳо базид пайдо шавад,
Чунки, Ҳақро нест зид пинҳон
бувад.*

ТАРЖИМА

*Неча пинҳон зиддиятдан ошқор,
Ҳаққа зид йўқ, йўқ пинҳон ҳеч қор.*

Гизли - пинҳона ҳодисалар зиддият туфайли аёну ошқор бўлади. Худойи таъолога зид бўлган ҳеч нарса йўқ. Ва ҳеч нарса унинг назаридан пинҳон эмас.

ШАРХ

Баъзи кимсалар дейди: «Кўп ошқор нарсаларни, чунончи, нур ва зулматни кўра биламан, хис қила оламан. Не учун Худойи таъолони кўра олмайдим?». Унга жавобан бундай дейлади: «Қуриладиган ва хис қилинадиган нарсалар уларнинг қиллари маъжуси ва ватизасидир. Худойи таъолонинг ҳеч бир зидди йўқ. Зоҳирий ҳиссиёт билан англаб бўлмайди. Сувратга иштиёққанд одам



кўролмайд. Худо ўзининг кўп-лаб исм ва сифати кибриёси билан оқил ва комилларга аён. Ҳақ таъолонинг муқобили йўқ экани «Шуаро» сурасининг 11-оятда зикр этилади. «Лайса камислиҳи шайъун. Ва хувас самийъул басийр». («Унга ўхшаш ҳеч нарса йўқ. У эшитгучи ва кўргувчидир»).

Одам боласи тарихида худолик, маъбудлик даъво қилган тентаклардан ташқари, нақ Худонинг ўзини кўрсатмасанг бўлмайди, дегувчи телбаларнинг ҳам сон-саногини йўқ. Улар кеча бор эди, бугун ҳам тўлиб ётибди. «Бақара» сурасини тиловат қилайлик. «Ва из қултум, я Муса лан нуъмина лака ҳатта нарроллоҳа жаҳротан, фаахозаткумус сойқоту ва антур танзурувн» (55-оят). (Эй бани Исроил, эсланг: «Эй Мусо, Оллоҳни очиқ-равшан кўрмаганимизча ҳаргиз сенга ишонмаймиз», дейишингиз билан қараб турган ҳолингизда чақмоқ урди. (А.Мансур таржимаси).

Бугун сунъий суратда одам яратамиз, дегувчилар пайдо бўлиб қолди. Бу данакдан дарахтни кўкартиргач, дарахтни биз яратдик, дегандек гап. Нега яратиш мумкин эмас? Мадомики яратиш кўйилган бўлса... Одамнинг она раҳмида шаклланиш жараёнини кузатиш шарт ҳам, мумкин ҳам бўлмаганидек, Буюк Яратувчининг ўзини кўриш шарт эмас. Дийдор эса муқаррар. Фақат сабр лозим бўлади. Яъни лой ва сувлик жараёнини яшаш лозим эканми, яшайлик. Маймун ҳарчанд ўргатиб-ўқитилгани билан томошахоналардан нарига ўтолмаганидек, қанчалик ақлли бўлмайлик, фариштага айлана олмаймиз.

МАСНАВИЙ

*К-ин назар бар нур буд он гаҳ
ба ранг,
Зид ба зид пайдо бувад чун руму занг.*

ТАРЖИМА

*Нурга тушгайдир назар сўнг рангга,
Зидма-зидлик ўхшайор рум, зангига.*

ЛИСОНИЙ ТАЖИМА

Аввал банда назари нурга тушади, шундан сўнг ранг мушоҳада қилинади. Бир ходиса ўзининг муқобили бўлмиш иккинчи ходиса туфайли хувайдо бўлади. Бу ҳолат оқ тусли румлик ва қора тусли арабга менгзайд.

ШАРҲ

Энди модиюнчилар ҳам, мафкурачилар ҳам қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонунининг асосчиси ким эканини билиб оладилар. Жамият ва материя тараққиёти асосида ётувчи бу буюк қонуниятни ким кашф этгани муҳим бўлмай, бутун борлик ҳаёт ва тараққиёти замирига кўп-лаб ақл бовар қилмас қонуниларни жо этган Халлоқи оламнинг минг бир тадбиридан бири бўлмиш бу қонуни ҳам ўзидан бошқа биров яратмаган, кашф ҳам этмаган. Бор нарсанинг борлигини «кашф» этиш олимлик бўлмай, ҳақиқий Олим илмини ҳурмат ва эътироф этиш олимликдир.

МАСНАВИЙ

*Пас, ба зидди нур донистӣ ту нур,
Зид зидро менамояд дар судур.*

ТАРЖИМА

*Нурни зидди бирла билдинг - нур у,
Зидма-зидлик дилдадир - мастур у.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Нурнинг нур эканини унинг муқобили – зулмат воситасида англадинг. Кўнгилдаги муқобил кайфият муқобил кайфиятни пайдо қилади.

ШАРҲ

Нур зулматнинг рамзий ҳосиласи. Нурни зулмат яратмайди, бироқ нур моҳият эътибори билан нур экани зулмат чекингач билинади. Одамзот ғам-ғуссанинг муқобили бўлган шодлик, фараҳмандликка ташна. Бу ҳолат қалбнинг иши. Қалб доирасида кечгучи жараён. Олам ўткинчи. Умр – тизгинсиз бир сахро боди. Унинг муқобили – Уқбо – Абадий Ҳаёт. Дунёнинг фонийлиги ғам-ғусса, тушқунлик ва умидсизликка бошласа, Уқбо ҳаёли инсон руҳиятига бетимсол тасалли бахш этади. Абадий йўқлик ҳаёли қалбни туздек кемира-кемира, минг турли дардга чалинган зотлар, фонийлик ғояси билан қуролланиб, уни одамзот бошидан бир ваҳмангиз бўрондек тоширгувчи, бу ваҳима ва умидсизликнинг ўлик ҳолатлари акс этган адабиёт ва санъат асарлари босқини жамиятни турли маразликларга тўлдириб ташлайди. «Эртага йўқ бўлиб кетасан, отингни суриб қол, ичиб, ўйнаб, қониб, ёниб қол» қабилидаги ваҳший ғоялар жамиятни расво қилади.

Абадий ҳаёт, унга имкон қадар муносиб тайёрларлик, муқаддас ни-

зомларга собитқадамлик билан риоя қилиш жамиятни поклайди, фонийлик, умидсизлик, тушқунлик балчиқзорларидан халос этади.

Кўнгилдаги муқобиллик, руҳий-маънавий ҳаёт жабҳаларидаги муросасиз кураш, уқбо саодатига ноил бўлмоқ, иймонни солим-саломат сақлаш, уни булғаб расвойи жаҳон қилмаслик тадбирлари хусусида ҳазрат Навоий ўғитлари ҳар бир зот учун мадрасадир.

*Кимки ишқ асири ўлсаки, мумкин
эмас висол,*

*Дарду балога ҳамдаму
ҳамхоналик керак.*

Ошиқлик - илоҳий бир ҳислат. Ҳақиқий ошиқлик танқис бир неъматдир. Дарвоқе, ҳамма ҳам ошиқ бўла билмайди. Зеро, мардонавор ва афсонавор ишқ қиссалари якка-ягонадир. Дунёда Лайло қиссаси тоқ, Узро афсонаси ягона.

Ошиқликнинг муддаоси - висол. Висол муяссар бўлмагач, ошиқнинг ҳамдам ва ҳамхонаси - дарду меҳнат. Висолнинг зидди - муқобили ҳижрон. Ҳажр неъматини билмаган ошиқ ишқу висол қадрини билмайди. Висол унинг учун бозорга бирров кириб, кўкат харид қилгандек гап.

*Лаззати нафс тарки самари
офият берур,
Лек ул шажарни эккали
фарзоналик керак.*

Нафс моҳиятан лаззатлидир. Дунёда эса лаззат бахш ётувчи ҳодисалар оз эмас. Аммо нафс, агар у ҳақиқий нафс бўлса, соҳибини офият - хотиржамлик, саломатлик каби улғу неъмат самарасидан бенасіб қилади. Нафс ишғол этган, нафс енгган кимса бадбахтнинг бадбахтидир. Зеро, бу бадбахтлик, яъни баднафсликнинг тўхташ мумкин бўлган нуқтаси йўқ. Бу бир тубсиз чоҳдирки унинг тубига боши билан шўнғиб кетаётган кимса, албатта, энг аввал бошини абжақ қилади. Аммо офият дарахти самарасини кўраман деган зот, ҳазрат таъбири билан айтганда фарзона - ҳаким, донишманд, оқил ва фозил бўлмоғи керак. Бу истилоҳларни шарҳлашга ҳожат йўқ.

МАСНАВИЙ

*Нури Ҳақро нест зидде дар вужуд,
То ба зид ўро тавон пайдо намуд.*

*Танда йўқ Ҳақ нурига зид ҳеч губор,
Ким муқобил бирла бўлса ошкор.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Худо нурига муқобил бўлгучи ходиса танда йўқдир. Бинобарин, муқобили бўлмаган ходиса маҳв бўлмайди. Ҳақ нурини зухур этгучи қарши қудрат мавжуд эмас.

ШАРХ

Худонинг муқобили ва исли йўқ. Худонинг нури зоҳирий ҳиссиётга бўйсунмайди. «Нур» сурасининг 35-оятда Худойи таъоло буюради: «Оллоҳу нурус самавати вал арзи. Масалу нуриҳи камишқаватин фийҳа мисбахул мисбаху фий зуҷажатиз зуҷажату кааннаҳа кавқабун дурриййун йувқоду мин шажаротим мубарокатин зайтунатил ла шаркиййатин ва ла ғарбиййатин яқаду зайтуҳа юзийу валоа лам тамсасху нурун нурун ала нурия.

Яҳдиллаҳу линуриҳи ман яшау ва язрибуллоҳул амсала линнаси. Валлоҳу биқулли шайъин алийм».

Худойи таъоло кўклар ва ернинг нуридир. Унга мансуб бўлган нурнинг сифати қандил кабидирки, ичинда ёниқ бир чироқ бордир. Ўша чироқ биллур қандил ичинда. Қандил порлоқ бир юлдуз каби. Зеро, у муборак зайтун оғочининг ёғидан ёкилур. Бу оғоч на қуёш ботар ва на қуёш чиқар

томонда эмас. Ҳақиқатда қандил шуъла бериши учун олов унга ёвуқ келмайди. (Мазкур қандилнинг зиёси ва чироқ нури) нур узра нур, ойдинлик узра ойдинликдир. Оллоҳ ўзи истаган кимсага бу нур ила йўл кўрсатур. Оллоҳ бундай мисолларни инсонларга ибрат олишлари учун келтиради. Оллоҳ ҳар бир нарсани билгучидир).

Оятдаги нур, қандил, чироқ, зайтун, унинг мойи каби таъбирлардан мурод бу ҳақиқатларни инсон зеҳнига равшан ва теран сингдирмоқдир. Нур - раббоний хидоят, қандил - инсон вужуди, чироқ - ақл ва қалб, мой - илоҳий ишқ.

Ушбу оятнинг маънавий азамат ва қудрати шу қадар чексизки, дунё муфассирлари жамъ бўлиб, умрларини шу оятларнигина шархлашга сарфласалар-да, унинг моҳиятини том маънода оча билмайдилар.

МАСНАВИЙ

*Ложарам абсору ма ла тудрикуҳ,
Ва ҳува йудрику байна ту аз Мусо
ва куҳ.*

ТАРЖИМА

*Чашмимиз Оллоҳни идрок айламас,
У кўрар, Мусо ва Сийно баҳси, бас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бизнинг нигоҳимиз Оллоҳни кўриш иқтидорига эга эмас. Худойи

таъоло эса барча-барчадан бийно. Ҳар бир амалимиз, хоҳ яширин, хоҳ ошкор, Унга аёну ошкор. Сен Мусо алайҳиссалом ва Тури Сийно можа-росини ёдга ол.

ШАРХ

«Анъом» сурасининг 103-оятда Оллоҳ таъкид қилади: «Ла тудрикуҳул абсору ва ҳува йудрикул абсора. Ва хувал Латийфул Хобийр». (Оллоҳни дунёвий кўзлар идрок эта олмайди. У Зот пок зотлар нигоҳини кўриб туради. У Латийф ва Хабардордир).

Худонинг пок нурини кўрмакка инсон ғайри муқтадир, ожиз ва қосирдир. Бирок оқил зотлар Оллоҳни кўплаб аломатлари воситасида билдилар.

Оллоҳ ўз буюк Зотини буюк сир ва асрор пардалари билан пинҳон тутати. Оллоҳ Ўз зотини кўзлардан яширади. Бутун борлик-оламни ғоят азиз бир меҳмонга ҳозирланган уйдек қилиб саранжом ва саришталаган Зот ношукр бу халифани эшик оғзида тавозеъ билан кутиб олмади. Борлиққа жуда осонликча ҳоким бўлган халифанинг кўнгли шундан дилгир. Нега уй соҳиби кўринмайди? Халифа чақиради. Фарёд чекади. Соҳиб йўқ. Аммо ҳамма нарса бор. Соҳибини батамом йўқ, деб гумон қилган фаросатсиз халифа уйни бошига кўтаради. Гоҳ тўрға иргийди, гоҳ пойгакка ётиб олади...

Соҳиб йўқ. Ҳамма-ҳамма нарса



бор. Халифа охир-оқибат бу тўкин хаётдан тўйди, маст бўлди, ҳамма нарсани эсдан чиқарди. Модомики, бу уйнинг соҳиби йўқ экан, Соҳиб ўзимман, деб гумон қилди. Бора-бора у бу гумондан «хақиқат» ясади.

Бир куни Оллох ўз дини, қудрати ва ниҳоят халифа соҳиблик қилаётган уйдан дарак берди: «Амма ятасалувна. Анин набаил азийми. Аллазий хум фийхи мухталифуна Калла сайаъламувна. Сумма калла сайаъламувна. Алам најъалил арзо миҳодан. Вал жибала автадан. Вахолақнакум азважан. Важаъална навмакум субатан. Ва-жаъална лайла либасан. Важаъална нахаро маъашан. Ва банайна фавкокум саъбан шидадан. Ва жаъална сирожан ваҳҳажан. Ва анзална минал муъсироти маан сажжажан. Линухрижа бихи ҳаббан ва набатан. («Набаъ» сураси, 1-16-оятлар).

Маъноси: «Мушриклар» бир-бирларидан нима ҳақда сўрашмоқдалар?! Улар ўзлари ихтилоф қилгувчи бўлган - улуг хабар ҳақида (яъни, қайта тирилиш тўғрисида савол-жавоб қилмоқдалар). Йўқ (уларнинг гумонлари беҳудадир)! Улар яқинда (бу хабарнинг ҳақ эканини билиб олажаклар! Яна бир бор йўқ! Улар яқинда билиб олажаклар! Биз ерни (барча жонзотлар маскан тутиб яшашлари учун) бир тўшак, тоғларни эса (ўша ерни тутиб тургувчи) қозиклар қилиб қўймадикми? Биз сизларни жуфт-жуфт қилиб яратдик. Уйқуларингизни (баданларингиз ва асабларингиз учун) ором қилдик. Кечани (ўз қоронғуси билан барча нарсани яшириб турадиган) либос қилдик. Қудузни эса тирикчилик (учун белгиланган вақт) қилдик. Устларингизда етти (кават) пишиқ-мустаҳкам (осмонни) бино қилдик. Ва доимо чараклаб тургувчи чироқни (яъни, қуёшни пайдо) қилдик. Яна Биз ёмғирни сиқиб чиқаргувчи (булут)лардан - ўша (ёмғир) ёрдамида дон ва набототни ҳамда (қалинлигидан дарахтлари) бир-бирига чимашиб кетган боғларни ундириб чиқариш учун - мўл-қўл сув - ёмғир ёғдирдик...» (А.Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

*Суврат аз маъни чу шер аз беша дон,
Ё чу овозу суҳан з-андеша дон.*

ТАРЖИМА

*Маънидан суврат тўқайдан шер эрур,
Сўз ва овоз ақлу донишдан келур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Маъни (маънавият) сувратини, яъни маънавиятнинг зухур этишини ўрмондан чиққан шер деб тасавгур қил. Овоз ва сўз ҳам андиша, фикр мулоҳазалардан ҳосил бўлади.

ШАРХ

Одатда арслон тўқайда яшайди. Ва табиийки овлоқда уни кўрган киши, ўрмондан чиқиб келганига шакшубҳа қилмайди. Модомики, арслон тўқайнинг мавжудоти экан, бевосита у ўрмон суврати ҳамдир, яъни у ўрмоннинг тирмолидир, Шунингдек ҳар бир шакл ёки суврат муайян бир фикр ва маънонинг ҳосиласи бўлади. Чунончи, овоз ёхуд сўз ҳам маълум бир фикрнинг сувратини ўзида мутассам этади. Хатто, ҳеч қандай маънога эга эмас, деб ўйлаганимиз телбанинг валдирашида ҳам телбаликнинг суврати намоёнидир.

Бу бобда Афлотуннинг фикрлари бор. У дейди: «Коинотда ҳар қанча суврат ва жисм мавжуд бўлса, улар кўзгудаги инъикос қабидир. Асллари ғайри моддий, яъни асл маънавийдир». Бу навъдаги аслларга тасаввуф лисонида «аённи собита» таъбироти қўлланилади. Бу фалотуний фикр қулай англашилмоғи учун қуйидаги маъналарни тасаввур қилайлик. Бино қурилишидан бурун унинг тархи муҳандиснинг зеҳнида батамом шаклланади ёхуд сувратланади. Зеҳнида пайдо бўлган ушбу тарх ниҳоят моддий тус олади. Демак, хонанинг асли ибтидода муҳандис зеҳнида ғайри моддий тарзда ҳувайдо бўлди.

Бу ҳақиқатдан шу нарса собит бўладики, коинот Азал Муҳандиснинг тархи туфайли пайдо бўлди ва у жамулжам маънавий инъикосидир.

МАСНАВИЙ

*Ин суҳан в-овоз аз андеша хост,
Ту надонӣ баҳри андиша кужост.*

ТАРЖИМА

*Сўзу овоз фикр-донишдан келур,
Билмагайсан фикр баҳри қай эрур.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Бу сўз ва овоз фикр-андиша дарёсидан ҳосил бўлди. Фикр ва андиша дарёси қаердан ҳосил бўлишини билмайсан.

ШАРХ

Овоз ва сўзни эшитганимиз захёт, унинг фикр-андишадан пайдо бўлганини англаймиз. Аммо фикр ва андиша қаердан пайдо бўлишини билемизми? Табиийки, билмаймиз.

Ҳазрат Навоий ўзининг инсоний андишаси билан Оллох зотини буткул англашга жаҳд этган зотлар хусусида шундай ёзади:

*Ҳақ зотиға биравқим хирад
бирла фикр этар,
Отин эл ичра оқилу фарзона
айлабон.
Миқдорини тенгиз суйининг
истар англамоқ,
Лекин ҳубоб жомини паймона
айлабон.*

Ҳа, денгиз сувининг миқдорини ҳубобдан идиш ясаб ўлчаб бўлмайди?

Аммо, Худонинг зотини англамоққа тиришганларда-ку инсоф бордир, Худолик даъво қилган баъзи бечораларга нима дейсиз. Икки соат уйқудан қолса эси хонасидан чиқса, беш-олти соат таомланмаса, чувалчангдек сулайиб ётса, озгина иссиқ, бир оз совуққа дош беролмаса-да, камина Худоман, деб турса... Бу махлуққа нима дейсиз?

МАСНАВИЙ

*Лек, чун мавжи суҳан дидӣ латишур,
Баҳри он доний, ки бошад ҳам
шариф.*

*Чун калом мавжини кўргайсан
латийф,
Англагайсанким унинг баҳри шарийф.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Сўз мавжини гўзал ва жозибали кўрсанг, унинг денгизи ҳам буюк эканини хис қилгайсан.

ШАРҲ

Аччиқ ёхуд тотли сув таъми оғиз бўшлиғидаёқ маълум бўлади. Демак, ҳамма гап сув манбаида. Манба тотли бўлса, сув ҳам тотли, манба талх бўлса, сув ҳам талх. Ҳикматли, оқилона пандомуз сўзлар шубҳасиз хирад ва дониши мукамал зотлардан зухур этади. Кабиҳ, чиркин ва фасод гапларнинг соҳиби ҳам кабиҳ, чиркин ва фосик бўлади.

Аммо бу нуқтада яна нозик бир муаммо бор. Суврати қойилмаком, аммо тубида захру макри яширин сўзлар ҳам мўл. Сиз унинг манбаини ҳам баъзан билмайсиз. Аммо ҳар нечук шариф ёхуд кабиҳ сўз ва унинг соҳиби Ҳақ ҳузурида масъул. Бутун оламни лақиллатиш эҳтимол мумкин бўлар, аммо Худони ҳали ҳеч ким лақиллатган эмас. Биров юз йил, биров ундан кўпроқ ёлғон билан яшар, аммо абадий ёлғон бўлмайди. Умрида куёшни кўрмаган одам топилиб қолса, уни ҳам тонг отгунча алдаш мумкин. Тонг ёришгач, алдаб бўлмайди. Дунёнинг ўз «сироти мустақийм»и бор. Бу «сироти мустақийм»нинг қошифи - Қошифи Вужуднинг ўзидир.

Ҳақ таъолони зоҳир кўзи билан кўриш мумкин эмас, шу боисдан башарият бир гуруҳ иблиснинг «Худо йўқ» деган чакириғига қарийб бир аср инонди. Гўё ҳамма туйқусдан ўз волидасига ёв бўлиб қолгандек, бани башар ҳам ўз Яраттувчисига душман бўлди. Нега? Буни ўзи ҳам билмайди. Дабдурустан душман бўлиш мумкин экан. Бироқ, бутун башарият душман бўлгани билан Ҳақ таъоло мағлуб бўлармиди? Айтайлик, кимнингдир жаҳли чиқиб, ер қуррасини ютиб юборганда ҳам Ҳақ енгилармиди? Афсус...

Таржимон изоҳи:

1996 йилнинг маънос ва сокин куз фаслидан ибтидо айлаб, камина ила ҳазрат Мавлоно Жалолуддин Румийнинг (Оллоҳ буюк равонларини масрур айлагай) безавол "Маснавий" асарини мутолаа айлаётган азиз журналхон биродарларимиз – ота-она, она-сингилларимизга, оғаларимизга буюк миннатимизни изҳор айламак фурсатини еткурган Роббил иззатга ҳамдлар айтамыз.

Алҳол, "Маснавий"нинг таржима ва шарҳи давом этаёттир.

Қўлимиздаги мавжуд "Маснавий" китобини бизга иззатли устозларимиз лутфан тақдим айлаган эдилар. Афсуски, биз таржимага шуруғ этган маҳал муқояса ва таҳлил учун бошқа бир намуна йўқ эди. Ёлғиз манбаъ асосида ишга киришган чоғимизда тажриба-сизлик ва хомлик туфайли жиддий хатога йўл қўйибмиз, яъни "Маснавий" китобининг биринчи дафтаридан улкан бир жуъъни тушириб қолдирган эканмиз...

Яқинда Оллоҳ марҳамати билан Эрон мамлакатига ташириф буюрдик ва у ердан "Маснавий"нинг муборак нусхаларини топмоққа муяссар бўлдик. Бинобарин, муқояса ва таҳлил имкониятини пайдо қилдик.

Тушириб қолдирилган жуъъни топиб, унинг таржима ва шарҳини мукамал тарзда тикламакка кўшиш этмакдамиз.

Ушбу сондан эътиборан хатойимизни ислоҳ қилмакка ружуъ қилдик, аммо сиз азизлар ҳузурида бу хатони нечук ислоҳ қилмоқ чорасин тополмай хи-жолатдамиз.

Маъзур ва яна маъзур!..

МАСНАВИЙ

*Оташ аст ин бонги ною, нест бод,
Хар ки ин оташ надорад нест бод.*

ТАРЖИМА

*Най садоси оташедур, бод эмас,
Кимда оташ йўқ – у одамзод эмас.*

ЛИСОНИЙ ТАРЖИМА

Най садоси авлиёуллоҳнинг иссиқ ва оловли каломидир. У одам боласи-

нинг ҳаво ва хаваси эмас. Кимда-ким бу оловдан баҳрасиздир адами (йўқлиги) вужудидан (борлигидан) афзал.

ШАРҲ

"Маснавий"нинг дастлабки ўн саккиз байти бевосита "най" билан боғлиқлиги учун бу жуъъга "Найнома" деб ном берганлар. Ривоятларнинг шаҳодат беришича, ҳазрат Мавлононинг энг суюкли шогирди Хусомуддин Чалабий урфон ва тасаввуф усулини ўзида мужассам этган бир манзума яратмоқни ҳазрат Мавлонодан ўтинганлар. Хусомуддин Чалабий бу манзума Санойининг "Илоҳийнома" ва Фаридуддин Атторнинг "Мантик ут тайр" дostonларини усулида бўлмаганини алоҳида таъкидлайдилар.

Комил муридиининг бу таклифини эшитган ҳазрат Мавлоно ўша заҳоти дастор катларига санчиб қўйилган қоғозни қўлига оладилар-да: "Эй Чалабий, Сизнинг кўнглингизга келган ўй менинг кўнглимдан аллақачон кечган эди. Мана қулоқ тутинг!.." дейдилар ва хануз зоҳирий дунёга кўчмаган олти буюк жилднинг тўқис ва мукамал мазмунини ўзига сингирган машхур ўн саккиз байтни ўқиб берадилар.

Мавлоно Абдурахмон Жомий ўзларининг "Нафоҳотул унс" асарларида бу оламшумул воқеани қуйидаги зайлда баён қиладилар: "Қачонки Шайх Салоҳиддин Ҳақ раҳматига қовушди, хулафалик хизмати Чалабий Хусомуддиннинг зиммасига юкланди. "Маснавий"нинг сабаби назми бўлмоғи қуйидаги ҳолатда рўй берди. Хусомуддин Чалабий мавлоно асҳоблари Ҳаким Санойининг "Илоҳийнома" ва шайх Фаридуддин Атторнинг "Мантик ут тайр" ва "Муסיбатнома" китобларига ортик майл кўрғазаетганликларини сезиб қолгач, Ҳазратга юқорида қайд қилинган асарлар услубида бир манзума яратсалар, дўст-ёрларга ёдгорлик бўлиб қоларди, деб мурожаат қилади. Ҳазрат Мавлоно ўша заҳоти дасторидан бир қоғозни олиб Хусомуддин Чалабийга берди. Унда "Маснавий" ибтидосидан ўн саккиз байт ёзилган эди".

Асрлар оша башарият ақлини ҳайратга солиб келаётган, руҳоният ва тафаккурнинг безавол обидаси "Маснавий" ана шу тариқа ибтидо топди.

*Шориҳлар – Обиддин ПОШШО,
Карим ЗАМОННИЙ.
Мутаржим - Асқар МАҲКАМ.*

(Давоми бор.)

МАҲЖУРИЙ: «МАВЛОНО УЧУН МЕНИ КЕЧИРИНГ...»

Ҳазрат Абдурахим (Учкун) домла тахририятимизга айни саратон кунларининг бирида ташриф буюрдилар. Қўлимизда у кишининг «Ҳофиз шеърларида урфон ва тасаввуф истилохлари» китоби сақланади.

Мен бу ноёб китобни арабча ҳуруфдан бугунги имлога ўгириш учун олганман. «Шарк юлдузи» журнали мана икки йилдирки, босишга ваъда беради. Домла уч ой сурункасига давом этган касалликдан сўнг хорғин кўринардилар. Бир умр муҳожирот юкини елкага ортиб, бутун мусулмон тупроғини фарсах-бафарсах кезиб чиккан бу зот бугун хақиқий озодликка юз бурган Ватаннинг дийдорига ҳеч қонолмаётгандек. Ватан неъмат. Бу Оллоҳ таъоло бандаларига берган жамики неъматларнинг шохидир, балки.

Домланинг мусофирлик ва хижрон, Ватан ёди, эътиқод-иймон мавзуидаги ғазалларини мутолаа қилганман. Орифона суҳбатларидан баҳраманд бўлганман. Будафъа домланинг мавлоно Жалолиддин Румий хақидаги карашлари, бу муборак зотга мусулмон уламоларининг муносабати хақида сўрамокчи эдим. Кейинги пайтда чоп этилган «Қуръони карим» тафсирилари хақидаги қиска суҳбатдан сўнг муддаога кўчдим.

- Домла, Саудия Арабистонида мавлоно Жалолиддин Румийга муносабат қандай?

- Араб олимлари бу зот хусусида ихтилофдалар. Уларнинг аксарияти Мавлонони «зол», яъни «адашган» дея таърифлашади. Аммо, Эрон, хусусан, Туркияда Мавлононинг кўплаб жилдликлари юз йиллар давомида қайта-қайта чоп этилиб, янгидан-янги шарҳлари дунёга келмоқда. Оллоҳ раҳмат қилсин, ўз даврининг Навоийси саналган Яъқубхўжа Махжурий билан бу борада кизик ходиса рўй берган. Биз Тоиф шаҳрида Махжурий ҳазратлари билан тез-тез дийдор кўришиб, адабиёт хақида соатлаб суҳбатлашардик. У зотнинг Мавлоно ҳазратларига муносабатларидан огоҳ бўлганим учун бу мавзуда деярли суҳбатлашмасдик. Кунларнинг бирида Туркияга сафарга отланган биродарларимизнинг биридан Мавлоно Ҳазратларининг машхур «Маснавий» китобларини келтиришини илтимос қилдим. Биродаримиз Туркиядан Ҳазратнинг ноёб жилдликларини келтирди. Ҳар бири жуда йирик ҳажмда бўлган Ҳазратнинг етти жилд «Маснавий»лари мен учун қутилмаган ходиса бўлди. Биродаримиз жилдлар жами ўнга экани, улардан учтасини топа олмаганини изҳор қилди. Мен жилдларни Махжурийга инъом қилаётиб дедим: - Бу жилдлар сизнинг кутубхонангизга бағоят ярашиқлик экан. Мендан сизга тўхфа.

Махжурий ҳазратлари масрур бўлиб, жилдларни қабул қилдилар.

Орадан бир кун ўтди. Махжурий ўша кун одатга хилоф равишда хийла эрта ҳузуримга ташриф буюрдилар. У зот каттик хаяжонда эдилар.

- Мен сиздан узр сўрагани келдим, - дедилар Махжурий.

Мен бу ҳолнинг сабабини билиб турсам-да ўзимни сезмаганга солардим.

- Нима бўлди? Назаримда узрга сабаб бўларли бирор қор-хол рўй бермади шекилли.

- Йўқ, мени кечиринг. Мавлоно учун мени кечиринг. Мен бу зотни билмаган эканман... Сиз китобларни менга бежиз такдим этмаган экансиз...

Шундан сўнг Абдурахим домланинг Мавлонога муносабатлари хусусида сўрадим:

- Мавлонони тушуниш ғоят оғир иш. Аввало комил иймонли бўлмаган, Қуръони карим, ҳадиси набавий, Ислоҳ фалсафаси, фикҳ ва бошқа дунёвий билимлар билан зийнатланмаган одам Мавлонони тушунолмайди. Мен Ҳазратнинг турли уламолар томонидан шарҳланиб, Қуръони Карим ва аходиси набавий билан собит этилган жилдликларини топиб, мутолаа қилганман. Мавлоно ижодини ўрганишни бошлаганларингдан ғоятда хурсандман. Оллоҳ мадақкор, Мавлоно ҳазратларининг руҳи мубораклари ёр бўлсин.

А. МАҲКАМ
суҳбатлашди.



Ҳажвия

Сиркаси сув кўтармайдиган Ҳамид ака йиғилиш тугаши билан чўнтагидан дори олиб оғзига солди. Дори ўз кучини кўрсатмай эшикдан кириб келган Алибек аканинг турқитароватини кўриб тутақиб кетди.

— Оғзим бор экан деб ҳар нарсани гапираверарканда киши! «Баъзи бировлар оғзидаги носни тўғри келган жойга тупуради! Устига-устак оғзини чаймай ҳамма фойдаланадиган пиёладан чой ичади!» Нима демоқчисиз бу гапингиз билан?!

Тўсатдан берилган «зарба» Алибек акани гангитиб қўйди. Лекин у тезда ўзини ўнглаб олди.

— Биринчидан, ҳеч нима демоқчимасман, — деди Алибек ака пастки лабини тишлаб. Уни пастки лабини тишлаши жаҳли чиққанлигидан дарак эди. Шундай бўлсада, босиқлик билан саноқни давом эттирди: — Иккинчидан, намкаш девордай ҳамма гапни ўзингизга шимиб олманг! Учтинчидан, бу гапни айнан сизга тегизиб айтганим йўқ! Тўртинчидан...

— Ишхонада мендан бошқа носкаш бўлмагандан сўнг бу гап кимга тегади? — деди Ҳамид ака сабри чидамай Алибек аканинг гапини бўларкан. — Албатта менга-да! Одамда озгина фаросат ҳам бўлиши керак-да!

— Энди, Ҳамиджон, жа ошириб

Рассом Темура Салоҳов

юборманг-да! Биз фаросатсиз бўлсак, сиз фаросатли бўлинг. Арзимаган гапга дунёни остин-устун қилманг, ҳайми.

Алибек ака ён берса-да, Ҳамид аканинг ичидаги «ўт» ўчмасди. У стол галадонидан иккита дафтар чиқариб, аввал ҳавода силкитди, сўнг стол устига «шап» этказиб ташлади.

— Мана бу нима? — деди жаҳл билан.

— Дафтар, — деди Алибек ака жиддий.

— Йўқ, бу дафтар эмас!

— Дафтар бўлмай, нима у ?!

— Бу сизнинг юзингиз, — деди Ҳамид ака кўрсаткич бармоғини дафтарга тираб, сўнг дафтарни варақлай кетди: — Мана, ҳозир кўрасиз! А... а... а... Алибек! Ма-на, топдим сизнинг саҳифангизни. 198... йил 13 май, соат ўн биру ноль-ноль. Эшитинг, нима деган экансиз: «Бизда сувлар фақат юқорига қараб оқади!» деган экансиз. Шу гапни айтганмисиз, ҳай?.. Ана, турқингиз ўзгарди. Демак, айтгансиз! Ҳай, энди айтинг-чи, бу билан нима демоқчи бўлгансиз?

— Сувни қаёққа қараб оқишини айтганман, — деди Алибек ака ҳайрон бўлиб. — Сизнингча, қаёққа қараб оқади дейишим керак эди? Агар шу гапимдан бирор маъно чиқармоқчи бўлсангиз, янглишасиз, ака. Бунақа гапларни, ахборотингиз учун сиз ҳам айтгансиз, — Алибек

ака ҳам стол галадонидан қалинроқ дафтар чиқариб варақлади ва лозим саҳифани топгач ўқишга тугинди: — 198... йил 22 июль. Касаба уюшмаси йиғилиши. Мана бундай деган экансиз: «Ҳозир бизда шунақа бир девона шамол эсяптики, кўз очишга имконият йўқ». Кўриниб турибдики, ўшанда оддий шамол ҳақида гапирмаган чиқарсиз? А, лаббай! Числосига эътибор беринг: 22 июль! Ёзнинг чилласи. Айтинг қани, ёзда шамолга бало борми?.. Ҳа-а, айланай, нафаслари чиқмай қолди-ку! Ана шунақа. Бировнинг ҳолига кулмагин зинҳор, сенинг устингдан ҳам... Ҳай, гапиринг энди.

Аввалига Ҳамид ака бир қалқиб тушди. Ўзига келиб олгач «ҳали шунақами?» дегандай чўнтагидан жимжилоқдай келадиган тошча чиқариб стол устига қўйди ва Алибек акага қараб зугум қилди.

— Мана бу нима?

— Тош, — деди Алибек ака.

— Қанақа тош?

Алибек ака елка учирди.

— Ана, билмайсиз, — деди Ҳамид ака ҳарифини бурчакка сиқиб қўйган ғолибдай мағрур қиёфада. — Бу тошни ўзингиз менга бергансиз! Бу билан бурнингиздан ип ўтказиб, ўша ипнинг бир учини мени қўлимга тутқазгансиз.

— Шу тошни мен сизга берганманми?

— Ҳа-да, жонидан акаси, сиз! 198...

йил 5 сентябрь. Сайфи Сатторовичнинг юбилейлари... Эсингизга тушдими?

— Хўш-хўш!

— Сиз ҳам боргандингиз, а? Айвонда ўтиргансизлар.

— Тўғри, айвонда ўтирганмиз, сиз югуриб югандингиз.

— Кесатманг! Ана шунда «ошдан чиқди» деб шу тошни ишхонага олиб келганмидингиз, олиб келгандингиз! Устига-устак «тишимдан ажраб қолишимга бир баҳя қолди-я», деб бир неча кишига айтгансиз ва бу билан юбилей ошини ёмонлаб, ҳаммамиз учун хурматли Сайфи Сатторовичнинг обрўларини тўккансиз. Ўшанда бу тошни хўжайинга киритиб берганимда борми, паттангиз қўлингизда эди. Саккизта жужуқларингизни юзидан ўтолмаганман. Каллагинамдан айланай, тошни ташлаб юбормай, керак бўлар деб шу бугунгача сақлаб юрганим яхши бўлган экан, ҳозир киритиб берсам ҳам бўлади.

Ҳамид аканинг бу «шах»ига Алибек ака «алдамчи юриш» қилди ва «мот» бўлиб қолишдан қутилиб қолди.

— Қўрқитмай кўяқолинг! — деди у чўнтагидан рўмолча чиқариб Ҳамид акага кўз-кўз қиларкан. — Мана бу рўмолчадаги қон юқи кимники эканлигини билсангиз керак?

Ҳамид ака буни биларди, лекин ўзини билмасликка олди.

— Бу билан нима демоқчисиз?

— Демокчиманки, бу сизнинг япалоқ бурнингизнинг қони. 199... йил 15 август... Фаромуш айламаган бўлсалар, эслатиш бизга ҳам фарз, ҳам қарздор.

— Қани-й, қани-й!

Алибек ака бу билан ўтган сафаргидек «Ҳамид буткул таслим бўлади» деган ниятда дадил-дадил ҳаракат қилди.

— Котиба Хуморахон янги ишга келган вахлари, а, ҳис-ҳаяжонингизни жиловлай олмай: «Ана қадду ана қомат, кимга кулиб боқар омад», деб, а? Ўшанда Хуморахон нима билан жавоб берган?... Албатта шапалоқ билан-да. Шунда бурнингиздан шариллаб қон оққанида ана шу рўмолча билан артгансиз! И-и-и, у кишини қизарганини... Рўмолчани хотинингизга жўнатганимда нима бўларди, ҳай?

— Учинчи жаҳон уруши-да!

— Лекин мен жаҳон урушининг олдини олганман. Шу билан бирга ҳозирги кунгача рўмолчани асраб юрганим ҳам яхши бўлган экан, бўлмаса ҳозир «мот» бўлиб қолишим турган гап эди.

Ҳамид ака нотўғри «дона» сурдим деб ўйлаган эди. Лекин унинг жиззакилиги бу ўйларни чиппақка чиқарди.

— Бу билан «Ҳамидни мот қилдим» деб ўйламанг, — деди Ҳамид ака иккинчи дафтарни очиб. — Мана, бу-чи? Қосим Муҳаммаднинг «Ҳайвонот олами» қўлёзмасининг муҳокамасидаги «қизилиштон» масаласи. — Алибек аканинг жим бўлиб қолганини кўриб, «Энди енгдим» деб ўйлади чоғи, гапини давом эттирди: — Мен муҳокамада: «Ҳа деб қизилга ургу беравермайлик, шу қизилиштон деган қушнинг иштонини бошқа рангдаги иштон билан алмаштирайлик» деганимда, сиз менинг фикримга қарши ўлароқ, қизил рангни ёқлаб чиққансиз! «Бу қушнинг иштони минг йил олдин қизил эди, бундан кейин ҳам қизил бўлиб қолаверади» дегансиз...

— Сайфи Сатторович ҳам менинг фикримга қўшилганлар, — деди Алибек ака мағрур қиёфада. — Сиз эса ўшанда дами чиққан коптокдек пучайиб қолгансиз.

— Фирром курашчидай оёғимдан олманг! — деди Ҳамид ака кўрсаткич бармоғини «йўқ-йўқ» дегандек қимирлатиб. — Сайфи Сатторовични хурмат қилишимни биласиз-да! Майли, бу сафар ҳам дурангга розиман...

Шу билан ҳикоямиз ўз поёнига етди. Ҳарифлар битимга келишди ва сардафтарларини ҳамда далилий ашёларини галадонга солиб, қўл олишишди.

*Санъатишунослик
илмий-тадқиқот
институтининг
70 йиллик
юбилейига доир мақолаларни
М.Абдуллаёрова
уйштирди.*

Гулистон

5

1998

Учредитель:

**Министерство по делам
культуры
Республики Узбекистан**

На узбекском языке


**Навбатчи муҳаррир
Сайёра ШОДИЕВА**

**Мусахҳих
М.АБДУЛЛАЁРОВА**

**Компьютерчи ва
саҳифаловчи
Нодира СОАТОВА**

Муҳарририят турар жойи:

*700029, Тошкент — ГСП,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.*



Телефонлар:

*Бош муҳаррир — 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари — 133-07-94
Масъул котиб — 133-07-94
Рассом ва мусахҳих — 136-56-02*

Босишга руҳсат этилди
2. 09. 98 йил.

Қоғоз ҳажми 60x84/116

Осфет босма.

Шартли босма тобоғи 7,64.

Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.

Шартли бўёқли нусха 18,5

Буюртма №2769

4253 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нарх.

**"Шарқ" нашриёт-матбаа
концернининг босмаҳонаси.**
*700029, Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41.*

© "ГУЛИСТОН" 5, 1998.

**Санъатшунослик
илмий-тадқиқот
институти тасвирий
санъат ҳамда
санъат тарихи
бўлимлари илмий
ҳодимлари.**



**Суратларни
В. Гранкин олган.**





IV Республика оилавий ансамблларнинг кўрик-танлови олий ўрин совриндори – Шеркўзиевлар оилавий сулоласи.



**Сурхондарё вилояти,
Музробод туманидаги
"Файз"
номли Файзиевлар
оилавий дастасининг
қизлари.**